

ВЕСТНИК  
Высших учебных курсов  
Генеральной прокуратуры



BULLETIN  
of the High training courses  
of the General prosecutor's office

Ўзбекистон Республикаси  
Бош прокуратурасининг  
Олий ўқув курслари

# АХБОРОТНОМАСИ

Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2013 йил 30 декабрдаги  
201/3-сонли қарори билан илмий журналлар рўйхатига киритилган

ISSN 2181-5011



[www.vuk.uz](http://www.vuk.uz)

№2 (22)  
2015



# Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари АХБОРОТНОМАСИ

ҳуқуқий, илмий-амалий нашр

## МУАССИС:

Ўзбекистон Республикаси  
Бош прокуратурасининг  
Олий ўқув курслари

### Таҳрир кенгаши:

Ихтиёр Абдуллаев  
Ниғматилла Йўлдошев  
Нуриддинжон Исмоилов  
Светлана Ортиқова  
Зоҳид Дўсанов  
Ҳақимбой Халимов  
Шўхрат Узаков  
Шўхрат Мустафоев

### Бош муҳаррир:

Бахтиёр Пўлатов

### Масъул котиб:

Гофуржон Алимов

### Таҳрир ҳайъати:

Музаффар Мамасиддиқов  
Бобоқул Тошев  
Матлюба Аминжанова  
Фаҳри Раҳимов  
Фурқат Шодманов  
Марат Палванов

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2010 йил 7 январда 0580 сонли гувоҳнома билан рўйхатга олинган.

2010 йил январь ойдан чиқа бошлаган.

Журнал Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги Олий аттестация комиссиясининг илмий даража талабгорлари чоп этиши лозим бўлган журналлар рўйхатига киритилган.

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин. Журналда чоп этилган материаллардан фойдаланилганда «Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари Ахборотномаси»дан олинди деб кўрсатилиши шарт. Таҳририят тақдим этилган мақолаларни тақриз қилиш ва қайтариш мажбуриятини олмаган.

### Манзил:

100047, Тошкент шаҳри,  
Тараққиёт кўчаси 59-уй

### Саҳифаловчи:

Сарварбек Бобожонов

web-site: www.vuk.uz  
e-mail: axborotnoma@vuk.uz

Бюртма №  
Адади: 1000

Журнал «Мир полиграфии»  
МЧЖ ҚК босмахонасида  
чоп этилди.

Манзил: Тошкент шаҳри,  
Авлиё ота кўчаси 7-уй.

## МУНДАРИЖА

### Ҳ.Халимов

Фуқароларнинг ҳуқуқий фаоллигини оширишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлиги

1

### И.Жасимов

Ўзини ўзи бошқариш органларининг инсон ҳуқуқларини таъминлашдаги ўрни

5

### Ш.Амиров

Жинойят ишлари бўйича экспертиза: соҳага оид айрим хорижий мамлакатлар процессуал қонунчилиги таҳлили

8

### А.Закурлаев

Ҳодиса содир бўлган жойда биологик изларни аниқлаш ва уларнинг далилий аҳамияти.

11

### М.Якубов

Электрон тижорат мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг етакчи фактори

14

### Ж.Холмўминов

Қонунлар ижросини таъминлашда прокуратура органларининг роли ва вазифалари

20

### И.Хамедов

К вопросу о понятии и инвентаризации государственных услуг в Республике Узбекистан.

25

### А.Одинаев

Босқинчилик жинояти учун жавобгарлик: хорижий тажриба ва миллий қонунчилик.

30

### Х.Каримов

Жиноятчиликка қарши курашишда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятнинг ўрни

35

### С.Иноятова

Новая волна в развитии предпринимательского права в Узбекистане

37

### Д.Миразов

Назоратнинг моҳияти, хусусиятлари ва таснифланиши

40

### М.Мусаев

Коррупция: коррупционная преступность и её предупреждение

44

### Ш.Файзиев

Зарубежная регламентация института дознания

47

### Э.Тургунбоев

Жиноят қонунчилигини либераллаштиришда жиноят қонунининг орқага қайтиш масалалари

51

### Ҳ.Воҳидов

Юридик шахснинг мутлақ ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳақидаги талаблари бўйича даъво муддати

54

### Б.Умаров

Особенности уголовной ответственности несовершеннолетних: национальный и зарубежный опыт

60

### С.Гафурова

Механизм осуществления консульской защиты прав граждан Республики Узбекистан за рубежом

67

### С.Гордеев

Ведомственный контроль в розыскной работе оперативных подразделений

70

### Т.Раҳмонов

Экологик тўловларни ҳуқуқий тартибга солишни ривожланиш иерархияси

73

### С.Барлибоева

Ўзбекистон Республикасида қонун ҳужжатлари тилининг ҳуқуқий асослари

78

### Илмий-амалий конференциялар

80

### Янги китоблар

83

Ҳақимбой ХАЛИМОВ,  
Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ўринбосари

# ФУҚАРОЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШДА ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛУВЧИ ОРГАНЛАРНИНГ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУТЛАРИ БИЛАН ҲАМКОРЛИГИ

- ◆ Мақолада қонун устуворлигини таъминлаш, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, фуқароларнинг ҳуқуқий фаоллигини оширишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва фуқаролик жамияти институтларининг ўзаро ҳамкорлигини кучайтириш масалалари ёритилган.
- ◆ В статье освещены вопросы обеспечения верховенства закона, повышения правовой культуры населения, усиление сотрудничества правоохранительных органов и институтов гражданского общества в повышении правовой активности граждан.
- ◆ The article highlights law supremacy providing, improving legal literacy, increased cooperation of law enforcement agencies and civil society in improving legal activity of citizens.

**Таянч сўзлар:** қонун устуворлиги, ҳуқуқий маданият, ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамияти, ҳуқуқий фаоллик, ҳуқуқий тарғибот, фуқаролар муносабати, инсон ҳуқуқлари маданияти, ижтимоий шериклик, ҳуқуқий таълим.

**Ключевые слова:** верховенство закона, правовая культура, правовое государство, гражданское общество, правовая активность, правовая пропаганда, обращение граждан, правовая культура личности, социальное партнерство, юридическое образование.

**Key words:** law supremacy, legal culture, legal state, civil society, legal activeness, legal propaganda, treatment of citizens, legal culture of personality, social partnership, legal education.

Қонун устуворлигини таъминлаш, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, фуқароларни қонунга итоат ва ҳурмат руҳида тарбиялаш демократик ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамияти барпо этишининг муҳим шартларидан саналади. Шу боис ҳам, мамлакатимизда тизимли ва босқичма-босқич амалга ошириб келинаётган ислохотлардан кўзланган асосий мақсадлардан бири инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг ишончли ҳимоясини таъминлашдир.

Юксак ҳуқуқий маданият демократик жамият пойдевори ҳамда ҳуқуқий тизим етуқлигининг ифодасидир. У жамиятдаги турли хил ҳаётий жараёнларга фаол таъсир кўрсатувчи, фуқароларнинг, барча ижтимоий гуруҳларнинг жипслашувига кўмаклашувчи, жамиятнинг яхлитлиги ҳамда батартиблигини таъминловчи ва мустаҳкамловчи омилдир. Шундай экан, қонунни ҳурмат қилиш ҳуқуқий жамиятнинг, сиёсий ва ҳуқуқий тизимлар самарали фаолият кўрсатишининг асосий талабларидан бири ҳисобланади.

Ҳуқуқий фаоллик деганда, шахснинг ўз ҳуқуқ-

лари, бурчлари, манфаатларини англаши ва фаолиятида қонунийликка риоя қилиши тушунилади.

Жамият ва давлат тараққиётининг ҳозирги ҳолати ҳуқуқий муносабатлар барча иштирокчиларининг ҳуқуқий маданиятини ва ҳуқуқий фаоллигини ҳар томонлама оширишни талаб қилмоқда. Ҳуқуқий фаоллик — ҳуқуқий билим, ҳуқуқий маданият ва изчил амалий фаолият мажмуи сифатида жамият ва давлат олдида турган вазифаларнинг муваффақиятли ҳал этилишини таъминлайди.

Аҳолининг ҳуқуқий фаоллигини юксалтириш давлатимизнинг доимий эътиборида бўлиб, бу вазифаларни амалга оширишга доир долзарб тадбирлар амалга ошириб келинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрдаги Қўшма мажлисидаги эълон қилган Концепциясида жамиятда ҳуқуқий маданиятни ривожлантириш масаласига тўхталиб, "Жамиятнинг демократия йўлидан жадал ривожланиши ва бу борада

амалга оширилаётган ислохотларнинг муваффақияти кўп жиҳатдан одамларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданият даражасига боғлиқдир. Юксак ҳуқуқий маданият — демократик жамият пойдевори ва ҳуқуқий тизимнинг етуқлик кўрсаткичидир.

Шу муносабат билан бугунги сиёсий-ҳуқуқий воқеликни ҳисобга олган ҳолда, мамлакатимизда ҳуқуқий таълим ва маърифатни, жамиятда ҳуқуқий билимлар тарғиботини тубдан яхшилашга йўналтирилган мақсадли кенг кўламли чоратадбирлар дастурини ишлаб чиқиш зарур. Ушбу дастурнинг амалга оширилиши аҳолининг инсон ҳуқуқ ва эркинликларига нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлишини, фуқароларда қонунга итоаткорлик туйғусининг янада ортishини таъминлайди", деган фикрни илгари сурган эдилар.

Мамлакатимизда аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш мақсадида Республика Президентининг 1997 йил 25 июнда қабул қилинган "Ҳуқуқий тарбияни яхшилаш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш, ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ишини яхшилаш ҳақида"ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1997 йил 29 августдаги "Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури" ҳамда 1998 йил 29 майдаги "Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Вазирлар Маҳкамаси Қарори бу соҳадаги ислохотлар ривожига муҳим дастур бўлиб хизмат қилиб келмоқда.

Маълумки, аҳолининг ҳуқуқий фаоллигини юксалтиришда қонунларни тарғиб қилиш масаласи муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистон Республикасининг "Прокуратура тўғрисида"ги Қонунига кўра, жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш ишида иштирок этиш прокуратура органлари фаолиятининг асосий йўналишларидан бири сифатида белгилаб берилган.

Албатта, бу вазифаларни прокуратура органлари бир қатор фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорликда амалга ошириб келмоқда. Жумладан, марказий телерадиоканалларда тадбиркорликни ҳимоя қилиш, одам савдосига қарши кураш ва бошқа масалаларга бағишланган ижтимоий рекламалар прокуратура органлари томонидан тайёрланиб, намойиш этиб келинмоқда.

Олиб борилаётган ҳуқуқий тарғибот тадбирлари билан чекланиб қолмасдан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва фуқаролик жамияти институтларининг аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва фаоллигини ошириш борасидаги ҳамкорлигини янада кучайтириш бугунги куннинг дол-

зарб вазифаси ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов бу борада Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган нутқида фуқаролик жамияти институтларининг аҳолининг ҳуқуқий фаоллигини оширишдаги ўрнига баҳо бериб, "Нодавлат нотижорат ташкилотлари демократик кадриятлар, одамларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг ижтимоий, социал-иқтисодий фаоллиги ва ҳуқуқий маданиятини оширишнинг муҳим омилига айланиб бормоқда", деб таъкидлаганлар.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, бугунги кунда аҳолининг ҳуқуқий фаоллиги юксалиши жараёнида уларнинг ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилишни сўраб тегишли идораларга мурожаат қилиш даражаси ҳам ошиб бормоқда.

Жумладан, фуқаролар томонидан айнан прокуратура органларига 2014 йилда 168 минг 216 та мурожаат келиб тушиб, уларнинг 80 минг 676 таси ҳал қилинган, бунинг натижасида 19 минг 417 нафар фуқаронинг ҳуқуқлари тикланган. Мазкур даврда 121 минг 91 нафар фуқаро прокуратура органлари томонидан қабул қилинганлигини айтиб ўтиш мумкин. 2015 йилнинг 1-чорагида эса 52 минг 64 та мурожаат келиб тушиб, 34 минг 738 нафар фуқаро қабул қилинган.

Прокуратура органларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини ҳал этиш, уларнинг ҳуқуқий билимларини юксалтириш жараёнида фуқаролик жамияти институтлари ва бошқа ташкилотлар билан мустақкам алоқа ўрнатилган.

Жумладан, Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) томонидан 2014 йилда 2 минг 141 та, жорий йилнинг 4 ойи давомида 793 нафар фуқаронинг шикоят ва аризалари прокуратура органларига юборилиб, назоратга олинди ва текширилди.

Шунингдек, Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ томонидан 2014 йилда 141 та, жорий йилнинг 4 ойи давомида 97 та, Ўзтелерадиокомпания томонидан 2014 йилда 361 та, жорий йилнинг 4 ойи давомида 89 та, матбуот органлари томонидан 2014 йилда 571 та, жорий йилнинг 4 ойи давомида 209 та мурожаат Бош прокуратурага келиб тушиб, назоратга олинди ва текширилди.

Шунингдек, 2012 йил 9 март куни Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ва Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти ўртасида ўзаро ҳамкорлик тўғрисида Меморандум имзоланган бўлиб, унда белгиланган ҳуқуқий тарғибот йўналишидаги бир қатор тадбирларни ўтказиш ор-

кали аҳолининг ҳуқуқий фаоллигини оширишга эришилмоқда.

Шуни қайд этиш лозимки, фуқароларнинг ҳуқуқий фаоллигини оширишда давлат органлари фаолиятининг ошкоралиги, жисмоний ва юридик шахсларнинг улар фаолиятига оид ахборотни олиш имкониятлари яратилганлиги муҳим аҳамият касб этади.

Бу борада 2014 йил 5 майда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги Қонуни жисмоний ва юридик шахсларнинг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларидан ахборот олиш ҳамда ундан фойдаланишга оид ҳуқуқларини таъминлайди.

Шунингдек, аҳолининг ҳуқуқий фаоллигини оширишда матбуот нашрларининг аҳамияти бекиёсдир. Жумладан, Бош прокуратура муассислигидаги "Ҳуқуқ" газетаси ва Бош прокуратуранинг Олий ўқув курслари "Ахборотнома"си, Бош прокуратура веб-сайти прокуратура органлари фаолиятини тарғиб қилиш ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришда муҳим аҳамият касб этиб келмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, аҳолининг давлат органлари фаолияти тўғрисидаги ҳуқуқий билимларини ва уларнинг бу соҳага доир ҳуқуқий фаоллигини ошириш мақсадида 2013 йилда электрон портал яратилди. Бугунги кунда ушбу электрон тизим аҳолига давлат органлари фаолияти тўғрисида ахборот олиш ва улар томонидан кўрсатиладиган хизматлардан электрон усулда фойдаланиш имконини яратмоқда.

Аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва фаоллигини оширишда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан яратилган Lex.uz ҳуқуқий ахборот излаш тизими ҳам самарали ишлаб келмоқда. Бугунги кунда унда 34 мингдан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мавжуд бўлиб, 240 мингдан ортиқ интернет фойдаланувчилари мазкур тизимда рўйхатдан ўтган. 2009 йилда ушбу тизимдан фойдаланувчилар йилига 44 мингтани ташкил қилган бўлса, ҳозирги кунга келиб бир кунда ўрта ҳисобда 10 мингга яқин фойдаланувчи ташриф буюриб, ўзига керакли бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан бепул фойдаланмоқда. Ваҳоланки, айрим Европа мамлакатларида ҳар бир норматив ҳужжатдан фойдаланганлик учун 2 евро миқдорида ҳақ тўлаши белгиланган.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, юртимизда аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Албатта, биз бу билан чекланиб қолмасдан юқорида қайд этилганидек, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларнинг фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлигини янада кучайтиришимиз лозим. Чунки, 2014 йил 25 сен-

тябрда Ўзбекистон Республикасининг "Ижтимоий шериклик тўғрисида"ги Қонунининг қабул қилинганлиги ҳам юртимизда аҳолининг ҳуқуқий фаоллигини оширишда фуқаролик жамияти институтлари билан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ўртасидаги ҳамкорликни янада кучайтиришга катта имкон яратди.

Ушбу қонунда давлат органларининг фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлик шакллари, уни амалга ошириш тартиблари ҳамда аҳолининг ҳуқуқий билими, онги ва маданиятини юксалтириш, фуқаролик жамияти ва демократик ҳуқуқий давлат асосларини мустаҳкамлаш ижтимоий шерикликнинг асосий соҳаларидан бири сифатида белгиланди.

Дарҳақиқат, ҳуқуқий таълим ва тарбия тизimini такомиллаштириш, мамлакат қонунлари ва унда ўрнатилган ҳуқуқий жараёнга нисбатан барча давлат органлари, мансабдор шахслар, тадбиркорлик субъектлари, жамоат бирлашмалари ва фуқароларнинг бирдек ҳурмат билан муносабатда бўлишига эришиш, аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, шунингдек, фуқароларнинг ижтимоий-ҳуқуқий фаоллигини таъминлаш бугунги кундаги долзарб масалалардан бири саналади.

Сир эмаски, жамиятимиз олдида турган муҳим вазифаларни рўёбга чиқариш кўп жиҳатдан халқимизнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятига боғлиқдир. Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданият қанчалик юқори бўлса, одамларда қонунларга ҳурмат туйғуси шунча ортади. Ҳуқуқий тафаккур шаклланмаган муҳитда эса, аксинча, номутаносибликлар юзага келиши табиийдир.

Фуқароларнинг ҳуқуқий фаоллиги, ҳуқуқий онги ва маданиятини ошириш, бу борада ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлигини янада такомиллаштириш сифатида қуйидагиларни таъкидлаш мумкин:

Биринчидан, аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш, айниқса, ёшларнинг ҳуқуқий ахборотга бўлган эҳтиёжини қондиришда замонавий ахборот воситалари, жумладан, интернет ва уяли алоқа тизимлари имкониятидан кенг фойдаланиш зарурлигини инобатга олган ҳолда, ҳуқуқий йўналишдаги сайтлар сони ва сифатини ошириш лозим.

Иккинчидан, фуқаролик жамияти институтлари жамият аъзоларининг фаоллиги, миллий онги, сиёсий маданияти ва юксак маънавияти ўсишига, уларда ўз кадр-қимматини ҳис этиш, ўзлигини англаш, мустақил фикрлаш, ўз салоҳиятини ошириш, ўз имкониятларини, истеъдод ва қобилиятларини эркин намоён этиш ва дунёқараши шаклланишига кўмаклашиши керак.

Учинчидан, демократик қадриятлар, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда фуқаролик жамияти институтлари билан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ўртасидаги ҳамкорлик самарадорлигини янада ошириш зарур.

Тўртинчидан, жамият ҳаётида фуқаролик жамияти институтларидан бири бўлган нодавлат нотижорат ташкилотларининг ўрни, аҳамиятини кескин кучайтириш лозим.

Бешинчидан, прокуратура органларининг аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш борасидаги фаолиятини янада такомиллаштириш, яъни турли ҳамкорлик шаклларини жорий этган ҳолда аҳолининг ҳуқуқий фаоллигини ошириш даражасини юксалтириш керак.

Олтинчидан, мамлакатни модернизациялашда фуқароларнинг онги, тафаккури, эҳтиёж ва манфаатларининг ошиб боришини инobatга олган ҳолда уларнинг ҳуқуқий маданиятини, фаоллигини мақсадли йўналтириш лозим.

Еттинчидан, ОАВ фаолиятининг сиёсий-ҳуқуқий таълим, жамиятда ҳуқуқий билимлар тарғиботи бўйича амалга ошираётган фаолиятининг кескин яхшиланишига қаратилган мақсадли комплекс чоралар дастурини яратиш зарур.

Саккизинчидан, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти тўғрисида жамоатчиликни хабардор қилиш тартибини ҳамда жисмоний ва юридик шахсларнинг ахборот технологиялари, интернет ва янги медиадан фойдаланган ҳолда ахборот ресурсларини олиш механизмларини такомиллаштириш керак.

Шунингдек, журналистларнинг профессионал тайёргарлиги, маънавий ва сиёсий етуклигига доир талабларни кескин кучайтириш зарур.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, қайд этилган вазифаларнинг қатъий ижро этилиши, ушбу тadbирда кўтарилган долзарб вазифаларнинг тегишли ижрочиларга етказилиши жойларда аҳолининг ҳуқуқий фаоллигини юксалтиришга тўла хизмат қилади.



Ислам ЖАСИМОВ,  
Бош прокуратура бошқарма бошлиғи

## ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИНИНГ ИНСОН ХУҚУҚЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШДАГИ ЎРНИ

- ◆ Мақолада ўзини ўзи бошқариш органларининг фуқароларнинг ижтимоий ҳимоясини амалга ошириш борасидаги вазифалари ҳусусида сўз юритилган.
- ◆ В статье раскрываются задачи органов самоуправления в повышении социальной защиты граждан.
- ◆ The article describes the tasks of self-government organs in improving social protection of citizens.

**Таянч сўзлар:** маҳалла, ўзини ўзи бошқариш, ижтимоий ҳимоя, кам таъминланган оила, халқ фаровонлиги, инсонпарварлик, фуқаролик жамияти, ижтимоий нафақа, бола парвариши, моддий ёрдам.

**Ключевые слова:** маҳалла, самоуправление, социальная защита, малообеспеченная семья, благосостояние граждан, гуманизм, гражданское общество, социальное пособие, уход за ребенком, материальная помощь.

**Key words:** makhalla, self-government, social protection, low-income family, welfare of citizens, humanity, civil society, social welfare, child care, financial assistance.

“Ўрта Осиёда ва, аввало, Ўзбекистонда маҳалла каби ўзини ўзи бошқарувчи ижтимоий ташкилотнинг ноёб шакли азалдан мавжуд бўлган ва шу кунгача ҳам сақланиб қолган. Ўзбеклар учун маҳалла жамоа тушунчасидан кўра кўпроқ маънони билдиради. Маҳалла туфайли туб аҳоли ижтимоий ва иқтисодий хатти-ҳаракати таркиб топиши, ижтимоий қадриятлар ҳурмат қилиниши, ўзаро муносабат одоби тамойилларининг алоҳида қоидалари сақланиб қолди. Бу эса жамият олдидаги мажбурият ва зиммадаги масъулият сўзсиз бажарилишининг кафолатидир.

Дарҳақиқат, маҳалла ўзбек халқининг қадимдан шаклланиб келган ва ҳозирда ҳам ўз амалий аҳамиятини йўқотмаган ўзини ўзи бошқаришнинг муҳим институти ҳисобланади.

Мамлакатимизда ўтган йиллар мобайнида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш тизимини янада такомиллаштириш ва унинг ижтимоий аҳамиятли ишларини амалга ошириш, оила, айниқса, унда камол топаётган ёш авлодни маънавий-ахлоқий тарбиялашдаги ўрнини кўтариш мақсадида кенг қўламли ишлар амалга оширилди. Шунингдек, ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш масаласи Давлат дастурлари доирасида амалга оширилаётган вазифа сифатида баҳола-ниб, алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда.

Ҳусусан, Президентимизнинг 2013 йил 14 февралдаги 1920-сонли Қарори билан тасдиқланган “Обод турмуш йили” Давлат дастурида ҳам маҳалла институтини ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини янада такомиллаштириш, уларнинг ҳуқуқлари ва ваколатларини кенгайтириш, жойларда иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришда уларнинг роли ва аҳамиятини ошириш масаласи устувор йўналиш сифатида белгиланди.

Мазкур дастур ижросини таъминлаш мақсадида 2013 йилнинг 22 апрелида “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги Қонун янги таҳрирда қабул қилинди.

Ушбу қонунда аввалги таҳрирдаги қонундан фарқли ўларок, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг аҳолининг ночор қатламларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича ваколатлари ва функциялари кенгайтирилиб, уларнинг фуқаролар йиғинлари ҳудудларида кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари фаолиятини, шу жумладан, оилавий тадбиркорлик ва хунармандчиликни ривожлантириш борасидаги фаолиятининг ҳуқуқий асослари белгилаб берилди.

Айтиб ўтиш лозимки, ижтимоий ҳимоянинг асосий йўналишларидан бири — бу аҳолининг эҳтиёжманд, кам таъминланган қатламларига моддий

ёрдам, нафақалар ва бошқа имтиёзлар беришдан иборат.

Республикада ижтимоий ҳимоянинг ҳуқуқий муҳити яратилган бўлиб, унга қонуний асос солинган. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясининг 39-моддасида **“Ҳар ким қариганда, меҳнат лаёқатини йўқотганда, шунингдек боқувчисидан маҳрум бўлганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқига эга”**, деб қайд этилган.

Аҳолининг энг кам ҳимояланган ва муҳтож табақаларини ўз вақтида қўллаб-қувватлаш халқ фаровонлиги, инсонпарварлиги йўлида амалга ошириладиган ислохотлар муваффақияти гаровидир. Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидаёқ Юртбошимиз аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламини давлат томонидан муҳофаза қилиш масаласини кечиктириб бўлмайдиган, устувор вазифалардан бири сифатида белгилаб бердилар.

Маҳалла ўзини ўзи бошқаруви амалиёти ҳамда фуқаролик жамиятини қуриш тамойилларидан келиб чиқиб, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига босқичма-босқич давлат ҳокимияти вазифалари ўтказиб келинмоқда. Бу амалиёт ҳаёт тажрибасида ўзини тўла оқламоқда.

Эндиликда давлат ўз вазифаларини, ваколатларини ҳокимиятни кучайтириш ҳисобига эмас, балки демократик омилларни кенгайтириш ва кенг халқ оммасини бошқаришга жалб этиш йўли билан амалга ошириш йўлида фаол иш олиб бормоқда.

Амалиёт ва тажрибалар таҳлили аҳолининг турли қатламларига қатъий табақалаштирилган тарзда ёндашиб, ялпи ижтимоий ҳимоялаш тизимидан, ишончли ижтимоий кафолатлар ва аҳолини аниқ мақсадли ҳамда манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизимига ўтиш мақсадга мувофиқ эканлигини кўрсатди.

Вояга етмаган болалари бўлган оилаларга ва кам таъминланган оилаларга аниқ тарзда ижтимоий ёрдам беришни кучайтириш, республика аҳолисининг реал даромадлари ва фаровонлиги барқарор ўсиши шароитларида аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш чора-тадбирларини амалга оширишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг роли ва масъулиятини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 12 декабрдаги 350-сонли “Ижтимоий нафақаларни тайинлаш ва тўлаш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори қабул қилинди.

Мазкур қарор билан:

— оналарга бола икки ёшга тўлгунга қадар бола парвариши бўйича нафақа тўлашнинг ва кам таъминланган оилаларга моддий ёрдамнинг

амалдаги миқдорлари ва муддатлари сақлаб қолинди;

— вояга етмаган болалари бўлган оилаларга нафақа тайинлашда ҳисобга олинадиган болаларнинг энг катта ёши, аҳолининг яшаш шароити яхшиланганлигини инобатга олиб, 14 ёшгача пасайтирилди;

— 2013 йил 1 январдан бошлаб вояга етмаган болалари бўлган оилаларга нафақалар болалар сонига боғлиқ равишда дифференцияланган янги миқдорларда белгиланди.

Шунингдек, ижтимоий нафақалар ва моддий ёрдам тайинлаш ва тўлашни тартибга солиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 15 февралдаги 44-сонли Қарори билан тасдиқланган “Кам таъминланган оилаларга ижтимоий нафақалар ва моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида”ги Низом билан амалга оширилади.

Ушбу Низомга мувофиқ, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан 14 ёшгача болалари бўлган оилаларга нафақа, бола икки ёшга тўлгунга қадар бола парвариши бўйича нафақа ва кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам тайинланади ва тўланади.

Болали оилаларга нафақа, бола парвариши бўйича нафақа ва моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тўғрисидаги қарор фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи — посёлка, қишлоқ ва овул, шунингдек, шаҳарларнинг маҳаллалари фуқаролар йиғини (вакиллар йиғилиши) ёки бундай қарорларни қабул қилиш учун фуқаролар йиғини томонидан ваколат берилган комиссия томонидан қабул қилинади.

Комиссия фуқаролар йиғини томонидан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи ҳудудида истиқомат қилувчи обрў-эътиборли ва ҳурматга сазовор фуқаролар орасидан сайланади. Комиссияга фуқаролар йиғинининг раиси бошчилик қилади. Комиссия аъзолари 2 йил муддатга, фуқаролар йиғини раиси эса — унинг бутун ваколати даврига сайланади. Ушбу комиссия таркиби камида 15 кишидан иборат бўлиши керак.

Болали оилаларга нафақалар, бола парвариши бўйича нафақалар ва моддий ёрдам тайинлаш ва тўлашда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ижтимоий адолатга сўзсиз риоя қилиш; кенг ошкоралик ва очиқликни таъминлаш; давлат томонидан қўллаб-қувватлашсиз даромадларини оширишнинг аниқ имконияти бўлмаган ҳақиқатда эҳтиёжманд оилаларга нафақалар ва моддий ёрдам бериш; нафақалар ва моддий ёрдамни манзилли тарзда тайинлашни таъминлаш йўли билан уларни тўлашга ажратилган маблағлардан мақсадли ва самарали фойдаланиш; аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш тадбирларига айрим оилалар ва фуқаролар томонидан боқимандалик муносабатида бўлиш, ўзининг

иктисодий фаоллиги ҳисобига эмас, балки давлат ёрдами ҳисобига яшашга интилишга йўл қўймаслик тамойилларга амал қилишлари керак:

**Фуқаролар йиғини томонидан эҳтиёжманд деб эътироф этилган оила нафақа ва моддий ёрдамнинг фақат бир турини олиш ҳуқуқига эгадир.**

Фуқаролик жамияти шаклланишининг асосини ташкил этадиган пойдевор ҳисобланган фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига инсон ҳуқуқларини таъминлашда алоҳида ўрин ажратилган. Бироқ, айрим фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан уларга юклатилган муҳим вазифаларни бажаришга етарли даражада эътибор қаратилмаяпти.

Прокуратура органлари томонидан ўтказилган текширишлар баъзи фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан нафақа тайинлашда сусткашликка, айрим ҳолларда масъулиятсизлик ва ўзибўларчиликка йўл қўйилаётганлигини, ўз вақтида тўлаб бермаслик, ўзлаштириш, бюджет маблағларини ортиқча ҳамда мақсадсиз сарфлаш, ҳолатлар мавжудлигини кўрсатди.

Фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан белгиланган тартибга ва белгиланган мезонларга риоя этмаслик ҳолатлари учун рамоқда.

Масалан, Андижон шаҳридаги маҳалла фуқаролар йиғини мансабдор шахслари 83 млн. сўмдан ортиқ ижтимоий нафақаларни ноқонуний тайинлаб, талон-торож қилганликлари учун тегишли тартибда жавоб бермоқдалар.

Прокуратура органлари томонидан 2015 йил 1-чорагида бу соҳада аниқланган қонунбузилиш ҳолатлари бўйича 1501 та прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилиб, кўрилган чоралар натижасида ижтимоий ҳимояга муҳтож 62 та оиланинг бузилган ҳуқуқлари тикланди.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш тизимини ривожлантиришда ва **инсон ҳуқуқларини таъминлашда** янги босқичга қадам қўйилди. Бу эса ўз навбатида, жамиятимизни янада демократлаштириш ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этишда мустаҳкам омил бўлиши муқаррар.



# ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА ЭКСПЕРТИЗА: соҳага оид айрим хорижий мамлакатлар процессуал қонунчилиги таҳлили

- ◆ Мақолада жиноят ишлари бўйича экспертиза тайинлаш ва ўтказишнинг назарий ва амалий жиҳатлари юзасидан айрим хорижий мамлакатлар процессуал қонунчилиги таҳлили ёритиб берилган.
- ◆ В статье проведен анализ процессуального законодательства некоторых зарубежных стран по теоретическим и практическим аспектам назначения и проведения экспертизы по уголовным делам.
- ◆ The article deals with the procedural legislation analysis of some foreign countries on theoretical and practical aspects of scheduling and carrying out expertise of criminal cases.

**Таянч сўзлар:** экспертиза, экспертиза тайинлаш ва ўтказиш, суд экспертизаси, эксперт хулосаси, далил, эксперт, мутахассис, терговчи, жабрланувчи, гувоҳ, тиббий муассаса, экспертнинг мақоми, ёлгон кўрсатув, эксперт тадқиқоти, ДНК таҳлили, махсус билим, экспертиза жараёни.

**Ключевые слова:** экспертиза, назначение и проведение экспертизы, судебная экспертиза, заключение эксперта, доказательства, эксперт, специалист, следователь, потерпевший, свидетель, медицинское учреждение, статус эксперта, ложные показания, исследование эксперта, анализ ДНК, специальные знания, процесс экспертизы.

**Key words:** expertise, scheduling and carrying out expertise, court expertise, expert report, evidence, expert, specialist, investigator, victim, witness, medical institution, status of expert, false testimony, expert investigation, DNA analysis, expertise, process of expertise.

Бугунги кунда мамлакатимизда жиноий-ҳуқуқий соҳадаги сиёсатни такомиллаштириш, жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини янада либераллаштириш ҳамда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини тўлақонли таъминлаш борасида олиб борилаётган суд-ҳуқуқ ислохотларининг энг муҳим йўналишларидан бирига айланган.

Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексида жиноят ишлари бўйича ҳақиқатни аниқлаш ва фан-техника ютуқларидан фойдаланишнинг ўзига хос усули сифатида экспертиза институтига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Зеро, фан-техника тараққиёти ютуқларини ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятида кенг татбиқ этиш жиноят ишларини юритиш сифатини оширади, жиноят ишига оид далилларни ўз вақтида қўлга киритиш, жиноят содир этган шахсларни тезда аниқлаш ва фош этиш орқали жиноят процесси вазибаларининг самарали бажарилишини таъминлайди.

Ҳуқуқни қўллаш билан боғлиқ бу серқирра соҳанинг жиноятларни очиш, иш бўйича ҳақиқатни аниқлаш борасидаги аҳамияти тобора ошиб бормоқда. Бу бир томондан, суд экспертизасига ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва судларнинг эҳтиёжидан далолат берса, иккинчи томондан, эксперт хулосаларига далил манбаи сифа-

тида катта ишонч билан қаралишини билдиради.

Сўнгги йилларда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан тайинланадиган экспертизалар сонининг ошиб бораётганлиги ҳам жиноятни фош этишда экспертиза алоҳида аҳамиятга эга эканлигидан далолат беради.

Мустақиллик даврида бир қатор янги турдаги суд экспертизалар ўтказилиши ташкил этилган бўлиб, биргина Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Х.Сулаймонова номидаги Республика суд экспертизаси марказида бугунги кунда 54 та мутахассислик бўйича 40 турдаги экспертиза ўтказилмоқда.

Жиноят ишлари бўйича экспертиза дастлабки тергов ва суд муҳокамаси жараёнида замонавий илмий воситаларнинг кенг қамровли мажмуидан фойдаланиш имконини беради. Шў боис, жиноят ишлари бўйича экспертиза ўтказишга оид айрим хорижий мамлакатлар процессуал қонунчилигини ўрганиш ва улардаги ижобий жиҳатларни миллий қонунчилигимизга имплементация қилиш соҳага оид нормаларни амалда қўллаш самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Россия Федерацияси. Ушбу давлат жиноят-процессуал қонунчилигида экспертиза ва экспертга бағишланган жами 17 та модда мавжуд бўлиб,

уларда эксперт ва мутахассиснинг хулосаси ҳамда кўрсатувларига оид алоҳида қоидалар мустаҳкамланган. РФ ЖПКга мувофиқ, терговчининг суд экспертизасида иштирок этиши билан боғлиқ қоидалар мустаҳкамланган. Бизнинг қонунчилигимиздан фарқли тарзда жабрланувчи ва гувоҳнинг ҳам экспертиза тайинлаш ва ўтказишдаги ҳуқуқлари кўрсатилган.

Қирғизистон. Экспертиза институтини тартибга солиш учун 22 та модда ажратилган. ЖПКнинг 62-моддасига мувофиқ, эксперт ЎзР ЖПКдан фарқли равишда процесс иштирокчиси бўлган тарафлар томонидан терговчи ёки суднинг рухсатисиз чақирилиши мумкин.

ЖПК 63-моддаси эксперт ҳуқуқ ва мажбуриятларига бағишланган бўлиб, унда эксперт ҳуқуқ ва мажбуриятларидан ташқари у томонидан амалга оширилиши тақиқланган ҳолатлар баён қилинган. Унга кўра, процесс иштирокчилари билан билан боғлиқ масалаларда мулоқот олиб бориш; мустақил тадқиқот учун маълумот тўплаш; терговчи ёки суднинг рухсатисиз тадқиқот учун юборилган объектларнинг хусусиятини ўзгартириши мумкин бўлган тадқиқот ўтказиш тақиқланади.

Арманистон. ЖПКга мувофиқ, эксперт мажбуриятлари ўзига хос хусусиятларга эга: жиноят ишини кўраётган органга махсус билимини тасдиқловчи тегишли ҳужжатни тақдим этиш; агарда унинг билиши лозим бўлган ва фаолият доирасидан четга чиқадиган бўлса, мазкур ҳолатларда хулоса беришни рад этиш ва берилган маълумотлар етарли бўлмаса бу ҳолат ҳақида маълумот бериш; нафақат тегишли орган томонидан берилган саволларга, балки ўзи билган ва берилиши лозим деб топган қўшимча ҳолатларни ҳам ойдинлаштириши; тегишли экспертиза тайинланган органнинг талабига мувофиқ харажатлар сметасини ва сарфланган харажатлар ҳақида маълумот бериш; тегишли органнинг талаби билан ўзининг махсус билимлари доирасига нималар кириши ва қайси фаолият билан шуғулланиши ҳақида маълумот бериш ва бошқа жиноят иши иштирокчилари билан муносабати юзасидан тушунтириш бериш; тергов ва суд-тергов ҳаракатлари ёки муҳокама жараёнида суд залида тегишли органнинг рухсатисиз ўша жойни тарқ этмаслик; суд, прокурор, терговчи, суриштирувчининг қонуний талабларига риоя қилиши керак.

Финляндия. Жиноят ишлари бўйича суд экспертизаларини тайинлаш ва ўтказишга доир барча асослар жиноят-процессуал қонунчилиги билан тартибга солинган: Финляндия процессуал кодекси (The Code of Judicial Procedure Act), Финляндия Жиноят-процессуал кодекси (The Criminal Procedure Code), Жиноий таъқиб тўғрисидаги қонун (The Criminal Investigation Act) ва Финляндия Жиноят кодекси (The Criminal Code of Finland). Шунингдек, мазкур норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар

билан суд экспертизаси тайинланишининг ҳуқуқий асослари, суд экспертизаси жараёнида иштирок этувчи масъул шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, суд экспертнинг мақоми, экспертизага оид кўрсатувларни бериш учун суд экспертини судга жалб этиш тартиби, суд экспертнинг ёлғон кўрсатув берганлиги учун жавобгарлик тартибга солинган.

Суд экспертизаси терговчининг қарори асосида тайинланади ва бу ҳақда тегишли қарор чиқарилиши лозим. Суд дастлабки суд муҳокамасида ўз ташаббуси ёки тарафлар илтимосномалари асосида суд экспертизаси тайинлаш ҳуқуқига эга.

Суд экспертизасини ўтказиш битта эксперт томонидан амалга оширилади. Махсус билимларни талаб этадиган турли соҳалар бўйича эксперт тадқиқотини ўтказиш зарурати туғилганда эса, бир нечта суд экспертизалари тайинланади. Мисол учун, эксперт тадқиқоти учун бармоқ излари, сўлак ёки қон намуналари мавжуд бўлган ўрам буюм тақдим этилганда, унда ушбу объект устидан ҳам ДНК тахлили бўйича эксперт, шунингдек, дактилоскопик тахлиллар бўйича эксперт жалб этилиб, ҳар бири ўз хулосасини алоҳида тузиб беради.

Эксперт ва полиция ўртасидаги муносабатлар ҳам бир нечта босқичлардан иборат. Мисол тариқасида, Давлат тергов бюроси қошидаги суд экспертиза лабораторияси (кейинги матнда СЭ лабораторияси) экспертларининг Финляндия полицияси билан биргаликдаги ҳаракатларига тўхталсак.

Суд экспертизаси ўтказилишига фақат махсус билим зарурати туғилган ҳоллардагина йўл қўйилади. Суд экспертизасини тайинлаш учун тегишли намуналарни олишда махсус билим талаб этилганда, СЭ лабораторияси эксперти ходиса жойига чиқиб, полициячиларга экспертиза тадқиқоти учун зарур бўлган намуналарни олишга ёрдам кўрсатади. Суд экспертизаси тайинланишидан олдин полицияга эксперт маслаҳати зарур бўлган тақдирда, полиция сўров бериш ҳуқуқидан фойдаланади ва СЭ лабораторияси эксперти томонидан 24 соат ичида тушунтириш берилади.

Жиноят процессининг судгача бўлган босқичда сифатли суд экспертизаси ўтказилиши фақатгина экспертлар ва жиноятларни тергов қилувчи органлар ўртасида йўлга қўйилган ўзаро яқин муносабатлар туфайли амалга оширилиб келинаётганлигини кўрсатади.

Судгача бўлган босқичда суд экспертизаси полиция қарори асосида тайинланади. СЭ лабораторияси ҳамда полицияда 2010 йилдан бошлаб ишга туширилган LkLA лаборатория-ахборот тизими қўлланиб келинмоқда. Ушбу тизим ёрдамида полиция тўғридан-тўғри СЭ лабораториясига электрон имзо билан тасдиқланган электрон шак-

лидаги қарорни юборади.

Бундай қараганда, Финляндияда экспертизага қадар бўлган муносабатлар қонун томонидан анчагина тартибга келтирилган, жумладан, полициянинг экспертлар билан маслаҳатлашиш (фикр сўраш) имконияти кўзда тутилган.

Франция. Жиноятларга оид экспертиза тегишли қонун ҳужжатлари билан тартибга солинган. Судьялар ихтисослаштирилганлигига қарамай, улар томонидан ҳал этиладиган муаммоларнинг мураккаблиги ҳам ўзи-ўзидан экспертиза тайинлаш заруратини юзага келтириб чиқаради.

Айнан судья ўз қарори ёки фармойиши асосида тегишли соҳа бўйича экспертни тайинлайди. Тарафларнинг адвокатлари эса, розилик берилган тақдирда экспертнинг фамилиясини тавсия этишлари мумкин.

Айнан судья эксперт олдига қўйиладиган масаланинг мазмунини аниқ белгилаб беради. Экспертиза тайинлаган судьяни иш юритувдан четлатишга йўл қўйилмайди, бундан ташқари тергов ҳаракатлари устидан назорат олиб борувчи судья ўз-ўзидан экспертнинг мураббийига айланади ва экспертиза жараёнида юзага келадиган барча муаммоларни ҳал этишга ҳақли.

Тайинланган эксперт ўз соҳасида профессионал ҳисобланади ва шу сабабдан ҳам ҳар йили суд ва апелляция суди томонидан тузиладиган рўйхатдан танлаб олинади.

Эксперт тўғридан-тўғри эксперт касбига эга эмас, чунки бу соҳада фаолият юритиш учун эксперт касби ёки экспертиза соҳасида доимий фаолият юритадиган ишчилар корпуси кўзда тутилмаган. Бундан ташқари, эксперт адлиянинг доимий (профессионал) ёрдамчиси ҳам эмас, чунки одатда одил судловни амалга оширишда иштирокчи ҳисобланмайди.

Экспертни тайинлаш учун конкурс (танлов) ўтказилмайди, у республика прокурорига шахсига оид ҳужжатларни тақдим этиб, касбий кўникмаларига эгаллигини исботлаш учун имтиҳон топшириб, ахлоқ-одоб хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда малакаси, унвони ва дипломларини тақдим этганидан сўнг ўзини рўйхатга киритишни сўраб мурожаат қилади.

Прокурор текширувидан ўтганидан кейин унинг ҳужжатлари Бош прокурорга тақдим этилади. У эса ўз навбатида, апелляция судининг биринчи ўринбосари номига ҳужжатларни ушбу суд судьяларининг бош ассамблеясида кўриб чиқиш масаласи юзасидан илтимоснома киритади.

Ушбу рўйхатга киритилган эксперт дастлаб 2 йиллик синов муддати тариқасида киритилади, кейинчалик у 5 йиллик муддатга киритилиши ҳақида такроран мурожаат қилиши керак.

Эксперт такроран рўйхатга киритилиши учун 2 йиллик синов муддати давомида эгаллаб олган амалий кўникмаларини исботлаши ҳамда тергов ҳаракатларини ўтказишда амал қилинадиган асосий тамойиллар ва процессуал нормаларни бевосита ўрганишда ҳосил қилган билимларини кўрсатиши шарт.

Экспертларга юридик жиҳатдан баҳо бериш, ўз ишига алоқадор бўлмаган маълумотларни аниқлашдан чекланиш нуқтаи назарида шаффофлик ва равлонлик ҳамда зийраклик, кузатувчанлик, камтаринлик мажбурият сифатида белгиланган.

Хулоса шуки, жиноят ишлари бўйича экспертиза тайинлаш ва ўтказиш соҳасига оид хорижий мамлакатларнинг ижобий тажрибасини миллий қонунчилигимизда акс эттириш мазкур соҳани янада ривожлантиришга хизмат қилади.



<sup>1</sup> Семинар национального уровня «Содействие реформе правосудия Казахстана» (г. Астана, 27 июня 2014 г.)

Абдумутал ЗАКУРЛАЕВ,  
Х.Сулаймонова номидаги Республика суд-экспертиза  
маркази директори ўринбосари, ю.ф.н., доцент

## ХОДИСА СОДИР БЎЛГАН ЖОЙДА БИОЛОГИК ИЗЛАРНИ АНИҚЛАШ ВА УЛАРНИНГ ДАЛИЛИЙ АҲАМИЯТИ

◆ Мақолада дастлабки тергов ва суриштирув жараёнида ҳодиса содир бўлган жойда биологик материалларни аниқлаш, улар юзасидан тайинланадиган экспертиза турлари ва уларнинг далилий аҳамияти хусусида сўз боради.

◆ В статье рассматриваются вопросы выявления биологических следов на месте преступления, назначения по ним видов экспертиз и их доказательственного значения.

◆ The article analyses the norms of special part of the criminal code establishing liability for crime committed in complicity and proposals on their improvement are formulated.

**Таянч сўзлар:** ҳодиса содир бўлган жой, терговчи, эксперт криминалист, экспертиза лабораторияси, ашёвий далиллар, биологик материаллар, айбликни ҳал этишдаги далилий аҳамият.

**Ключевые слова:** место происшествия, следователь, эксперт криминалист, экспертная лаборатория, вещественные доказательства, биологические материалы доказательственное значение в изобличении виновного.

**Key words:** group of individuals, simple complicity, compound complicity, organized group, criminal community.

Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган ва жамиятнинг барча соҳаларини тўлиқ камраб олган ислохотларнинг асосий мақсади фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, жамиятда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш, миллатлар ва фуқаролар ўртасида ўзаро тотувликни сақлашга қаратилгандир.

Ислохотлар ҳақида сўз кетар экан, Президентимиз Ислом Каримовнинг қуйидаги: “Мамлакатимизни демократик янгилашнинг бугунги босқичдаги энг муҳим йўналишларидан бири бу — қонун устуворлиги ва қонунийликни мустаҳкамлаш, шахс ҳуқуқи ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган суд-ҳуқуқ тизимини изчил демократлаштириш ва либераллаштиришдан иборатдир. Бир сўз билан айтганда, юртимизда ҳуқуқий давлат асосларини янада тақомиллаштириш ва аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш биз учун ҳал қилувчи вазифа бўлиб қолмоқда”<sup>1</sup>, деган фикрлари суд-ҳуқуқ соҳасини ислох этишнинг зарурияти ва унинг бош мақсади сифатида инсон ҳуқуқлари гавдаланганлиги ва унинг ҳимоя қилинишини англатишини таъкидлаш лозим.

Юқоридаги мақсадларга эришишнинг асосий омилларидан бири жамиятда қонунийликни таъминлашдир. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва судлар олдида турган вазифаларни, фан, техника, маданият ва ҳунар соҳасидаги махсус билимларни талаб қиладиган масалаларни ҳал қилишда суд экс-

пертизаси муҳим роль ўйнайди. Улар ўз фаолиятларида ҳар хил турдаги жиноятларни тезкорлик билан фош этиш, холисона тергов қилиш ва судда кўриш ҳамда низоларни ҳал қилиш жараёнида суд экспертизаси имкониятларидан кенг фойдаланишлари лозим. Чунки суд экспертизаси махсус билимларга асосланган иш бўйича ҳақиқий ҳолатни аниқлашга қаратилган асосий процессуал восита, тилсиз-инкор этиб бўлмайдиган далилдир<sup>2</sup>.

Бу мамлакатимизда жиноятларнинг сифат ва миқдор жиҳатидан оз бўлса ҳам ўсиши кузатилаётган, уларнинг янги турлари пайдо бўлаётган ҳозирги даврда айниқса муҳимдир. Жиноятларни самарали очиш ва тергов қилиш ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг уларни содир этган шахсларни аниқлаш ва фош қилишга, яъни қидирувга оид ва далилий ахборот олишга қаратилган қизгин фаолиятини тақозо этади. Далиллар ва қидирувга оид ахборотни олиш воситаларидан бири тергов ҳаракатларини, айниқса, кечиктириб бўлмайдиган тергов ҳаракати — ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришни ўтказиш ҳисобланади. Ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришнинг асосий вазифалари юз берган воқеа ҳолатларини аниқлаш, шунингдек, жиноят изларини топиш, қайд этиш, дастлабки тарзда текшириш ва олиб қўйишдан иборат. Ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришни синчковлик ва изчиллик билан, пировард натижада эса самарали ўтказиш — бу ҳар қандай

жиноятни очиш ва тергов қилишда муваффақият гаровидир<sup>3</sup>.

Ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришда ижобий натижага эришиш учун кўздан кечиришни ўтказётган шахсларда чуқур назарий билимлар ва турли хил излар билан ишлаш бўйича амалий кўникмалар мавжуд бўлиши лозим. Кўздан кечиришни ўтказётган терговчи, шунингдек, унда иштирок этаётган мутахассис-криминалист излар таснифини, уларни топиш, дастлабки тарзда текшириш ва олиб қўйиш тартибини яхши билиши, изларнинг турлари ва уларни қайси жойларда топиш мумкинлиги (қандай воқеа юз берганини ҳисобга олган ҳолда) ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлиши, криминалистика воситалари, услублари ва усулларидан моҳирона фойдалана олиши муҳимдир. Бу ҳодиса содир бўлган жойда изларни изчиллик билан қидириш имкониятини таъминлаш, юз берган воқеа механизмини аниқлаш, тергов тусмолларини илгари суриш, шунингдек, суд экспертизаларини тайинлашда саволларни асосли равишда қўйиш учун зарур.

Шуни қайд этиб ўтиш лозимки, сўнгги вақтда кўпгина суд, прокурор, терговчи ва суриштирувчи излар билан ишлашни фақат кўздан кечиришда иштирок этувчи мутахассис-криминалистнинг вазифаси деб ҳисоблайди. Албатта, мутахассис-криминалист терговчига ёрдам кўрсатиши шарт. Бироқ терговчи излар билан ишлаш борасидаги ҳаракатларни бошқаларга юклашга уриниши ўринли бўлмаса керак. Боз устига, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш иш учун аҳамиятга эга бўлган фактик маълумотларни олиш мақсадида жиноят содир этилган жойни, унда мавжуд излар ва бошқа объектларни терговчи томонидан бевосита қайд этиш ва ўрганишдан иборат<sup>4</sup>.

Жиноят ишларини ўрганиш натижалари шундан далолат берадики, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришда мутахассис-криминалист иштирок этмаган ҳолларда излар, одатда, ё умуман топилмайди, топилса ҳам баённомада жиноят-процессуал қонуни, экспертиза ва тергов амалиёти талабларини ҳисобга олмасдан, юзаки тавсифланади.

Яна шуни ҳам қайд этиб ўтиш лозимки, айрим ҳолларда изларни қидиришга нисбатан амалда юзаки ёндашиш кузатилади. Яъни бирон-бир из топилгудек бўлса, бошқа изларни қидиришга эътибор камаяди, бу эса жиноятни фош қилиш эҳтимолининг пасайиб, далиллар базаси сезиларли даражада сифатсиз бўлишига олиб келади.

Шу боис, ҳодиса содир бўлган жойда учрайдиган моддий изларнинг, айниқса, кенг тарқалган турлари билан ишлаш, уларни топиш, қайд этиш ва олиб қўйишнинг хусусиятларига алоҳида эътибор қаратишнинг зарурати туғилади.

Шу ўринда, айрим маълумотларга эътиборни қаратамиз. Амалиётда содир этилаётган жиноятларнинг очилиши биринчи навбатда кўринадиган ва кўринмас изларнинг ҳодиса жойини кўздан кечириш жараёнида аниқланишига боғлиқ. Улар кўринадиган ва хира ёки кўриниши қийин бўлган излар. Бу излар-

ни топиш учун махсус ёритгичлар, шунингдек, механик ва кимёвий усуллар қўлланилади (масалан, қоғоздаги қўлларнинг кўринмас излари ёки ҳодиса жойида қолдириб кетилган предметларда топилган микроразрача, тола ва биологик хусусиятга эга бўлган одам танасининг ажратмалари (ёғ-тер излар)<sup>5</sup>.

Ҳодиса содир бўлган жойда топилган изларни сақлаш учун қуйидаги чораларни кўриш керак:

а) изларга шикаст етказиши ёки уларни йўқ қилиб юбориши мумкин бўлган шахсларни бу ерга қўймастик;

б) излар тасодифан шикастланишини истисно қилувчи чораларни кўриш (кўздан кечиришни амалга ошираётган шахс олдиндан белгиланган йўналишлар бўйлаб ҳаракатланиши, предметлар тегишли тавсияларга риоя этган ҳолда, эҳтиёткорлик билан кўздан кечирилиши лозим);

в) ҳаво ҳарорати, шамол, қуёш нури ва ёғингарчилик таъсирида ўзгариши ёки бузилиши мумкин бўлган изларни, шунингдек, тез айнийдиган озик-овқат маҳсулотларида топилган изларни дарҳол қайд этиш;

г) ҳодиса содир бўлган жойдаги излар топилган участкалар ёки предметларни кўздан кечириш иштирокчилари тасодифан уларга шикаст етказмасликлари учун белгилаш (масалан, изларни атрофини бўр билан чизиб белгилаш ёки улар яқинига рақамли тахтачаларни қўйиш мумкин);

д) агар ёғингарчилик бўлиши тахмин қилинаётган бўлса, одам ёки ҳайвон оёқлари, транспорт воситалари ғилдирақларининг изларини тахта, фанер, қути ва бошқа мавжуд материаллар (челак, тоғора, кийим ва бошқ.) билан тўсиш; излар устида шийпончалар ҳосил қилиниши ҳам мумкин;

е) сочилувчан материаллар (масалан, қумли тупроқ)даги изларни шамол учириб юбормаслиги учун фанер, картон бўлаги, тахта билан тўсиш ёки мазкур изларга мустаҳкамловчи таркиблар (масалан, соч учун лак ёки спиртдаги 6 фоизли шеллак эритмаси)ни пуркаш йўли билан ишлов бериш. Бунда таркибнинг майда томчилари изга сингиши учун эритма оқими юқорига йўналтирилади. Пуркаш изларда яхши фарқланадиган плёнка ҳосил бўлгунга қадар давом эттирилади;

ж) йўлнинг қатнов қисмидаги излар атрофига транспорт ҳаракатини тақиқловчи ва айланиб ўтиш йўллари кўрсатувчи тўсиқлар ўрнатиш;

з) ҳодиса содир бўлган жойда топилган изларни уларнинг бузилишига олиб келиши мумкин бўлган кучли таъсир кўрсатувчи кимёвий бирикмалар ва юқори ҳароратлар таъсиридан сақлаш.

**Из-моддалар** — бу жиноятни тайёрлаш, содир этиш ёки яшириш натижасида ҳосил бўлувчи суюқ, пастасимон ва сочилувчан моддаларнинг излари. Улар қаторига қон излари (томган, сачраган, оққан, чапланган қон доғлари)ни, ёнилғи-сурков материаллари, тормоз суюқликлари, ишқорлар ва ҳоказоларнинг изларини киритиш мумкин. Бундай изларнинг трасологик тадқиқотлари фақат из ҳосил бўлиш механизмини аниқлашга қаратилади.

**Из-инъикослар** — бу икки объект ўзаро таъсирга киришиши натижасида ҳосил бўладиган излар. Бунда бир объектнинг ташқи тузилиши ва ўзга белгилари бошқа объектда акс этади. Из-инъикослар **сўзнинг тор маъносидаги излар** ҳисобланади. Уларнинг аксарияти одам, қулфни бузиш асбоблари, жиноят қуроллари, транспорт воситалари, ҳайвонлар ва ҳоказоларнинг изларидир.

Айнан тор маънодаги излар (из-инъикослар) криминалистик трасоло-гиянинг асосий тадқиқот объекти ҳисобланади. Кенг маънодаги излар изнинг ҳосил бўлиш механизмини аниқлаш ва ситуалогик тадқиқотлар ўтказиш масалалари ҳал этилаётган, яъни ҳодиса содир бўлган жойдаги вазият, ушбу вазият элементлари ва уларнинг ўртасидаги алоқалар ҳаракатланиш, динамика, ривожланиш нуқтаи назаридан кўриб чиқиладиган ҳолларда трасологиянинг тадқиқот объектига айланиши мумкин.

Ўз навбатида, **из-инъикослар** ёки **акс этувчи излар** ҳам турли асосларга кўра таснифланиши мумкин:

1. *Из ҳосил қилувчи объектларга кўра:*

— **антропоскопик излар** — изда одам танаси ва унинг айрим қисмлари (қўллари, оёқлари, лаблари, тишлари, бармоқлари, кафтлари, товони ва ш.к.) хоссаларини бевосита акс эттирувчи излар;

— **антропомеханоскопик излар** — кийим, пойафзал кийдирилган одам танаси ва унинг айрим қисмлари хоссаларини ёки одам танаси қисмларининг ўрнини босадиган ва уларнинг вазифаларини маълум даражада бажарадиган предметлар (протезлар, кийдирма тишлар, хассалар)нинг хоссаларини акс эттирувчи излардан иборатдир. Қисқача излар хусусида тўхталар эканмиз бевосита ҳозирги кунда далилий аҳамияти энг юқори ва айнанликни (идентификация) белгилашда энг юқори кўрсаткичларни бераётган излар бу биологик характердаги излар ҳисобланади. Мисол тариқасида келтирадиган бўлсак, воқеа жойида папиляр излар эксперт томонидан аниқланиб кўздан кечирилади ва тадқиқод учун чапланганлиги сабабли олинмайди. Мазкур из биологик материал сифатида нингидрин, алоксан, азотли кумуш эритмаси билан ишланган тақдирда унинг кимёвий таркиби сақланади ва кўчириб олинса, бу из биологик материал сифатида одам ДНКси экспертизаси бўйича тадқиқ қилинганда шахсни айнанлигини тасдиқлашга имкон беради. Шунда ҳолатни ми-

сол тарзида жиноятчи изларини яшириш мақсадида фойдаланган қўлқопнинг ички қисми текширилган тақдирда бармоқ изларининг асоси ҳисобланган тер-ёғ ажратмаларини аниқлаш мумкин ва бу ажратмалар ҳам ДНК экспертизаси томонидан шахсни идентификация қилишга имкон беради<sup>6</sup>.

Амалиётда энг кўп содир этиладиган ўғирликнинг чўнтаккесарлик турида ҳам биологик тер-ёғ излари билан бирга, жиноят содир этган шахснинг эгнидаги кийимининг энги қисми жабрланувчининг чўнтаклари билан албатта туташади (соприкасается). Натижада чўнтакдаги микрозаррачалар жиноятчининг тирноқ остига киради, жиноятчи жиноят содир этиш жараёнида кучли ҳаяжонланиши натижасида ўзидан иссиқлик ажратиши боис, тер ва ёғ ажралиб чиқади. Бу тер-ёғ излари албатта чўнтак қисмига сингиш билан бирга, кийимнинг энг қисмига ҳам чўнтакдаги микрозаррача, микротолаларнинг ўтиб қолишига имкон беради. Худди шу ҳолатни қотиллик содир этилаётган ҳолатда тахмин қилсак, микротола ва микрозаррачаларнинг туташувини аниқлаш ҳамда мантиқий боғлиқлик орқали изларни топиш кейинчалик эса, ҳолат юзасидан экспертиза тадқиқотларини тайинлаш учун имкон пайдо бўлади.

Ҳозирги кунда Адлия вазирлиги ҳузуридаги Х.Сулаймонова номидаги Республика суд-экспертиза марказининг Одам ДНКси экспертизасида бу турдаги экспертиза самарали тадқиқотларни ўтказиш билан бирга, жиноят учун жазо муқаррарлигини таъминлаш учун шахснинг айбини исботлашда ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, замонавий экспертиза турлари ривожланиши билан бирга, жиноятлар изи совумасдан очишга қаратилган имкониятлар кенгайди. Бу имкониятларнинг барчасида авваламбор, суд, прокурор, терговчи, суриштирувчи ва экспертлардан мантиқий фикрлаш, жиноятни содир этган шахснинг ҳаракатларини фикрий тиклаш ва уни ҳаракатларининг ҳодиса содир бўлган жой муҳити билан боғлаганда изларни топиш ва бу изларни келажакда далил сифатида эътироф этиш учун имкон яратилади. Яъни очилмайдиган жиноят йўқ. Фақат жиноят очилишига масъул шахслар ўз устларида муттасил ишлашлари, мантиқий фикрлаш орқали назария ва амалиётни боғлаган ҳолда, тергов фаолиятига татбиқ этсалар, жиноятчиликнинг пайи қирқилишига замин яратилади.

<sup>1</sup> Қаранг: Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. / Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси// 2010 й. 12 ноябрь.

<sup>2</sup> Пўлатов Ю.С., Закурлаев А.К., Ҳодиса содир бўлган жойда изларни топиш, мустаҳкамлаш ва олиб қўйиш. Ўқув қўлланма. Тошкент – 2015.Б. 207

<sup>3</sup> Хасанов Ш. Умумий таҳрири остида. Муаллифлар жамоаси. ИИБ Академияси. Суд экспертизаси бўйича қўлланма. 2015. Б.2

<sup>4</sup> Ишченко Е.П., Криминалистика в вопросах и ответах.с.66.

<sup>5</sup> Ўша ерда . Пўлатов Ю.С., Закурлаев А.К., Ҳодиса содир бўлган жойда изларни топиш, мустаҳкамлаш ва олиб қўйиш. Ўқув қўлланма. Тошкент – 2015.Б. 207.

<sup>6</sup> Фирсов А.О., Волков А.С., Особенности обнаружения и изъятия следов биологического происхождения при раскрытии и расследовании преступлений. Журнал Российская академия №8.с.165-167.



Мақсадхон ЯКУБОВ,  
Тошкент ахборот технологиялари университети профессори, т.ф.д.

## ЭЛЕКТРОН ТИЖОРАТ МАМЛАКАТНИ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШИНИНГ ЕТАКЧИ ФАКТОРИ

◆ Мақола Ўзбекистон Республикасининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда янги "Электрон тижорат тўғрисида"ги Қонуннинг қабул қилиниши ва унинг республиканинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига қўшадиган муносиб ҳиссасига бағишланган.

◆ Статья посвящена принятию нового закона об электронной коммерции с учетом специфических особенностей Республики Узбекистан и его весомому вкладу, вносимую на развитие республики в социально-экономической сфере.

◆ The article is devoted to adopting the new electronic commerce law with special features of Republic of Uzbekistan and its inputting that to developing of republic in social economic sphere.

**Таянч сўзлар:** электрон тижорат, интерактив хизматлар, маркетинг тадқиқоти, электрон тўловлар.

**Ключевые слова:** электронная коммерция, интерактивные услуги, маркетинговое исследование, электронные платежи.

**Key words:** electronic commerce, interactive services, marketing research, e-payments.

Иқтисодиётни модернизациялаш даврида Ўзбекистон ишлаб чиқариш корхоналарининг самарали ишлаши кўп жиҳатдан корхонанинг барча ходимлари, шу жумладан, унинг бошқарув бўғинининг ҳам тезкор қарор қабул қилиниши ва амалий фаолият услубини тубдан ўзгартириш даражасига боғлиқ. Бозор иқтисодиётининг такомиллашиб бориши турли тадбиркорлик шакллари ва вужудга келишига шароит яратиб бермоқда. Тадбиркорликнинг ривожланиши ахборот коммуникациялар бизнесини шакллантириш ва тараққий эттиришга ҳам катта таъсир кўрсатади. Давлатимиз раҳбари Ислон Каримов таъкидлаганларидек: "XXI аср ахборот технологиялари асри"дир. Замонавий корхонанинг фаолият юзаси ва мулк шаклидан қатъи назар, унинг персонали олдида ҳозирги кунда қуйидаги муаммолар туради:

- 1) маҳсулотнинг рақобатбардошлигини таъминлаш;
- 2) ноишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулотлар савдосини оптималлаштириш.

Бу юқорида кўрсатилган муаммоларни ечиш-

нинг аниқ йўли электрон тижоратнинг замонавий усуллари ва воситаларини ишлатишдир. Эътибор берган бўлсангиз, "Электрон тижорат", "Электрон бизнес", "Электрон савдо" атамаларини охириги вақтларда оммавий ахборот воситаларида тобора кўпроқ учратиш мумкин. Ҳозирги даврда "рақамли иқтисодиёт" усуллари ишлатишнинг истиқболи шубҳага ўрин қолдирмайди ва уларнинг асосини билиш иш жараёнини самарали ташкиллаштиришнинг элементлари бўлиб ҳисобланади.

Давлат ёки хусусий ташкилот ёки фирмаларда, албатта, компьютер техникаси, шу қаторда ички компьютер тармоғи, шунингдек, оддий алоқа воситалари (оддий ва уяли телефон, факс) ишлатилади, Интернет имкониятларидан фойдаланилади. Кейинги пайтларда "Электрон дўкон", виртуал "савдо майдонлари", "Интернет консалтинг" каби атамалар ҳам кўп ишлатилмоқда. Бу фанни ўрганишдан асосий мақсад бозор шароитида электрон тижоратни самарали ишлатиш муаммоларини мажмуавий кўриб чиқишга ҳаракат қилишдир. Асосий урғулар замонавий корхона-

да эксплуатация воситаларини ва электрон тижорат тизимларини кузатиш бўйича саволларга қўйилган. Ушбу муаммоларнинг ечими ўрта ва кичик корхоналарга қаратилган. Бундай корхоналарга юқорида берилган соҳавий хизматни ташкил қилишга имкон йўқ, шу сабабли электрон тижорат тизимини киритиш давомидаги бошқарув қарорларини қабул қилиш масаласи кўпинча ахборот технологиялари соҳасида тажрибаси йўқ ходимларга қўйилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 21 мартдаги "Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада жорий этиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-1730-сон, 2013 йил 26 мартдаги "Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-1942-сон ва 2013 йил 27 июндаги "Ўзбекистон Республикаси Миллий ахборот-коммуникация тизимларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 1989-сон қарорларини, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг 17 январда Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида электрон тижоратни кенгайтириш ва "Электрон тижорат тўғрисида"ги Қонуннинг, (янги таҳрири, 2015 йил 22 май) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари Қўмитаси Раисининг 02.05.2014йилдаги "Тошкент шаҳрида "Ўзбекистон Республикасининг "Электрон ҳужжат айланиш тўғрисида"ги, "Электрон рақамли имзо тўғрисида"ги, "Электрон тижорат тўғрисида"ги Қонунлари ижроси ҳолатини ўрганиш" таҳлил-назорат чора-тадбирлари ҳулосалари тўғрисида"ги Қарорини ижросини таъминлаш жамиятнинг сиёсий-иқтисодий, ижтимоий-маънавий ривожланишига муносиб ҳисса қўшиши муқаррар.

Электрон тижоратни ташкил этиш ва ривожлантириш ғояси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 19 апрелдаги 1325-сонли "Банк пластик карточкаларидан фойдаланган ҳолда ҳисоб-китоб тизимини ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Жойларда компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини янада ривожлантириш учун шартшароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 01.02.2012 йил 24-сон, "Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармасини янада ривожлантириш ва унинг маблағларидан самарали фойдаланиш тўғрисида"ги 19.12.2012 йил 356-сон, "Интерактив давлат хиз-

матлари кўрсатишни ҳисобга олган ҳолда Интернет тармоғида Ўзбекистон Республикасининг Ҳукумат портали фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 30.12.2012 йил 378-сон Қарорларининг самарали ижросини таъминлаш асосида юзага келди.

Электрон тижоратнинг яратилиши ва бу соҳада фаолият юритувчи хизматчиларни ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланишга ўқитиш, яъни уларда назарий билим ва амалий кўникмаларни шакллантириш давр талаби ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий ривожланиш даражаси ва инфраструктуранинг шаклланганлик ҳолати иқтисодиётни бошқаришда изчиллик ва шаффофликни талаб этиш билан бирга, тижорат тизимини бошқариш ва ҳукумат қарорлари ижросини ўз вақтида таъминлаш учун малакали етук мутахассисларни тайёрлашни тақозо этмоқда.

Электрон тижоратнинг ташкил этилиши иқтисодиётни бошқарув тизимини модернизациялашга ва унинг тижорат соҳаси хизматчилари таркибини юқори малакали кадрлар билан таъминлашга хизмат қилади ва мижозлар учун кенг имкониятларни яратади.

Электрон тижорат тизимида юридик ва жисмоний шахслар ахборот-коммуникация технологияларини қўллашнинг назарий, методологик, ташкилий ва ҳуқуқий асосларини ўрганадилар ва уларни амалда қўллаш учун зарур бўладиган билим ва кўникмаларни ўзлаштирадилар. Шунингдек, электрон тижоратни ташкил этишнинг асосий тамойиллари, тижоратга оид маълумотларни рўйхатга олиш, алоҳида ҳудуд ва бутун давлат миқёсида тижорат тизимининг мувофиқлигини таъминлашга қўйиладиган талаблар, электрон тижорат тизимининг қонунчилик асослари, интерактив тижоратни амалга оширишда электрон ҳужжат айланиш тамойиллари, электрон тижорат тизимининг моделлари, электрон тижорат тузилмасида ахборот-қидирув тизими, инновацион технологияларни жорий этиш, ахборот хавфсизлиги ва конфиденциаллигини таъминлаш услулари, электрон тижорат веб порталлари ва веб-сайтлари, инфраструктураси, ташқи иқтисодий алоқа ривожланишида электрон тижоратнинг аҳамияти, интернет маркетинг хизматини юритиш менежменти, электрон рақамли имзодан фойдаланиш, электрон тижорат, электрон тўловлар, интернет логистика ва транзакция хизмати, кичик бизнес ва тадбиркорликни, таълим тизимини ривожлантиришда электрон тижоратнинг ўрни, ахборотнинг ишончилигини таъминлаш механизми ҳақидаги билимларни ўрганадилар.

"Электрон тижорат тўғрисида"ги Қонуннинг

янги таҳрирда қабул қилиниши электрон тижорат соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланади. Электрон тижорат замонавий ахборот-коммуникация технологияларига асосланади ва барча тижорат жараёнлари ва интерактив хизматлар улар асосида амалга оширилади.

Электрон тижорат тизимини Ўзбекистон ша-роитида амалда жорий этишда риоя этилиши кўзда тутилган етакчи тамойиллари таркибига электрон тижоратда хусусий тадбиркорлик фао-лиятини амалга ошириш эркинлиги, электрон тижоратда келишув шартномаларини тузиш маж-бурий эмас, балки ихтиёрийлиги, электрон тижоратда томонларнинг иштирок этиш шарт-шаро-итларининг мувофиқлиги ва ҳуқуқий тенглиги, электрон тижорат томонлари иштирокчиларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари қонунчилик ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида ҳимоя қилиниши киради.

"Электрон тижорат тўғрисида"ги Қонунни қабул қилиниши борасидаги давлат сиёсати бар-ча турдаги юридик ва жисмоний шахсларнинг моддий сарф-харажатларини ва қимматли вақт-ларини тежаш ва ўз миқдорларини масофадан танлаш ва келишув битимларини тузишга кўмак-лашувчи электрон тижорат тизимини ривожлан-тириш учун ҳуқуқий, иқтисодий, ташкилий, тени-кавий, технологик ва инфратузилма каби бир қатор шарт-шароитларни яратишга қаратилган. Бугунги кунда ахборот-коммуникация тизимлари орқали электрон тижоратни амалга оширувчи тад-биркорларнинг иш фаолияти самарадорлигини ошириш, қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш мақсадида давлат ва нодавлат банкларидан им-тиёзли кредитлар ажратилиши йўлга қўйилган. Янги иш ўринларини яратиш борасида фаолият юритаётган тадбиркорлик соҳаси учун турли кўри-нишдаги инвестициялар, замонавий техника ва технологиялар ва чет эл асбоб-ускуналари ва тех-ник жиҳозларни келтириш ва уларда ишлаш ама-лий кўникмаларини ҳосил қилиш учун деярли барча шарт-шароитлар яратилган. Давлат бош-қарув органлари интерактив хизматлари асоси-да тадбиркорлик фаолияти субъектларининг элек-трон тижорат соҳасидаги фаолиятини меъёрлаш-тириш ва қонунийлигини таъминлаш учун ҳуқуқий, иқтисодий, статистик, ишлаб чиқариш-техноло-гик, илмий-техникавий, дастурий ва ахборот ре-сурслари билан таъминлаш инфратузилмаси яра-тилган. Электрон тижорат тизимининг ривожла-ниши янги инновацион ишланма ва технология-ларни ишлаб чиқишни, жаҳон бозорига рақобат-бардош маҳсулот ва хизматларни тақдим этиш-ни, маҳсулот миқдори ва сифатини оширишни ва мазкур соҳа тараққиёти учун малакали кадр-

лар тайёрлашни тақозо этмоқда. Электрон тижорат орқали маркетинг тадқиқотини юритиш, маҳ-сулот ва хизматлар логистикасини ташкил этиш, электрон тўловлар транзакциясини жорий этиш, тадбиркорлик субъектларининг веб сайт ва веб порталларини яратиш орқали маҳсулот ва хиз-матлар интернет рекламасини ташкил этилиши халқаро ҳамкорликнинг ривожланишига замин яратади.

Қонунда электрон тижорат соҳасини давлат томонидан тартибга солиш қоидалари ва талаб-лари келтириб ўтилган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг электрон тижорат соҳасидаги ваколатлари белгилаб қўйил-ган. Хусусан: у электрон, тижорат соҳасидаги дав-лат сиёсати амалга оширилишини таъминлайди, соҳага оид давлат дастурларини тасдиқлайди ва амалга оширади, назоратга олади; соҳага оид фаолиятлар мувофиқлигини таъминлайди; элек-трон тижорат соҳасидаги халқаро ҳамкорликни таъминлайди.

Электрон тижорат соҳасини ривожлантириш-га дахлдор ва тааллуқли махсус ваколатли дав-лат органи: (туман, шаҳар, вилоят ҳокимликлари) ҳар бир ҳудуд хусусиятларини инобатга олган ҳолда электрон тижоратга боғлиқ дастурларни ишлаб чиқиш ва ижросини таъминлашга кўмак-лашади; электрон тижоратнинг қонунчилик асо-сида кечишлигини таъминлаш мақсадида стан-дартлар, меъёрлар ва тегишли қоидаларни иш-лаб чиқади ва шарт-шароитлар яратиб беради; электрон тижорат иштирокчиларининг иш фао-лиятида юзага келадиган можароларни қонунчи-лик асосида бартараф этиш чораларини кўради; доимий равишда интернет маркетинг тадқиқоти-ни олиб боради ва хусусий тадбиркорлик фао-лиятини такомиллаштириш ва бозор муносабат-ларига мувофиқлаштириш борасида чора-тадбир-лар ишлаб чиқади.

Қонунда электрон тижорат иштирокчилари-нинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгилаб қўйилган бўлиб, ҳар бир электрон тижорат субъекти ўз тақлиф ва тавсияларини тақдим этиши мумкин. Улар электрон битим ва келишувларга асосан маҳсулот ва хизматларни сотиш ва сотиб олиш ҳуқуқига эга бўладилар. Иштирокчилар электрон тижорат соҳасидаги стандартлар, меъёрлар ва тартиб-қоидаларга риоя этган ҳолда электрон битим ҳужжатларини ва электрон ахборот ре-сурсларини сақлашни таъминлашлари зарур.

Электрон тижорат тизимида ахборот ресурс-лари оқимини мувофиқлаштиришда махсус хиз-мат кўрсатувчи телекоммуникация тармоқлари операторлари ва провайдерлари иштирок эта-дилар, банк тизимлари эса электрон тўловларни амалга оширишда (оф-лайн ёки он-лайн тизими-

да) беғараз ёрдам кўрсатадилар. Электрон тижорат тўғрисидаги қонунда, шунингдек, электрон тижоратдаги келишув шартномаларини тузиш ва бажариш қоидалари ҳамда ўзаро низоларни ҳал этиш, мазкур қонун ҳужжатларига риоя этилмаганда жавобгарликка тортилиш ҳолатлари келтириб ўтилган.

Ҳозирги электрон тижорат юритишнинг турли хил андозалари қарийб барча мамлакатларда, иқтисодийнинг турли соҳаларида, турли хил ҳажмдаги корхоналарда, шунингдек давлат муассасалари ва турли даражадаги ваколатли қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимият органларида мавжуд. Бу андозаларнинг умумий қабул қилинган таснифи асосига шартли равишда маҳсулот етказиб берувчи ва харидор деб номлаш мумкин бўлган электрон тижоратнинг ўзаро алоқадор томонлари турлари қўйилган. Бу тавсифнинг мазмуни шундан иборатки, электрон тижоратни юритиш андозалари маҳсулот етказиб берувчи ва харидорларнинг аниқ турларига қараб фаркланади.

Маҳсулот (товар) етказиб берувчи ва харидорлар туркумига қуйидагилар киради: давлат (Government), корхона (Business), мижоз, истеъмолчи (Consumer), ҳамкор (Partner), корхона ходими (Executive, Employee).

Андоза белгиланиши маҳсулот етказиб берувчи ва харидор номланишидан тузилади.

Компьютер тизимлари самарадорлигини ошириш ва тармоқ технологияларининг мукаммаллаштирилиши янги иқтисодий фаолият тури — электрон тижоратнинг шаклланишига олиб келди. Электрон тижорат — тижоратнинг ўзига хос тури бўлиб, ахборот технологияларини ишлаб чиқариш, савдо ва маҳсулотлар ва хизматларни тақсимлаш жараёнларига маълум маънода тадбиқ қилиш орқали амалга оширилади. Электрон тижорат асосларини кўриб чиқиш ўрганилаётган фан соҳаси учун калит тушунчалар ва таърифларни шакллантириш мақсадга мувофиқ. Бугунги кунда ишлатилаётган таъриф ва иборалар уларнинг муаллифларининг мутахассис тайёргарлиги ва орттирилган тажрибасига мос келиб, иқтисод соҳасидаги воқеаларни фақат қисман қамраб олади ва бир қанча нуқтаи назарларни ўзида акс эттиради. Масалан, IBM компанияси мутахассисларининг таърифига кўра, "Электрон бизнес — бу асосий бизнес жараёнларни Интернет технологиялар орқали амалга ошириш". Интернет бизнес энциклопедиясининг таърифига кўра эса у фойда олиш мақсадида ички ва ташқи алоқаларни амалга ошириш учун глобал ахборот тармоқларининг имкониятларидан фойдаланадиган ҳар қандай бизнес фаолият. Бу таърифлар Интернет тармоғининг ривожланиши ва ама-

лий қўлланиши нуқтаи назаридангина иқтисод соҳасида юз берган жараёнларни акс эттиради. Шубҳасиз, миллий, шахсий ва корпоратив компьютер тармоқларининг ягона Интернет тармоғига бирлашиши электрон тижорат ривожланиши ва мустаҳкамланиши жараёнларига сезиларли таъсир кўрсатди. Лекин маълум доирадаги масалаларни ечиш учун Интернет тармоғи томонидан таклиф қилинадиган усуллар мажмуаси сифатида электрон тижорат саволларини умумий ёки электрон маркетинг саволларининг қисман кўриб чиқилиши истиқболли деб ҳисоблаб бўлмайди. Чунки тизимнинг махсус техник хусусиятлари иқтисодий жараёнларнинг объектив тасвирини аниқлаб беришга имкон бермайди.

Глобал тармоқ иқтисодий хусусиятларини таҳлил қилиш ва ташкилот, корхоналарнинг электрон тижорат соҳасидаги тажрибасини ўрганиш билан янги категориялар ва тушунчаларнинг ўзаро таъсири ҳамда бўйсунуш даражасини акс эттирувчи моделни тузиш ва бугунги кун талабларига мос келадиган таърифларни шакллантириш мумкин. Модель асосида у ёки бу тижорат фаолияти шаклига мос тижорат жараёнлар — бизнес, тижорат, савдо, маркетинг туради. Бунда ЮНИДО таърифига кўра, электрон бизнес қўлланишининг тўрт босқичи — маркетинг, ишлаб чиқариш, савдо, тўловлар эътиборда тутилади. Ахборот-коммуникация технологиялари ва тизимларини қўллаш даражаси чегара (ўлчов) бўлиб, у бўйича бизнес (тижорат, савдо)ни электрон деб ҳисобласа бўлади.

XXI аср бошида электрон тижоратни ахборот-телекоммуникацион технология ва тизимларни қўллаш орқали тижорат жараёнларни амалга ошириш деб тушуниш керак. Аммо тижорат жараёнларнинг бир қисми инновацион технологияларни ишлатмасдан амалга оширилмоқда. Бу эса "тижорат" ва "электрон тижорат" тушунчаларини мустақил категориялар сифатида ажратишга имкон беради, лекин улар орасидаги фарқ аста-секин йўқолиб бормоқда.

Корхонанинг масалаларида замонавий технологиялар электрон тижорат моделида электрон маркетингни замонавий тижорат асоси сифатида қарашга имкон беради. Бунда маркетинг масалалари шунчалик муҳим ва катта ҳажмга эгаки, кўп ҳолларда аънавий маркетинг фаолияти — тижорат таҳлил (BI — BusinessIntelligence), истеъмолчилар билан алоқаларни бошқариш (CRM — Customer Relations Management), таъминот занжирлари бошқаруви (SCM — Supply Chain Management), билимларни бошқариш (KM — Knowledge Management) ахборот технология воқеалари орқали амалга оширилади.

Шундай қилиб, электрон тижорат бизнеснинг

янги шакли сифатида ўз тижорат жараёнларини ривожланган ички ва ташқи техник инфраструктураси билан стандартлаштирган тизимлаштирилган корхона ва ташкилотлар асосида шакллана бошлади. Тижорат шакллариининг трансформацияси тарихан бирин-кетин ривожланган, лекин ҳозирги кунда бир вақтнинг ўзида мавжуд бўлган бозорнинг уч асосий модели пайдо бўлишига олиб келди. Биринчи модел — ишлаб чиқарувчи бозори дейилиб, унда ҳукмрон ўринни ишлаб чиқарувчи эгаллайди. Айнаун қайси товар, қандай ҳажмда, қандай нархда ишлаб чиқариш, кимга ва қаерда уни таклиф қилиш, истеъмолчиларга товарнинг мавжудлиги ва характеристикалари ҳақида қандай хабар беришни белгилайди.

XX асрнинг 90-йиллари бошларигача устунликка эга бўлган етакчи компанияларнинг бизнес моделлари кучли моддий базага асосланган. Бу база активлари ишлаб чиқариш, тақсимлаш, товарлар сотиш ва хизмат кўсатиш учун бизнес хусусиятларига боғлиқ ҳолда ишлатилган. Бундай корхоналарнинг асосий индикаторлари ишлаб чиқариш, захира айланмаси, сармоя самараси бўлган. Бундай корхоналар қўллаб-қувватланиши ахборот технологиялари томонидан ERP (Enterprise Resource Planning) корхоналари ресурсларни режалаштириш тизимларини яратиш ва татбиқ этиш йўли билан амалга оширилган.

Иккинчи модель — даллол бозори деб аталиб, уларнинг доминант роли билан белгиланади. Улар ишлаб чиқарувчиларга қандай маҳсулот, кимга ва қандай ҳажмда ишлаб чиқариш кераклигини айтиб туришга имкон берадиган истеъмолчилар ҳақидаги барча маълумотларни ўз қўлларида мужассамлаштирганлар. Бу турдаги компаниялар логотипи барча мамлакатларда танилган McDonald's компаниясидир.

Ахборот технологиялари ва тизимлари ривожланиши, тарқалиши билан истеъмолчи мавжуд маҳсулотлар ва хизматлар ҳақида ахборот олиш, энг зарурларини танлаш имкони ва ҳуқуқига эга бўлиб, унинг суверен (мустақил) бўлишига олиб келди. У энди даллолларга боғлиқ эмас ва талаб қилинаётган маҳсулот характеристикаси, комплекташ (йиғиш) сифати, сони ва ҳатто нархи бўйича ишлаб чиқарувчига шартларга кўра кўрсатма бериши мумкин. Истеъмолчи ишлаб чиқарувчи ва даллол ўртасида алоқа ташаббускори ҳисобланади. Бу эса бозорнинг учинчи модели — интерактив бозорнинг мавжудлиги ҳақида гапиришга ҳуқуқ беради.

Анъанавий тижорат моделларини қўлловчи (ишлаб чиқарувчиларга ва каналларга мўлжалланган) компаниялар фойдаси ўсишининг кетма-кет қисқариши, тижорат жараёнларнинг тезли-

гини ошириш зарурати ва уларнинг бозор ўзгаришларига реакцияси аввал ташқи структуралар тармоғининг яратилишига олиб келди. Ҳозирги кунда "таъминотчи — истеъмолчи" занжирининг сезиларли қисми бундай структураларга ўтмоқда. Шундан сўнг қўшилган қиймат бирлашмаларининг шаклланишига олиб келди. Уларда маҳсулот маркаси ёки брендининг компания эгаси истеъмолчиларни жалб қилиш ва ушлаб қолиш, улар билан ўзаро алоқаларни бошқариш, ташқи альянслар ва структуралар билан бошқарувга ўзининг молиявий ва меҳнат ресурсларини йўналтиради. Бу компанияларни истеъмолчига йўналтирилган тижорат моделига киритиш мумкин. Чунки бренд — бу алоҳида маҳсулот ёки хизмат қиймати ҳақидаги истеъмолчи миёсидаги мавжуд тушунча бўлиб, у бозордаги кўп турли маҳсулотлар ичидан айнан бирини танлашга имкон беради. Шунини айтиш лозимки, бу янги тижорат моделининг асоси бренд сармояси, ўз брендига эга компаниянинг тижорат ҳамкорлари билан ўзаро ҳамкорлиги бўлди. Улар қўшилган қиймат (value added chain) яратилиши занжирини акс эттиради. Бундай компаниялар тармоғи қўшилган қиймат бирлашмалари (Value added communities) деб атала бошланди. Кўриб ўтилган йўналишда тижорат трансформациясига sanoatning автомобиль ва компьютер каби етакчи соҳалари мисол бўла олади.

Жамият учун электрон тижорат тизимининг фойдасини қуйидагича ифодалаш мумкин:

- электрон тижорат бозор чегараларини кенгайтиради. Корхона ҳатто катта бўлмаган сармоя билан миқдорларга глобал кўламда хизмат кўрсатиши мумкин;

- электрон тижорат ахборотни олиш, қайта ишлаш ва сақлаш кечикишларини камайтиради, натижада маъмурий харажатларни камайтиради;

- электрон бизнес корхоналарга тор доира мутахассислигида фаолият юритишга имкон беради;

- электрон тижорат захиранинг камайиши ҳисобига қўшимча харажатларни сезиларли пасайтиришга имкон беради, миқдорнинг аниқ сўрови ёки буюртмасидан сўнг ишлаб чиқариш бошланади;

- электрон тижоратнинг умумийлаштирилиши буюртмага асосан ишлаб чиқаришга имкон яратади ва корхонанинг рақобат қилиш имкониятларини оширади;

- бизнес жараёнларнинг жадаллашиши ёки тезлашиши корхонанинг иш самарадорлиги ва унумдорлигини сезиларли даражада оширишга, миқдор ва сифат кўрсаткичларини оширишга имкон беради;

— вақтнинг реал кўламида интерактив мувофиқликни таъминлаш имконияти юзага келади, яъни Интернетда алоқа икки томонлама бўлиб, реал вақтда юз беради ва ахборот тизимлари мувофиқлиги билан таъминланади. Бу маркетинг қарорларини қабул қилишда принципиал жиҳатдан муҳим ҳисобланади. Бу хусусиятлар маркетологга реал вақтда кўпгина муаммоларни (масалан, нарх белгилаш) ҳал қилишга имкон беради.

— электрон тижорат технологиялари мижозлар билан ўзаро алоқалар тезкорлигини оширишга, мижозларнинг катта сони билан бир вақтнинг ўзида ишлаш имконияти, мижозлар билан паралелл мулоқот қилиш имкониятига йўл очиб беради.

Бундан ташқари, ҳамкорлик имкониятларини кенгайтириш, таъминотчилар ва мижозлар билан узоқ муддатли муносабатлар ўрнатиш, ахборотдан эркин фойдаланишни кенгайтириш ва ҳоказоларни фойдага киритиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан БМТ Тараққиёт дастури ўртасида 2005-2015 йиллар-

даги даврда ҳамкорлик қилиш тўғрисида шартнома тузилган бўлиб, унга биноан БМТ ахборотлаштириш дастурига кўмаклашиши, шунингдек ҳукумат эҳтиёжларига мувофиқ равишда донор ташкилотларининг ва учинчи томонларнинг фаолиятини келтириш механизми сифатида тайёрланган "рақамли тараққиёт ташаббуси" дастури бажарилишини таъминлаши лозим. Республикада ахборот коммуникация технологиялари ривожланиш мониторингининг йўлга қўйилган тизими бу дастурни амалга оширишда энг муҳим ва энг самарали механизмлардан бири бўлиши лозим.

Ахборот-коммуникация технологиялари ташкилотларни ислоҳ қилишнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучи бўлиб, мамлакатнинг иқтисодий ривожланиши учун улкан имкониятлар очиб беради. "Электрон ҳукумат" тизими (ҳукумат ишларини он-лайн режимда амалга ошириш) Ўзбекистонда ўз тараққиётининг бошланғич босқичидадир. Эндиликда Интернет тармоғига уланган давлат тузилмалари ва хўжалик юритувчи субъектлар сони кескин ошиб бормоқда.



Жуманазар ХОЛМЎМИНОВ,  
ТДЮУ “Экология ва аграр ҳуқуқи”  
кафедраси профессори, ю.ф.д.

## ЭКОЛОГИК ҚОНУНЛАР ИЖРОСИНИ ТАЪМИНЛАШДА ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИНИНГ РОЛИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

◆ Мақолада прокуратура органлари томонидан экологик қонун талабларига риоя этилиши устидан назорат олиб бориши ва мазкур соҳадаги қонунлар ижросини тўлиқ таъминланишининг ҳуқуқий асослари ҳамда унинг ўзига хос хусусиятлари ёритилган.

◆ В статье рассматриваются правовые основы и особенности осуществления прокурорского надзора за исполнением экологических законов и обеспечения исполнения законов в этой сфере.

◆ The article deals with legal bases and specifications of carrying out prosecutor supervision over execution of ecologic laws and provision of their execution.

**Таянч сўзлар:** Прокуратура органлари, экологик хавфсизлик, экологик таҳдид, атроф-муҳит муҳофазаси, прокурор назорати, экологик назорат, экологик назорат турлари, давлат экология назорати, жамоат экология назорати, экология соҳасида идоравий назорат, экология соҳасида ишлаб чиқариш назорати, экологик ҳуқуқбузарлик, экологик-ҳуқуқий жавобгарлик.

**Ключевые слова:** Органы прокуратуры, экологическая безопасность, экологическая угроза, охрана окружающей среды, прокурорский надзор, экологический контроль, виды экологического контроля, государственный экологический контроль, общественный экологический контроль, ведомственный экологический контроль, производственный экологический контроль, экологическое правонарушение, эколого-правовая ответственность.

**Key words:** environmental safety, ecological threat, environmental protection, control, ecological control, types of ecological control, state of ecological control, public ecological control, departmental ecological control, production ecological control, ecological inspection, principles of ecological control, objects of ecological control, subjects of ecological control, forms of ecological control, public inspector of ecological control, ecological offence, eco-legal responsibility.

Бугунги кунда барча экологик қонун талаблари ижросининг жамият ва инсон манфаатлари йўлида тўла-тўқис амалга оширилишида прокуратура органлари назорати алоҳида ўрин тутди. Шунинг учун ҳам табиати мусаффо, экологик хавфсиз ҳамда табиат ресурсларидан оқилона фойдаланиладиган ва муҳофаза этиладиган ҳудудларда прокуратура органлари назорати талаблари кенгроқ даражада қўлланилиши лозим.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 118-моддасида: “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори ва унга

бўйсунувчи прокурорлар амалга оширади.”<sup>1</sup>, деб кўрсатилган.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов ташаббуси ва раҳбарлигида экологик таҳдидлар ҳамда экологик хавфсизликнинг олдини олиш, ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ва бошқа табиат бойликларидан оқилона фойдаланиш, уларни муҳофаза қилиш, тиклаш ҳамда келажак авлодга бус-бутун етказиш масаласига алоҳида эътибор бериб келинмоқда. Шу мақсадда уларни экологик муҳофаза қилиш ҳамда фойдаланиш соҳасида муҳим экологик ҳуқуқий асослар қабул қилиниши ҳам алоҳида аҳамиятга эгадир.

Ушбу талаблар, авваламбор, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 50-моддасида: “Фуқаролар атроф-муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга мажбурдирлар” ҳамда 55-моддасида: “Ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий захиралар умуммиллий бойликдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидадир”, деб кўрсатилганлиги ҳуқуқий асос сифатида ўта муҳимдир.

Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 27 майдаги 142-сон қарори асосида қабул қилинган, 2013-2017 йилларда Ўзбекистон Республикасида атроф-муҳит муҳофазаси бўйича ҳаракатлар Дастури<sup>2</sup> ҳам мамлакатимизда экологик муаммоларни ҳал қилиш, айниқса, прокуратура органлари томонидан экологик қонун талаблари ижросини замон талаби асосида олиб боришда катта аҳамиятга эга бўлган ҳуқуқий ҳужжат бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов таъкидлаганидек: “Бугунги кунда инсоният олдида янги, глобал муаммолар пайдо бўлмоқда. Улар қаторида мен иқлим ўзгаришлари, экотизим ва биохилма-хилликни сақлаш ва асраб-авайлаш, табиий захираларнинг тугаб бориши ва бошқа шу каби жуда ўткир муаммоларни қайд этишни истардим. Уларнинг оқилона ечими давримизнинг энг кескин муаммосига айланмоқда.

Ушбу муаммоларни ҳал этиш интеллектуал салоҳиятнинг ҳар томонлама ўсишини, кўп асрлар мобайнида вужудга келган қонунларни қайта идрок этиш ва янгича баҳолашни, бизни қуршаб турган борликни кенг миқёсда ўрганиш бўйича чуқур илмий тадқиқот ва тажрибалар олиб боришни тақозо этиши мумкин.<sup>3</sup>

Айниқса, Юртбошимизнинг “Яқин-яқинларгача ўзининг улкан биохилма-хиллиги билан машҳур бўлган Оролбўйи минтақасида ўсимликлар ва ёввойи ҳайвонлар тури кескин камайиб бормоқда, жумладан, сут эмизувчиларнинг 12, қушларнинг 26 ва ўсимликларнинг 11 тури буткул йўқ бўлиш хавфи остида турибди. Оролнинг қуриган қисми ўрнида ҳосил бўлган 5,5 миллион гектардан ортиқ майдондаги янги Оролқум саҳроси тобора бутун Оролбўйи минтақасига ёйилмоқда. Бу ердан ҳар йили атмосферага қарийб 100 миллион тонна чанг ва заҳарли тузлар кўтарилиб, қум бўронлари ва кучли шамоллар билан мазкур ҳудуддан анча олис бўлган минтақаларга ҳам тарқалмоқда”,<sup>4</sup> деган таъкидлари экологик таҳдидларнинг олдини олиш ва бартараф этишнинг ҳуқуқий муаммоларини замон талаби асосида ҳал қилишни тақозо этади.

Юртбошимизнинг юқоридаги кўрсатма ва ғоялари атроф-муҳитни муҳофаза қилишда амалдаги қонунларга, шу билан бирга, табиат бойликларидан оқилона фойдаланиш ва муҳофаза қилиш тўғрисидаги экологик қонунлар ижроси прокуратура органлари томонидан янада қатъийроқ назорат этилишини ҳам назарда тутди.

Шу маънода айниқса, Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунининг 2-моддасида: “Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларининг (бундан буён матнда прокуратура органлари деб юритилади) асосий вазибалари қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини, Ўзбекистон Республикаси конституциявий тузумини ҳимоя қилиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактика қилишдан иборат”,<sup>5</sup> деб кўрсатилганлиги ўта аҳамиятлидир.

Юқоридаги фикр ва мулоҳазалардан келиб чиқиб таъкидлаш лозимки, прокуратура органлари томонидан экологик қонунлар замон талаби асосида назорат этилишининг давлат ва жамият ҳаётидаги аҳамияти қуйидагиларда кўриниши мумкин: биринчидан, атроф-табиий муҳит, табиат ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва муҳофаза қилиш талабларига риоя этилишини таъминлайди; иккинчидан, табиат захираларидан оқилона фойдаланишни бошқариш ва табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги қонун талабларига аниқ ва оғишмай риоя қилишни; учинчидан, барча юридик ва жисмоний шахсларнинг атроф-табиий муҳитни муҳофаза қилиш ва экологик хавфсизликни таъминлаш борасидаги талаблари беками-кўст бажарилишини таъминлайди; тўртинчидан, табиатдан ноқонуний ва нотўғри фойдаланилишининг олдини олади ва бундай ҳолларда айбдорларга тегишли таъсир чоралари қўлланилишини таъминлайди; бешинчидан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, жумладан, прокуратура органлари томонидан экологик қонун талаблари ижросининг назорат этилиши эндиликда экология ҳуқуқида алоҳида ягона бир институтни ташкил этиб, у ўзида бир қатор субинститутларни бирлаштирганлигида ҳам намоён бўлиши мумкин.

Шу маънода, Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги қонунининг 4-моддасида прокуратура органлари фаолиятининг асосий йўналишлари ҳам аниқ ўз ифодасини топган.

Унга асосан, прокуратура органлари ўз фаолиятини қуйидаги асосий йўналишлар бўйича

амалга оширади:

вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, ҳокимлар ва бошқа мансабдор шахслар томонидан қонунларнинг ижро этилиши устидан назорат қилиш;

фуқаронинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини таъминлашга қаратилган қонунлар ижроси устидан назорат қилиш;

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг ҳарбий тузилмаларида қонунларга риоя этилиши устидан назорат қилиш;

тезкор-қидирув фаолиятни, суриштирувни, дастлабки терговни амалга оширадиган органлар томонидан қонунларнинг ижро этилиши устидан назорат қилиш ҳамда уларнинг жиноятчиликка қарши кураш борасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш;

жиноятлар юзасидан дастлабки тергов олиб бориш;

судларда жиноят ишлари кўриб чиқиладиганда давлат айбловини қувватлаш, судларда фуқаролик ишларини, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни ҳамда хўжалик низоларини кўришда иштирок этиш, қонунларга зид бўлган суд ҳужжатларига протест келтириш;

солиқ интизомини мустаҳкамлашга, солиқ, валюта соҳасидаги жиноятлар ва ҳуқуқбузарликларга қарши курашга, шунингдек давлатга етказилган иқтисодий зарарни қоплашга қаратилган қонунларнинг ижро этилиши устидан назорат қилиш;

ушлаб турилганларни, қамоққа олинганларни сақлаш жойларида, жиноий жазоларни ва жиноят-ҳуқуқий таъсирнинг бошқа чораларини ижро этиш чоғида қонунларга риоя этилиши устидан назорат қилиш;

қонун ижодкорлиги фаолиятида ҳамда жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш ишида иштирок этиш.<sup>7</sup>

Шу маънода, айрим юридик адабиётларда экологик хавфсизликни таъминлаш ва экологик таҳдидларнинг олдини олишнинг давлат бошқарувида қонунийликни таъминлаш воситаси<sup>8</sup> “назорат” давлатда қонунийлик ва ҳуқуқий тартибни таъминлашнинг асосий усули, сифатида таърифланган.

Демак, умумий маънода прокуратура органлари томонидан экологик қонун талаблари ижросининг назорат этилишини табиат ресурсларидан оқилона фойдаланишни бошқариш ва табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги қонунийликка аниқ ва оғишмай риоя қилиш устидан мун-

тазам кузатув олиб бориш фаолияти деб тан олиш мумкин.

Илмий манбаларда “назорат” тушунчасининг экологияга боғланганлигини ҳар хил кўринишлардаги “экологик назорат”, “давлат экология назорати”, “жамоат экология назорати” ва бошқа шу каби сўзлар бирикмалари билан ифодаланганлигини учратиш мумкин. Мазкур тушунчаларнинг ичида кенг маъно касб этадигани “экология назорати”дир. Уни кенг маънодаги тушунча дейишимизга сабаб, у тижорат (хусусий) корхоналар ва давлат ташкилотлари олиб борадиган назоратни ҳам ўз ичига қамраб олади.

Бу борада ўзбек ҳуқуқшунос экологик-олимлари томонидан турли эътиборли фикр ва мулоҳазалар билдирилганлигини эътироф этиш лозим.

Ш.Ҳ.Файзиевнинг фикрича, “экология назорати атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва экологик хавфсизликни таъминлаш қоида-талабларини барча вазирлик, давлат қўмиталари ва идоралари, корхоналар, ташкилотлар, муассаса, мансабдор ва жисмоний шахслар томонидан бажарилишини текшириш, табиий муҳит ҳолатини ўрганиш ва кузатиш, чора-тадбирларни қўллаш билан боғлиқ сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва маънавий-маърифий чора-тадбирлар йиғиндисини ўз ичига олади”<sup>9</sup>.

Й.О.Жўраевнинг таъкидлашича, “экологик назорат — корхона, муассаса, ташкилотлар, вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралари ва фуқаролар томонидан атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ҳамда экологик хавфсизликни таъминлаш бўйича талабларга риоя этилишини текшириш, атроф табиий муҳит ҳолатини ўрганиш ва мониторингини юритиш, экологик экспертиза ўтказиш, шунингдек, ушбу соҳада бошқа ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирларни амалга оширишдан иборат”<sup>10</sup>.

Амалиётчи олим Б.Ҳ.Калонов бу ҳақда “экология назорати дейилганда, жамиятда мавжуд бўлган давлат ва нодавлат органлари томонидан амалга ошириладиган назоратни умумлаштирувчи тушунча тушунилади”<sup>11</sup>, деб таъкидлайди.

Таниқли олим М.Нажимовнинг фикрича эса, “экологик назорат деганда, давлат экологик функциясининг асосий шаклларида бири сифатида давлат органларининг хўжалик фаолияти ва бошқа фаолият таъсирида бўлган атроф табиий муҳит ва унинг алоҳида объектлар ҳолатини ҳамда барча юридик ва жисмоний шахсларнинг атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш

ва экологик хавфсизликни таъминлаш борасидаги талабларни бажаришларини кузатиб бориш, экологик қонунчилик нормалари ва талаблари бузилишининг сабаблари ва шарт-шароитларини аниқлаш, шунингдек уларни барта-раф этиш ҳамда олдини олиш борасидаги ҳуқуқий фаолиятини тушуниш лозим<sup>12</sup>.

Шунингдек, О.Д.Утегеновнинг олиб борган илмий тадқиқотида экологик назорат табиат захираларидан оқилона фойдаланишни бошқариш ва табиатни муҳофаза қилиш соҳасида қонунийликка аниқ ва оғишмай риоя қилиш устидан мунтазам кузатув олиб бориш фаолияти сифатида ҳам таърифланади<sup>13</sup>.

Ниҳоят, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси томонидан 2013 йил 12 ноябрда қабул қилинган ва Сенат томонидан 2013 йил 12 декабрда маъқулланган, Ўзбекистон Республикасининг “Экологик назорат тўғрисида”ги<sup>14</sup> Қонуни бу соҳани тартибга солишнинг ҳуқуқий асоси бўлди ва прокуратура органлари томонидан экологик қонун талаблари ижроси назорат этилиши билан боғлиқ муаммоларнинг ижобий ҳал қилинишига ёрдам берди.

Шунингдек, мамлакатимизда экологик назоратга оид муносабатларни тартибга солувчи ушбу қонун ҳужжатининг ишлаб чиқиши, миллий қонунчиликни такомиллаштириш нуқтаи назаридан бу борадаги хорижий мамлакатлар тажрибасини ўзида намоён этганлиги ва халқаро талабларга мослиги билан, айниқса прокуратура органлари томонидан экологик қонун талабларига риоя этилиши устидан назорат қилиш билан боғлиқ масалаларни замон талаби асосида олиб боришни таъминлашга ёрдам берди.<sup>15</sup>

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, прокуратура органлари томонидан экологик қонун талабларига риоя этилиши устидан назорат олиб борилиши ва экологик қонунлар ижросининг тўғри таъминланиши экологик назорат тўғрисидаги қонун талабларини таъминлайди ва бир қатор хусусиятлари билан фарқланади.

**биринчидан**, прокуратура органлари фаолиятида экологик назорат соҳасидаги муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиши билан;

**иккинчидан**, прокуратура органлари томонидан экологик қонун талабларига риоя этилиши устидан назорат олиб бориши, мустақил давлатимизнинг экологик сиёсатини ўзида акс эттириши ва мустаҳкамлаши билан;

**учинчидан**, давлатнинг экология соҳасидаги назорат функциясини мустаҳкамлашдаги аҳамияти катталиги ва ўта муҳимлиги билан;

**тўртинчидан**, у табиат ресурсларидан

оқилона фойдаланиш ва муҳофаза қилишга, барча экологик қонун талабларини мустаҳкамлашга ҳамда экологик хавфсизликни таъминлашга қаратилганлиги билан;

**бешинчидан**, у экологик ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиши ва унга қарши курашишда муҳим асос бўлиши билан фарқланиши мумкин.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, прокуратура органлари томонидан экологик қонун талабларига риоя этилиши устидан назорат олиб борилиши ва экологик қонунлар ижросининг тўғри таъминланиши бир қатор ўзига хос янги хусусиятларини ҳам эътироф этишни тақозо этади.

1. Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни «Экологик назорат тўғрисида»ги Қонун билан ўзаро ҳамкорликда экологик назорат соҳасидаги муносабатларни тартибга солиб, бозор шароитида табиат ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш билан боғлиқ муносабатларни, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси талабларига мос равишда амалга оширилишига хизмат қилади;

2. Ушбу қонун ўзида илк маротаба экологик назорат соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш билан боғлиқ бир қатор тушунчаларни, яъни экологик назорат, давлат экологик назорати, идоравий экологик назорат, ишлаб чиқариш экологик назорати, жамоатчилик экологик назорати каби тушунчаларни ўзида ифода этиб прокуратура органлари томонидан экологик қонун талабларига риоя этилиши устидан назоратни олиб борилишини мустаҳкамлайди;

3. Прокуратура органлари томонидан экологик қонун талабларига риоя этилиши устидан назорат олиб борилиши “Экологик назорат тўғрисида”ги Қонун табиий муҳит ва экологик хавфсизликни таъминлашнинг самарали ҳуқуқий механизмини, экологик ҳуқуқий таълим ва тарбия, аҳолининг экологик ҳуқуқий маданиятини ошириш тизимини ривожлантириш ва такомиллаштириш, бу борадаги билимларни мустаҳкамлаш орқали келажак авлодларимизнинг экологик тоза муҳитда яшаши учун замин яратишидаги аҳамиятини таъминлаши ва бошқа хусусиятлари билан фарқланади;

Умуман олганда, прокуратура органлари томонидан экологик қонун талабларига риоя этилиши устидан назорат олиб борилиши ва экологик қонунлар ижросининг тўғри таъминланиши табиат, жамият ва инсон ўртасидаги ўзаро мутаносибликни таъминлашда ва экологик муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишда алоҳида аҳамият касб этиб, табиатни муҳофаза

қилиш билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилишга ёрдам беради.

Шу билан бирга, ҳар бир фуқаро, корхона, муассаса ва ташкилотлар, айниқса, қонуний ваколатларга эга бўлган ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, жумладан, прокуратура, адлия, ИИБ, божхона, суд<sup>16</sup> ва бошқалар ушбу қонун талабларини сўзсиз бажаришлари ҳамда ўз фаолиятларида амалга оширишлари лозим бўлади.

Хуллас, прокуратура органлари томонидан экологик қонун талабларига риоя этилиши устидан назорат олиб борилиши ва экологик қонунлар ижросининг ўз вақтида тўғри таъмин-

ланиши, жумладан, аҳоли ўртасида экологик қонунлар моҳиятини кенгроқ тушунтиришга, экологик назоратни мустаҳкамлашга оид тадбирларни ўтказишга, экологик-ҳуқуқий маънавият ва маданият, экологик-ҳуқуқий таълим ва тарбияни замон талаблари асосида олиб боришга, келажак ҳаётимиз учун масъулият билан яшашга ҳамда соғлом авлодни дунёга келтириш ва уни тарбиялашга, энг асосийси, атроф-муҳитни мусаффо ҳолатда келажак авлодга бус-бутун қолдиришга, шунингдек, амалдаги қабул қилинган экологик қонун талабларини қўллаш ва бажаришга катта ёрдам беради.



<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси . – Т.: Ўзбекистон, 2014.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., №22, 282-м.

<sup>3</sup>Каримов И.А. Аждодларимизнинг бебаҳо мероси — абадиятга дахлдор маънавий хазинадир. Президент Ислон Каримовнинг “Ўрта асрлар шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожига роли ва аҳамияти” мавзусидаги халқаро конференциянинг очилиш маросимидаги нутқи. //Халқ сўзи 2014 йил, 16 май.

<sup>4</sup>Каримов И.А. «Орол денгизи минтақасидаги экологик офат оқибатларини юмшатиш бўйича ҳамкорликни ривожлантириш» мавзусидаги халқаро конференция иштирокчиларига табриги. //Халқ сўзи 2014 йил, 30 октябрь.

<sup>5</sup>Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси, 2001 йил, 9-10-сон, 168-модда

<sup>6</sup>Қодиров Р.Х. Конституция-инсон манфаатлари ҳамда жамият ва давлат тараққиёти кафолатидир. //Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари Ахборотномаси. 2012, №1.1-7 б.

<sup>7</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси, 2001 йил, 9-10-сон, 168-модда

<sup>8</sup>Ҳолмўминов Ж.Т. Экологик хавфсизликни таъминлаш ва экологик таҳдидларнинг олдини олишнинг ҳуқуқий асослари. //Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясининг Ахборотномаси. //2014 йил, №2, 53-60 бетлар.

<sup>9</sup> Экология ҳуқуқи. Дарслик // М.Б.Усмонов таҳрири остида. -Тошкент: Адабиёт жамғармаси, 2001.- Б. 81.

<sup>10</sup> Экологическое право Республики Узбекистан. Учебник . – Ташкент: ТГЮИ, 2006. – С.113.

<sup>11</sup>Қалонов Б.Х. Давлат экология назоратининг ҳуқуқий муаммолари. Юрид. фан. номз. ... дисс.-Тошкент: ТДЮИ, 2004. – Б. 35.

<sup>12</sup> Нажимов М. Давлатнинг экологик функцияси. Юрид.фан.номз....дисс.-Тошкент: ТДЮИ, 2002. — 122 б.

<sup>13</sup> Утегенов О.Д. Жамоат экологик назоратини ҳуқуқий тартибга солиш: ю.ф.н. дисс. – Тошкент: ТДЮИ, 2010. – Б. 13.

<sup>14</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., № 52, 688-м.

<sup>15</sup> Ҳолмўминов Ж.Т.Экологик назорат хорижий мамлакатлар тажрибасида.//Ҳуқуқ ва бурч,2013,№11,52-55 б;

<sup>16</sup>.Ҳалимов Ҳ.Ўзбекистонда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислохотларининг муҳим йўналиши. . //Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари Ахборотномаси. 2010, №2.6-9 б.

**Иса ХАМЕДОВ,**  
**профессор Университета мировой экономики и дипломатии,**  
**руководитель исследовательского Центра при УМЭД, д.ю.н.**

## К ВОПРОСУ О ПОНЯТИИ И ИНВЕНТАРИЗАЦИИ ГОСУДАРСТВЕННЫХ УСЛУГ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН

◆ Мақолада Ўзбекистон Республикасида миллий давлат бошқаруви тизимида киритилаётган янги институт — давлат хизматини инвентаризациялаш талаблари, хусусиятлари ва унинг тушунчаси кўриб чиқилган.

◆ В статье рассматриваются понятийный аппарат, признаки и критерии инвентаризации государственных услуг в Республике Узбекистан — как нового института, внедряемого в национальную систему государственного управления.

◆ In the article are discussed explanatory terms, features and criteria for inventory of state service in the Republic of Uzbekistan — a new institute implemented in national system of state management which causes nowadays a lot of issues between both scientific community and professionals.

**Таянч сўзлар:** Ключевые слова: государственные услуги, публичные услуги, государственное управление, электронное правительство, административная реформа, административные органы.

**Калит сўзлар:** давлат хизмати, оммавий хизмат, давлат бошқаруви, электрон ҳукумат, маъмурий ислоҳот, маъмурий органлар.

**Key words:** State service, public service, state management, electronic government, administrative reform, administrative bodies.

Государственные услуги — новый институт, внедряемый в систему государственного управления Узбекистана. Находясь в стадии своего становления, этот институт вызывает сегодня немало вопросов как у специалистов-практиков, так и у научно-академической общественности. Учитывая высокую динамику развития этого института, приходится разрабатывать его одновременно в научном и прикладном планах, совмещая доктринальные приоритеты с практически задачами государственной политики.

В контексте административной реформы государственные услуги появились на повестке дня в рамках приоритетного направления модернизации государственного управления — электронизации процессов взаимодействия административных органов и субъектов предпринимательства. Правительство планирует провести инвентаризацию соответствующих функций государственного управления, которые отвечали бы признакам государственных услуг, для последующе-

го перевода таких функций в электронный формат<sup>1</sup>. Данная инициатива призвана улучшить взаимодействие административных органов с предпринимателями и гражданами, повысить прозрачность, оперативность и эффективность администрирования, а также привнести в него культуру обслуживания, характерную для сферы услуг. По замыслу эти меры должны создать благоприятную деловую среду в стране. Действительно, государственное управление в его наиболее остро осязаемых для населения и бизнеса аспектах может быть существенно улучшено посредством института государственных услуг. Государственные услуги, особенно предоставляемые в электронном виде, — это визитная карточка современного государства, по которой можно судить об инвестиционном климате и деловой среде в стране. Поэтому данное направление по праву считается одним из приоритетных в административной реформе.

Следует, однако, сделать ряд важных концеп-

туальных замечаний в связи с этим контекстом. Во-первых, возможности ИКТ в модернизации процессов государственной деятельности намного шире, чем предмет государственных услуг и даже государственное управление в целом. Деятельность представительных органов власти и суда тоже открывает большие возможности для совершенствования и модернизации при помощи ИКТ. Полноценно эти возможности могут быть раскрыты в рамках института *электронного правительства*. В связи с этим, государственные услуги — это лишь одно из направлений предстоящей полномасштабной электронизации деятельности государства. Поэтому ошибочно будет принимать за государственные услуги все, что подлежит электронизации. Полагаем, что соображения эффективности правового регулирования требуют сохранения концептуальной идентичности института государственных услуг. Все же этот институт исторически не включал в себя функций представительной и судебной власти. Поэтому считаем верным включать в понятие государственных услуг только соответствующую деятельность компетентных органов и организаций в сфере государственного управления, причем не всю, а лишь ту, которая направлена на организационно не подчиненных им *физических или юридических лиц* и носит *предоставляющий* характер. Деятельность компетентных органов представительной власти и правосудия, даже несмотря на внешнее сходство отдельных функций с государственными услугами, целесообразно рассматривать и регламентировать отдельно, не смешивая с институтом государственных услуг. Вместе с тем, сходство правового режима для аналогичных благоприятных действий во всех сферах государственной деятельности вполне логично и оправдано.

Во-вторых, государственные услуги как институт отнюдь не исчерпываются электронным «интерфейсом» взаимодействия с гражданами и предпринимателями. У этого института свои глубокие корни и оригинальное место в системе публичного права современного государства. Поэтому развивать доктрину и понятийный аппарат государственных услуг необходимо исходя из оснований, намного более глубоких, чем предполагаются в рамках политики электронизации процессов администрирования. Считаем, что государственные услуги должны развиваться на базе более широкого института *публичных услуг* в едином русле становления нового публичного права Узбекистана.

В-третьих, развивая институт государственных услуг, необходимо учитывать институциональные ограничения государственной политики, в том числе особенности правосознания и правовой

культуры кадров административных органов, которым предстоит решать практические задачи воплощения нового института в жизнь.

Учитывая вышеизложенное, мы разработали специальное рабочее понятие для инвентаризации государственных услуг. Это понятие основано на новых доктринальных разработках в публично-правовом подходе (на доктрине публичных услуг), но его дефиниции сформулированы преимущественно привычным для отечественных юристов языком постсоветской науки административного права. Для большей ясности дефиниция будет сопровождаться пояснениями и примерами.

Итак, **государственные услуги** — это действия (решения) предоставляющего характера, выражающие публичное назначение и функции государственного управления и совершаемые от лица государства компетентными органами и организациями (*органами государственного управления, органами хозяйственного управления, органами исполнительной власти на местах, подведомственными им или напрямую Правительству предприятиями, учреждениями, организациями, а также органами самоуправления граждан и иными негосударственными организациями, выполняющими отдельные государственные функции согласно законодательству или осуществляющими деятельность, которой официально придается государственное значение*) в отношении конкретных заинтересованных лиц (физических или юридических), в интересах этих лиц или ради соблюдения установленного законодательством публичного порядка, в форме предоставления информации, материальных или нематериальных благ, прав и преимуществ, а также юридически значимых документов.

#### Признаки государственных услуг:

◆ Действия (решения), носящие *предоставляющий* характер. Услуги — это действия<sup>2</sup>, направленные на *предоставление* информации, материальных и нематериальных благ, прав и преимуществ адресату (получателю услуг). Это действия, совершаемые в *пользу* адресата. Как правило, они совершаются по заявлению или запросу заинтересованного лица (гражданина, предпринимателя), но в предусмотренных законодательством случаях — по инициативе компетентного органа по долгу службы (например, в отношении малолетних или недееспособных лиц, пострадавших от ДТП, инвалидов и престарелых, а также в случаях обязательного опубликования информации о деятельности компетентных органов и т.д.);

◆ Государственные услуги — это действия, имеющие *конкретный* адресат, т.е. действия *индивидуального* характера. Даже если адресат

множественный (группа лиц), услуга — это всегда индивидуально-конкретный акт предоставления определенных благ конкретному лицу (лицам). Этим государственные услуги отличаются от нормотворческой деятельности, в результате которой устанавливается абстрактная норма.

♦ Выражающие *публичное назначение и функции государственного управления*. Государственное управление — вид государственной деятельности, публичное назначение которой состоит в обеспечении исполнения закона и практической реализации государственной политики. По-другому, в науке этот вид государственной деятельности называется *исполнительно-распорядительной деятельностью*. Данный признак означает, что другие виды государственной деятельности (законотворчество и правосудие) и, соответственно, деятельность представительных и судебных органов власти к государственным услугам не относятся.

♦ Кроме того, надо учитывать, что государственные органы помимо выполнения своих прямых публичных задач и функций могут участвовать и в гражданско-правовых отношениях, в частности, при осуществлении хозяйственной деятельности для пополнения своих внебюджетных фондов или при совершении рядовых закупок для собственных оперативных нужд, не имеющих государственного значения. *К государственным услугам такую деятельность гражданско-правового характера относить не следует*, потому что такие виды деятельности не выражают публичное назначение государственного управления, не несут в себе его функций и носят сугубо частный характер. Лишь те действия, которые выражают назначение и функции государственного управления могут относиться к государственным услугам. Важно заметить, что в практике есть случаи, когда государственно-значимые виды деятельности, такие как образование, здравоохранение или социальная защита, осуществляются не наделенными публичной властью государственными предприятиями, учреждениями и организациями, а также когда отдельные государственные функции выполняются негосударственными органами и организациями (органами самоуправления граждан или некоторыми ННО). В обоих случаях принято считать, что указанные субъекты осуществляют государственно-управленческую деятельность, хотя и в весьма ограниченном объеме. Таким образом, существенной чертой государственных услуг является их *публичный характер*. А это подразумевает, что все они совершаются *от лица государства*. Этот признак охватывает все государственно-властные (исполнительно-распорядительные) действия компетентных структур, а также деятельность, не нося-

щую властного характера, но реализующую определенные государственные задачи и функции (в рамках государственной социальной, образовательной, здравоохранительной, санитарной и иной политики). При этом исключается хозяйственная деятельность государственных предприятий и организаций, носящая частный, коммерческий, характер и не имеющая государственного значения. При возникновении неустраняемых сомнений в вопросе разграничения государственных услуг от частных следует руководствоваться указаниями Правительства. Решение о публичном характере тех или иных видов деятельности — это, конечно, прерогатива законодателя, а в рамках закона — это вопрос, который должен решаться Правительством.

♦ Компетентными органами и организациями<sup>3</sup>. В качестве таковых в Узбекистане могут выступать:

- органы государственного управления;
- органы хозяйственного управления;
- органы исполнительной власти на местах;
- подведомственные вышеперечисленным органам или напрямую Правительству Узбекистана предприятия, учреждения, организации;
- а также органами самоуправления граждан и иными негосударственными организациями, выполняющими отдельные государственные функции, согласно законодательству, или осуществляющими деятельность, которой официально придается государственное значение.

♦ В отношении заинтересованных лиц (физических или юридических). Это значит, что к государственным услугам относятся *только внешние действия*, адресованные частным лицам, а не внутренним структурам, собственному персоналу или подведомственным организациям. Соответственно, получателями государственных услуг могут выступать физические или юридические лица<sup>4</sup>, а также группы таких лиц (множественный адресат — например, инициативная группа). Публичные субъекты, например, государственные органы, по определению не могут выступать получателями государственных услуг. Их взаимодействие осуществляется в ином порядке: в порядке административного содействия, межведомственной координации, в конституционном порядке взаимодействия ветвей власти<sup>5</sup>.

♦ В интересах заинтересованных лиц или ради соблюдения установленного законодательством порядка. Государственные услуги, в отличие от частных, нередко предоставляются *в силу установленного публичного порядка*, а не по личному предпочтению гражданина или предпринимателя. Например, выдача лицензии или государственная регистрация предприятия осуществляются в принципе не в индивидуальных интере-

сах получателя услуги, а в публичных интересах в соответствии с установленным законодательством публичным порядком. Однако, этот факт не меняет предоставляющего характера таких действий;

◆ В форме предоставления информации, материальных или нематериальных благ, прав и преимуществ, а также юридически значимых документов. Этот признак не является отличительным, но расширяет информативность данного определения. Заметим, что возможны государственные услуги сложного или комплексного характера, предоставляющие получателю ряд благ, преимуществ, пакет документов или представляющие собой комплекс взаимосвязанных предоставляющих действий. Например, при регистрации предприятия постановка на учет в налоговых органах, органах статистики и другие сопряженные учетно-регистрационные действия производятся автоматически без дополнительного обращения. Программа мер социальной защиты престарелых может предусматривать комплекс услуг, оказываемых соответствующему адресату.

#### **Не относятся к государственным услугам:**

1. Исполнительно-распорядительная деятельность вышеперечисленных компетентных органов и организаций<sup>6</sup> *неблагоприятного* для адресата характера. Все действия и решения, носящие неблагоприятный для адресата характер необходимо исключить из круга государственных услуг и осуществлять на иной организационно-правовой базе (здесь будут действовать *только* административные процедуры, но не режим, установленный для государственных услуг!). Например, выдача лицензии должна считаться государственной услугой и предоставляться не только по установленной административной процедуре, но и с соблюдением стандартов государственных услуг, а прекращение действия лицензии по инициативе административного органа — неблагоприятная для адресата мера — государственной услугой признаваться не может и должно осуществляться только по соответствующей административной процедуре. Заметим, что отказ в выдаче лицензии тоже является неблагоприятной мерой, поэтому в этом случае должна действовать административная процедура, а правовой режим государственных услуг перестает действовать. Обжалование решения об отказе в выдаче лицензии в вышестоящий административный орган будет считаться уже правовым спором и относиться к юрисдикционному государственному управлению.

2. Юрисдикционная деятельность вышеперечисленных и прочих компетентных органов и организаций, т.е. деятельность по рассмотрению

жалоб и разрешению правовых споров, а также применению административных взысканий и иных мер административного принуждения. Заметим, что деятельность государственных правозащитных структур (Минюста, Национального центра по правам человека, Омбудсмана), по своему назначению относится к юрисдикционной деятельности и поэтому, несмотря на благоприятный для адресата характер, к государственным услугам не относится, за исключением, возможно, предоставления информации.

3. Нормотворческая деятельность: издание нормативно-правовых актов и внутренних нормативных актов. Участие заинтересованной общественности в подготовке нормативно-правовых актов относится к правовому режиму открытости деятельности органов государственной власти и управления и не должно относиться к государственным услугам.

4. Рассмотрение предложений граждан в силу того, что оно не носит предоставляющего характера, а относится к формам участия граждан в государственном управлении.

5. Внутриорганизационная деятельность или организационно-управленческая деятельность, направленная на подчиненных или подведомственных лиц. Повышение квалификации кадров административного ведомства — это пример внутриорганизационного управления. Инструктирование вузов со стороны Минвуза — это пример управления подведомственными организациями. Такие виды государственного управления к государственным услугам не относятся. Дисциплинарное производство в административных органах, равно как и большая часть управления кадрами государственной службы в сфере государственного управления относится к внутриорганизационной деятельности и не подпадает под признаки государственных услуг. Увольнение с государственной службы должно производиться с соблюдением административной процедуры, но оно не относится к государственным услугам в силу своего в принципе неблагоприятного для адресата характера. Лишь прием на государственную службу подпадает под признаки государственных услуг и, следовательно, должен отвечать их стандартам.

6. Контрольно-надзорная деятельность компетентных органов и организаций в сфере государственного управления. Заметим, что налоговая и иная обязательная отчетность, предусмотренная законодательством для субъектов предпринимательства, относится к контрольно-надзорной деятельности государства и не носит предоставляющего характера. Соответственно, действия компетентных органов по приему и обработке отчетности не должны считаться государственными услугами. Однако, предоставление

возможности сдать отчетность в электронной форме может считаться услугой, предоставляемой со стороны государства для удобства предпринимателя. Полагаем, что электронные услуги должны развиваться в рамках другого института — электронного правительства, предмет которого охватывает всю деятельность государства в аспектах, связанных с электронизацией. Во избежание путаницы рекомендуем относить такие электронные услуги к более широкому понятию «публичных услуг».

7. Оперативно-розыскная деятельность, дознание, следственные и иные действия, связанные с применением мер принуждения.

8. Хозяйственная деятельность указанных компетентных органов и организаций, не имеющая государственного значения, носящая ча-

стный коммерческий характер и предназначенная для формирования их собственных внебюджетных фондов. Такая деятельность по юридической природе является частно-правовой и должна отличаться от платных государственных услуг, в которых реализуются государственные функции, а плата играет лишь компенсационную роль<sup>7</sup>.

9. Деятельность следующих субъектов:

- a. Президента Республики Узбекистан и подчиненных ему структур<sup>8</sup>;
- b. Олий Мажлиса Республики Узбекистан и местных органов представительной власти;
- c. Кабинета Министров Республики Узбекистан<sup>9</sup>;
- d. Прокуратуры<sup>10</sup>;
- e. Судебных органов.



<sup>1</sup> Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан № 120 от 13.05.2015. С.з. РУз, № 19 (675), Ст. 235, 2015 г. «О мерах по дальнейшему совершенствованию порядка оказания государственных услуг и межведомственного информационного взаимодействия государственных органов и иных организаций».

<sup>2</sup> Этим они отличаются от товаров, ценность которых не привязана к деятельности по их производству.

<sup>3</sup> Ясно, что речь идет только об органах, осуществляющих исполнительно-распорядительную деятельность или отдельные ее функции, но не об органах представительной власти или правосудия.

<sup>4</sup> В случае предоставления услуги филиалу или представительству получателем юридически выступает соответствующая головная организация, обладающая статусом юридического лица.

<sup>5</sup> По той же логике не могут выступать получателями государственных услуг международные публичные организации и органы иностранных государств.

<sup>6</sup> И соответственно деятельность иных компетентных органов, которые в определении не перечислены. Исключаются органы представительной власти и правосудия. Хотя это не означает, что их деятельность не стоит электронизировать. В определенной мере это возможно и желательно, но правовой режим государственных услуг здесь не подходит. Характер деятельности требует иного концептуального подхода.

<sup>7</sup> Напротив, хозяйственная деятельность государственных предприятий и организаций по предоставлению услуг, подпадающая под признаки «государственных услуг», т.е. если она имеет государственное значение и совершается от лица государства, т.е. в этой деятельности реализуются государственные задачи и функции, должна включаться в число государственных услуг.

<sup>8</sup> Уникальность конституционно-правового статуса Президента в нашей стране предполагает отдельные правовые стандарты деятельности для всех органов, входящих в систему его аппарата.

<sup>9</sup> Кабинет Министров по своей компетенции не должен сам предоставлять государственные услуги. У него иной статус и место в системе государственной власти и управления. Поэтому считаем нецелесообразным распространять правовой режим госуслуг на деятельность Правительства, несмотря на то, что отдельные функции этого органа могут быть аналогичны тем, которые осуществляют другие органы исполнительной власти.

<sup>10</sup> Компетенция прокуратуры носит надзорный характер, поэтому деятельность ее органов нецелесообразно включать в предмет государственных услуг.

Адҳам ОДИНАЕВ,  
Бош прокуратуранинг Олий ўқув курслари  
кафедра бошлиғи вазифасини бажарувчи

## БОСҚИНЧИЛИК ЖИНОЯТИ УЧУН ЖАВОБГАРЛИК: ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА ВА МИЛЛИЙ ҚОНУНЧИЛИК

- ◆ Мақолада босқинчилик жинояти учун жиноий жавобгарлик масалаларига оид хорижий мамлакатлар қонунчилиги таҳлил этилган.
- ◆ В статье проведен анализ законодательства зарубежных стран касательно уголовной ответственности за разбой.
- ◆ The article is devoted to analysis of the foreign countries legislation related to the criminal liability for robbery.

**Таянч сўзлар:** босқинчилик, жазо, зўрлик ишлатиш, жабрланувчи, ҳужум, эҳтиётсизлик, реал хавф, талончилик, талон-торож, қийноқ, уюшган гуруҳ.

**Ключевые слова:** разбой, наказание, применение насилия, потерпевший, нападение, халатность, реальная опасность, грабеж, хищение, пытка, организованная группа.

**Key words:** robbery, punishment, force application, intimidation, stealing, victim, assailing, negligence, actual danger, plunder, theft, torture, cruel action, organized group.

Босқинчилик учун жавобгарликни тадқиқ этишда хорижий мамлакатлар қонунчилигини ўрганиш ва уларнинг ижобий томонларини миллий қонунчилигимизга имплементация қилиш алоҳида аҳамиятга эга. Бу борада ривожланган Европа мамлакатлари ва АҚШ жиноят ҳуқуқи бўйича босқинчилик сифатида квалификация қилинадиган жиноятлар учун жавобгарлик хусусиятларини таҳлил қилишни мақсадга мувофиқ деб топдик.

Босқинчилик учун жиноий жавобгарлик наинки Ўзбекистонда, балки бошқа давлатларда ҳам белгиланган. Аммо, мустақил жиноят таркиби сифатида, босқинчилик барча мамлакатларнинг жиноят ҳуқуқига ҳам маълум эмас. Чунончи, Европада улар жумласига ГФР ва Швейцария киради.

ГФР ЖКда (249-модда) босқинчилик деганда, ўзганинг кўчар мулкни ғайриқонуний равишда ўзлаштириш ёки учинчи шахс фойдасига ўгириш ниятида шахсга қарши зўрлик ишлатиш ҳамда унинг ҳаёти ва соғлиғи учун амалда хавф тўғдириш йўли билан қўлга киритиш тушунилади. ГФР қонун чиқарувчиси мазкур жиноят таркибини таърифлар экан, босқинчиликнинг муқаррар белгиларини санаб ўтган: ўзганинг мулкни қўлга киритиш, ҳаёт ва соғлиқ учун хавfli зўрлик ишла-

тиш, бундай зўрликни ишлатиш билан кўрқитиш. Бундан ташқари, ГФР ЖКда босқинчиликнинг муқаррар белгиси сифатида жиноят предмети — ўзганинг (юридик жиҳатдан) кўчар мулки ҳам кўрсатиб ўтилган. Аммо босқинчилик жиноятини содир этиш чоғида ишлатиладиган зўрликнинг мазмуни қонунда ёритиб берилмаган. Шундай қилиб, Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқи нуқтаи назаридан ГФР ЖК бўйича босқинчилик таркибида талончилик ва босқинчилик бирлаштирилган.

ГФР ЖКда босқинчилик жиноятининг жазони оғирлаштирувчи ҳолатлари ҳамда жазони оғирлаштирувчи алоҳида ҳолатлар назарда тутилган. Қуйидаги ҳолларда босқинчилик жазони оғирлаштирувчи ҳолатларда содир этилган, деб ҳисобланади: бажарувчи ёки босқинчиликнинг бошқа иштирокчиси қурол ёки бошқа хавfli воситага эга бўлса; зўрлик ишлатиб ёки зўрлик ишлатиш билан кўрқитиб бошқа шахснинг қаршилигига монелик қилиш ёки уни енгиш учун ёнида бошқа восита ёки предметга эга бўлса; қилмишнинг содир этилиши бошқа шахснинг соғлиғига оғир зарар етказиш хавфини юзага келтирган бўлса; бажарувчи босқинчиликни босқинчилик ёки ўғирликларни доимий равишда содир этиш учун ташкил этилган жиноий гуруҳ таркибида содир этган

бўлса.

Жазони оғирлаштирувчи алоҳида ҳолатлар қаторига ГФР ЖКда қуйидагилар киритилган: қурол ёки бошқа хавфли воситани ишлатиб содир этилган босқинчилик; босқинчилик содир этилган жиноий гуруҳ аъзосида қуролнинг мавжудлиги; жисмоний қийноқ қўллаш; бошқа шахснинг ҳаётини хавф остида қолдириш.

Жабрланувчининг ўлимига сабаб бўлган босқинчилик ГФР ЖКда алоҳида жиноят таркиби сифатида ажратилган. Бунда мазкур қилмиш учун жавобгарлик ҳатто одам ўлиши эҳтиётсизлик туфайли юз берган ҳолда ҳам келиб чиқади.

Мустақил жиноят – “зўрлик ишлатиш билан боғлиқ ҳолда содир этилган” ўғирлик ҳам босқинчилик сифатида баҳоланади (ГФР ЖКнинг 252-§). Бунда бажарувчи жиноят устида ушланган ва у ўғирланган буюмларни ўз ихтиёрида сақлаб қолиш мақсадида бошқа шахсга қарши зўрлик ишлатган ёки унинг ҳаёти ва соғлиғига амалда таҳдид солган бўлса, босқинчилик учун жиноий жавобгарликка тортилади<sup>1</sup>. Маълумки, ЎзР ЖКга кўра бундай ҳаракатлар босқинчилик жиноятининг таркиби билан қамраб олинади.

ГФР ЖКда автомобиль ҳайдовчисига босқинчилик ҳужуми ҳам алоҳида жиноят таркиби сифатида ажратилган (316а-§). Бунда у мулкка қарши жиноятлар қаторига эмас, балки жамоат хавфсизлигига қарши жиноятлар қаторига киритилган. Мазкур нормада босқинчилик, зўрлик ишлатиш билан боғлиқ ҳолда ўғирлик ёки товламачилик содир этиш учун автомобиль ҳайдовчиси ёки йўловчисига ҳужум қилган, уларнинг ҳаёти ёки соғлиғига таҳдид солган ёки уларнинг қарор қабул қилиш эркинлигига таъсир ўтказган ва айни вақтда йўлда ҳаракатланишнинг алоҳида шароитларидан фойдаланган шахслар учун жиноий жавобгарлик назарда тутилган.

Бажарувчи эҳтиётсизлик орқасида бошқа одамнинг ўлимига сабабчи бўлган бўлса, қилмиш жазони оғирлаштирувчи ҳолатларда содир этилган деб топилади.

Швейцария ЖКда босқинчилик деганда, жабрланувчининг ҳаёти ёки соғлиғи учун реал хавф туғдирувчи зўрлик ишлатиш ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш орқали ўғирлик содир этиш тушунилади. Жиноят устида ушланганда, ўғирланган буюмларни ўзида сақлаб қолиш мақсадида шундай ҳаракатларни содир этган шахснинг қилмиши ҳам босқинчилик сифатида квалификация қилинади (ЖКнинг 140-моддаси).

Швейцария ЖКда босқинчилик жинояти учун жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар жумласига қуйидагилар киритилган: жиноятчида ўқотар ёки бошқа хавфли қуролнинг мавжудлиги; босқинчи-

лик жиноятини босқинчилик ёки ўғирликларни доимий равишда содир этиш учун ташкил этилган жиноий гуруҳ таркибида содир этиш; босқинчиликни содир этиш чоғида ўзининг алоҳида хавфлилигини бирон-бир бошқача усулда намойиш этиш; жабрланувчининг ҳаётини хавф остида қолдириш, унинг баданига оғир шикаст етказиш ёки ўта шафқатсизлик билан ҳаракат қилиш<sup>2</sup>.

**Кези келганда яна шуни ҳам қайд этиб ўтиш лозимки, ГФР ЖКда ҳам, Швейцария ЖКда ҳам ўғирликнинг ёнида ўқотар ёки бошқа хавфли қуролга эга бўлган шахс томонидан содир этилиши мазкур жиноят учун жазони оғирлаштирувчи ҳолат сифатида назарда тутилган. Қонун чиқарувчи ўғирлик босқинчиликка айланиб кетишининг олдини олиш учун шундай қилган.**

Аммо кўпгина мамлакатларда босқинчилик алоҳида жиноят таркиби сифатида ажратилмайди ва жиноят ҳуқуқида гап кўпинча ўзганинг мол-мулкни зўрлик ишлатиш йўли билан олиб кўйиш ҳақида ёхуд зўрлик ишлатиб содир этилган талончилик ёки ўғирлик ҳақида боради.

Дания ЖКда талончилик сифатида шахснинг ўзи учун ёки ўзга шахслар учун ноқонуний наф кўриш мақсадида, зўрлик ишлатиш ёки уни дарҳол ишлатиш билан қўрқитиш орқали қуйидаги ҳаракатларни содир этишдан иборат қилмиш эътироф этилади:

1. Бошқа ҳар қандай шахсдан мазкур бошқа шахсга қарашли бўлган моддий ашёни олиш ёки товламачилик йўли билан қўлга киритиш.

2. Ўғирланган ҳар қандай ашёни ўзи билан олиб кетиш.

3. Бошқа бирон-бир шахсни ҳар қандай ҳаракат содир этиш ёки ҳаракатсизлик қилишга мажбурлаш орқали, мазкур шахсни ёки бошқа ҳар қандай шахсни мол-мулкни йўқотадиган аҳволга солиб кўйиш<sup>3</sup>.

Франция ЖКда мол-мулкка тажовузлар ўзганинг мол-мулкни талон-торож қилиш деб аталади. Мазкур кодексда ўзганинг мол-мулкни зўрлик ишлатиш йўли билан талон-торож қилишнинг бир неча турлари фарқланади. Масалан, Франция ЖКнинг 311-5-моддасида бошқа шахсга нисбатан зўрлик ишлатиш ва у ўзининг меҳнат қобилиятини саккиз кунгача муддатга бутунлай йўқотишига сабаб бўлиш орқали ўзганинг мол-мулкни талон-торож қилиш учун жиноий жавобгарлик назарда тутилган. Мазкур ҳаракатлар жабрланувчи ўз меҳнат қобилиятини саккиз кундан ортиқ муддатга бутунлай йўқотишига олиб келган бўлса, айбдорга оғирроқ жазо тайинланади. Жабрланувчининг сурункали касалликка йўлиқиши ёки майиб бўлишига олиб келган шун-

дай ҳаракатни содир этиш алоҳида жиноят таркибини ўзида ифодалайди.

Ўзганинг мол-мулкни талон-торож қилишни қурол ишлатиб ёки қурол ишлатиш билан қўрқитиб ёхуд ёнида рухсатнома олиш талаб этилади-ган ёки олиб юриш тақиқланган қурол бўлган шахс томонидан содир этиш; мазкур қилмишнинг жиноий гуруҳ томонидан содир этилиши мустақил жиноят таркиблари ҳисобланади.

Юқорида зикр этилган ҳаракатлар жабрланувчининг ўлимига олиб келган ёхуд унга қийноқ қўлланган ёки унга нисбатан бошқа шафқатсиз ҳаракатлар содир этилган бўлса, ўзганинг мол-мулкни талон-торож қилиш жазони оғирлаштирувчи алоҳида ҳолатларда содир этилган деб топилади.

Франция ЖКда кейинчалик бажарувчи ёки иштирокчининг жиноят содир этилган жойдан қочиб қутулишини осонлаштириш ёки жазосиз қолишини таъминлаш учун зўрлик ишлатиш билан боғлиқ ҳолда содир этилган ўзганинг мулкни талон-торож қилиш мустақил жиноят таркиби сифатида қаралади<sup>4</sup>.

Испания ЖКда зўрлик ишлатиш ёки жабрланувчиларни қўрқитиш билан боғлиқ ҳолда содир этилган талончилик учун жиноий жавобгарлик назарда тутилган. Бунда баданга шикаст етказиш мазкур жиноят таркиби билан қамраб олинмайди ва алоҳида квалификация қилишни талаб этади. Ушбу жиноятнинг жазони оғирлаштирувчи ҳолатларига қуйидагилар киради: жиноятчи қилмишни содир этиш учун ёки қочиб яширинишни осонлаштириш учун олиб келган қурол ёки бошқа хавфли воситалардан фойдаланган ҳолда жиноятни содир этиш; айбдорнинг жабрланувчига ёрдам кўрсатаётган шахсларга ёки ўзини тўхта-тишга уринган шахсларга ҳужум қилиши<sup>5</sup>.

Голландия ЖКнинг 312-моддасида бошқа шахсларга зўрлик ишлатиб ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитиб содир этилган ўғирлик учун жавобгарлик назарда тутилган. Бунда мазкур ҳаракатлар ўғирлик содир этишдан олдин, ўғирликни содир этиш чоғида ёки ўғирликни содир этгандан сўнг, ўғирликни тайёрлаш ёки унга имкони-ят яратиш мақсадида бажарилиши мумкин. Жиноятчи жиноят устида ушланганда, бундай ҳаракатлар билан ўзига ёки мазкур жиноятда иштирок этаётган бошқа шахсларга қочишни таъминлаган ёхуд ўғирланган мол-мулкни эгаллашга эришган ҳолда ҳам унинг қилмиши шу моддада назарда тутилган жиноят таркиби билан қамраб олинади.

Голландия ЖКга кўра, мазкур жиноят учун жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар қаторига уни тунда квартирада ёки квартира жойлашган ҳар қандай ёпиқ бинода ёхуд юриб кетаётган поездда

содир этганлик; тажовузни икки ёки ундан ортиқ шахслар бирга содир этганлик; жиноятни содир этиш жойига зўрлик ишлатиб ёки қулфни бузиб, сохта қарорни кўрсатиб ёки давлат органи ходимининг сохта формасида кирганлик; мазкур ҳаракат натижасида баданга оғир шикаст етказганлик киритилган. Жабрланувчининг ўлимига сабаб бўлганлик кўриб чиқиладиган жиноятнинг жазони оғирлаштирувчи алоҳида ҳолати ҳисобланади<sup>6</sup>.

Шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, мамлакатимизнинг жиноят қонунчилигидан фарқли ўлароқ, Голландия ЖК нормалари жабрланувчининг мол-мулкни талон-торож қилиш мақсадида унинг организмига кучли таъсир кўрсатадиган ёки гангитадиган моддаларни киритиш босқинчилик ҳисобланадими ёки ҳисобланмайдими, деган масала атрофида баҳс-мунозага йўл қўймаслик имконини беради. Чунончи, Голландия ЖКнинг 81-моддасига мувофиқ, шахсни ҳушсиз ҳолатга ёки у қаршилиқ кўрсатишга қодир бўлмаган ҳолатга келтириш зўрлик ишлатиш билан тенглаштирилади.

Швеция ЖКда ҳам ўзганинг мол-мулкни зўрлик ишлатиш йўли билан қўлга киритишни ифодалаш учун “талончилик” атамаси қўлланилган. Бунда талончилик деганда, жабрланувчига бевосита хавф туғдирувчи зўрлик ишлатиш ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш орқали ўғирлик содир этиш ёхуд ўғирлик содир этгандан сўнг ва ўғирланган мол-мулкни қайтаришга ҳаракат қилаётган шахсга нисбатан зўрлик ишлатиш ёки уни зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш тушунилади. Шахсни ожиз ёки ҳушсиз ҳолатга келтириш зўрлик ишлатиш билан тенглаштирилади.

Швеция ЖКда мазкур жиноятнинг жазони оғирлаштирувчи ҳолатлари сифатида қуйидагилар белгиланган: қилмишни ҳаёт учун хавфли бўлган зўрлик ишлатиб содир этиш; жабрланувчининг баданига оғир шикаст етказиш ёки унинг оғир касалликка йўлиқишига сабаб бўлиш; жабрланувчига нисбатан ўта шафқатсизлик ёки раҳмсизлик кўрсатиш, унинг очик-ойдин ожиз аҳволдан фойдаланиш<sup>7</sup>.

Босқинчилик мустақил жиноят таркиби сифатида АҚШ жиноят ҳуқуқига ҳам маълум эмас. Унда талончилик учун жиноий жавобгарлик назарда тутилган бўлиб, унинг таркиби ҳам федерал жиноят қонунчилигида, ҳам штатларнинг жиноят қонунчилигида мустаҳкамланган.

Чунончи, Нью-Йорк штатининг ЖКга мувофиқ, талончилик – бу ўзганинг мол-мулкни зўрлик ишлатиш йўли билан талон-торож қилиш. Бунда шахс мол-мулкни ўғирлаш жараёнида қуйидаги мақсадларда бошқа шахсга нисбатан зўрлик ишлатади ёки дарҳол жисмоний куч ишлатиш би-

лан уни қўрқитади:

1) мол-мулкни эгаллашга ёки уни эгаллагандан сўнг дарҳол ўзида сақлаб қолишга кўрсатилган қаршиликнинг олдини олиш ёки уни енгил;

2) мазкур мол-мулкнинг эгасини ёки бошқа шахсни мол-мулкни топширишга мажбурлаш ёки ўғирлик содир этишга кўмаклашувчи бошқа хатти-ҳаракатларни бажариш.

ЖҚда жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар сифатида қуйидагилар назарда тутилган: кўрсатилган қилмишни жиноят содир этилган жойда ҳозир бўлган бошқа шахс ёрдамида содир этиш; жиноят иштирокчиси ҳисобланмаган ҳар қандай шахснинг баданига шикаст етказиш ёки пистолет, револьвер, ов милтиғи, пулемёт ёки бошқа ўқотар қуролни ўқталиш. Мазкур қилмиш иккинчи даражали талончилик деб ҳисобланади.

Агар шахс ёки жиноятнинг бошқа иштирокчиси тажовуз содир этаётганда ёки жиноят содир этилган жойдан қочишга уринаётганда жиноят иштирокчиси ҳисобланмаган ҳар қандай шахснинг баданига оғир шикаст етказган; ўлим уруғини сочадиган қурол билан қуролланган; хавфли қурол ишлатган ёки уни дарҳол ишлатиш билан қўрқитган бўлса, мазкур қилмишлар энг оғир (биринчи даражали) талончилик сифатида баҳоланади<sup>8</sup>.

Талончиликнинг шунга ўхшаш талқинига АҚШ қонунлар тўпламида ҳам дуч келиш мумкин<sup>9</sup>.

Босқинчилик учун жиноий жавобгарлик ислом ҳуқуқида ҳам назарда тутилган. Унга энг оғир жиноятлардан бири сифатида қаралади. Ислום ҳуқуқида босқинчилик деганда сафарга чиққан одамларга уларнинг мол-мулкни эгаллаш мақсадида қуролли ҳужум қилиш тушунилади. Босқинчилик учун жиноий жавобгарликка фақат воёга етган, ақли расо мусулмон эркак тортилиши мумкин, фақат шу ҳолдаки, жиноятдан жабрланган шахс мусулмон, эгаллаб олинган мол-мулк эса унга мулк ҳуқуқида ёки қонуний эгалик ҳуқуқида қарашли бўлса. Жиноятчи билан жабрланган шахс ўртасида қариндошлик алоқалари бўлмаслиги керак<sup>10</sup>.

Шуни қайд этиш лозимки, бир қатор мамлакатларнинг жиноят қонунчилигида ҳужум қилиш деб номланган қилмиш мустақил жиноят таркиби сифатида ажратилган. Маълумки, айнан ҳужум қилиш ЎЗРнинг амалдаги ЖҚда босқинчиликнинг асосий белгиларидан бири ҳисобланади. Чунончи, Швеция ЖК 3-бобининг 5-моддасига мувофиқ, агар шахс бошқа шахснинг баданига шикаст етказган, унинг касалликка йўлиқишига сабаб бўлган ёки унга жисмоний оғриқ етказган ёхуд уни муомалага лаёқатсиз ёки шунга ўхшаш ожиз ҳолатга келтирган бўлса, ҳужум қилишда айбдор деб топилади. Шунга ўхшаш қилмиш, агар

у ўлим хавфи юзага келишига олиб келган ёки уни содир этган шахс баданга оғир шикаст етказган ёхуд “ўта шафқатсизлик ёки раҳмсизликни бошқача тарзда намоён этган” бўлса, оғир ҳужум қилиш сифатида квалификация қилинади<sup>11</sup>.

Ҳужум қилиш мустақил жиноят таркиби сифатида АҚШ жиноят ҳуқуқида ҳам маълум. Масалан, Нью-Йорк штатининг Жиноят кодексида бундай тажовузларнинг бир неча тури назарда тутилган. Чунончи, шахс, агар у бошқа шахснинг баданига шикаст етказишни кўзлаб, мазкур ёки учинчи шахснинг баданига шундай шикастни етказган бўлса; эҳтиётсизлик орқасида бошқа шахснинг баданига шикаст етказган бўлса; жиноий бепарволик туфайли ўқотар қурол ёки бошқа хавфли қурол воситасида бошқа шахснинг баданига шикаст етказган бўлса, учинчи даражали ҳужум қилишни содир этишда айбдор деб топилади<sup>12</sup>.

Швейцария ЖКнинг “Ҳужум қилиш” деб номланган 134-моддаси қуйидагича таърифланган: “Кимки бир ёки бир нечта одамга ҳужум қилишда иштирок этса, агар бу ҳужум қилинаётган шахс ёки учинчи шахснинг ўлими ёки баданига шикаст етказилишига олиб келган бўлса”<sup>13</sup>.

Шундай қилиб, чет эл давлатларининг жиноят ҳуқуқида ҳужум қилиш деганда, жабрланувчига турли даражада оғир зиён етказувчи қилмишлар тушунилади.

Чет эл давлатларида зўрлик ишлатиб содир этиладиган талончилик жиноятлари анча кенг тарқалган тажовузлар ҳисобланади. Масалан, 1998 йилда АҚШдаги жиноятчиликнинг таркибий тузилишида роберри (талончилик) 3,6 фоизни ташкил қилган. Мамлакатда жами 446 625 та шу турдаги жиноятлар содир этилган.

Кўчаларда ва автомагистралларда содир этилган роберри бу турдаги жиноятларнинг қарийб ярмини ташкил қилган. Барча роберри жиноятларининг 38 фоизи ўқотар қурол ишлатиб содир этилган. АҚШда ҳар минутда битта роберри рўйхатга олинади. Мазкур жиноятнинг очилувчанлиги АҚШда 28,4 фоизни ташкил этади<sup>14</sup>.

Шуни қайд этиб ўтиш лозимки, айнан АҚШ ҳар 100 000 аҳолига нисбатан мазкур тажовузлар миқдорига кўра жаҳонда етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. XX аср 90-йилларининг ўрталарида бу кўрсаткич 238 ни ташкил қилган. Бошқа ривожланган мамлакатларда мазкур кўрсаткич анча паст. Масалан, Францияда айни шу даврда у 121,8 га, Англия ва Уэльсда – 95, Германияда – 76, Японияда – 2 га тенг бўлган.

— Умуман олганда, — деб қайд этади В.В.Лунеев. — жиноят-ҳуқуқий, статистик ва ташкилий шарт-шароитлар турли мамлакатларда ўхшаш эмаслигига қарамай, қуйидаги умумий хулосага

келиш учун асос бор: ўзганинг мол-мулкини тортиб олишнинг зўрлик ишлатиб содир этиладиган примитив шакллари сони бутун дунёда, шу жумладан, индустриал ривожланган демократик мамлакатларда ҳам кўпайиб бормоқда. Мазкур мамлакатлар рўйхатида АҚШ, одатдагидек, етакчи ўринлардан бирини эгаллайди<sup>15</sup>.

Таҳлил асосида шундай хулосага келиш мумкинки, чет эл мамлакатларининг жиноят қонунчилигида, ГФР ва Швейцария жиноят қонунчилигидан ташқари, босқинчилик ёки талончилик учун жиноий жавобгарликни назарда тутадиган иккита алоҳида таркиб, қоида тариқасида, мавжуд эмас.

Чет эл мамлакатларининг жиноят ҳуқуқида ўзганинг мол-мулкини зўрлик ишлатиб талон-торож

қилиш белгиси билан айбдор ўзининг ушланишига йўл қўймаслик мақсадида зўрлик ишлатадиган вазиятни, шунингдек, жабрланувчининг ўлимига сабаб бўлиш ҳоллари ҳам қамраб олинади. Айни вақтда, баъзи бир мамлакатларнинг жиноят қонунчилигида тажовуз содир этаётганда жабрланувчининг соғлиғига зиён етказиш қўшимча квалификация қилишни талаб этади.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, хорижий мамлакатларнинг жиноят қонунчилиги таҳлили мамлакатимизда жиноят қонунчилигини либераллаштиришда ҳамда амалдаги Жиноят кодексига босқинчилик жинояти учун белгиланган жиноий жавобгарлик масалаларини белгилашга қаратилган нормаларни такомиллаштиришда муҳим роль уйнайди.



<sup>1</sup> Уголовный кодекс ФРГ. – М., 2000. – 143-б.

<sup>2</sup> Уголовный кодекс Швейцарии. – М., 2000. – 54-б.

<sup>3</sup> Уголовный кодекс Дании. – М., 2001. – 159-160-б.

<sup>4</sup> Новый Уголовный кодекс Франции. – М., 1993. – 117-б.

<sup>5</sup> Уголовный кодекс Испании. – М., 1998. – 78-б.

<sup>6</sup> Уголовный кодекс Голландии. – СПб., 2000. – 190-б.

<sup>7</sup> Уголовный кодекс Швеции. – М., 2000. – 31-32-б.

<sup>8</sup> Уголовное право Соединенных Штатов Америки. Сборник нормативных актов. М., 1990. – 146-147-б.

<sup>9</sup> Уголовное право Соединенных Штатов Америки. – 65-66-б.

<sup>10</sup> Сюкияйнен Л.Р. Мусульманское право. – М., 1986. – 188-189-б.

<sup>11</sup> Уголовный кодекс Швеции. – М., 2000. – 14-15-б.

<sup>12</sup> Уголовное право Соединенных Штатов Америки. – М., 1986. – 130-б.

<sup>13</sup> Уголовный кодекс Швейцарии. – 52-б.

<sup>14</sup> Состояние преступности в США (1998 год). Обзорная информация. Зарубежный опыт. МВД России. Главный информационный центр. – М., 2000. – 7-б.

<sup>15</sup> Лунеев В.В. Преступность XX века. Мировой криминологический анализ. – М.-Л., 1999. – 245-б.

Хуршид КАРИМОВ,  
 Бош прокуратуранинг Олий ўқув курслари  
 кафедра бошлиги вазифасини бажарувчи

## ЖИНОЯТЧИЛИККА ҚАРШИ КУРАШИШДА ҲУҚУҚИЙ ОНГ ВА ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТНИНГ ЎРНИ

- ◆ Ушбу мақолада жиноятчиликка қарши курашда фуқароларнинг ҳуқуқий маданияти муҳим ўрин тутиши асослаб берилган бўлиб, ҳуқуқий онг ва маданият тушунчалари атрофлича ёритиб берилган.
- ◆ В данной статье обоснована особая роль правовой культуры граждан в противодействии преступности, а также всесторонне раскрыты понятия правовой культуры и правосознания.
- ◆ In this article it is justified the importance of role of citizen legal culture in combating with crime, as well as given definitions of legal culture and legal thought.

**Таянч сўзлар:** ҳуқуқий онг, ҳуқуқий маданият, ахлоқийлик, ҳуқуқ.

**Ключевые слова:** правосознание, правовая культура, нравственность, право.

**Key words:** legal mind, legal culture and belief in law, morality, law.

Маълумки ҳуқуқбузарликнинг энг оғир тури жиноят ҳисобланади. Жиноят оқибатида шахс, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган ҳуқуқ ва манфаатларига зарар етади. Бу эса ўз навбатида шахс, жамият ва давлат учун ижтимоий хавфни юзага келтиради.

Қайд этиш лозимки, жиноятчилик ижтимоий ҳодиса сифатида барча даврларда мавжуд бўлган. Фикримизча, жиноятчиликни батамом йўқотишнинг имконияти (жиноятчиликни юзага келтирувчи омилларнинг кўплиги) йўқ аммо унга қарши кураш орқали бундай ҳодисани камайтириш мумкин.

Энг тараққий этган давлатларда ҳам жиноятчилик долзарб муаммо ҳисобланади. Бу эса жиноятчиликни юзага келишида юқорида қайд этганимиздек, турли хил омиллар (ижтимоий, иқтисодий, ахлоқий, руҳий ва бошқа) сабаб бўлишини кўрсатади.

Демак, жиноятчиликка қарши курашиш учун энг авваломбор уни келтириб чиқарувчи сабаб, шарт-шароитларни ўрганиш муҳим ҳисобланади.

Яъни бирор бир ижтимоий хавфли ҳодисани йўқотиш ёки уни олдини олиш учун мазкур хавфни юзага келтирувчи сабаб, шарт-шароитни ўрганиш, таҳлил қилиш керак.

Юқоридагиларга асосан, шунга таъкидлаш лозимки, жиноятчиликка қарши курашда **биринчидан** уни юзага келтирувчи омилни (сабаб, шарт-

шароит) билиш асосий ўрин эгаллайди.

Биринчи босқичда, Ўзбекистонда биринчи бор Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 29 июндаги 303-сонли “Ифлослантирувчи моддаларни табиий муҳитга нормативдан ортиқча чиқарганлик (ташлаганлик) ва чиқиндиларни жойлаштирганлик учун тўловларни жорий қилиш тўғрисида”ги Қарори (мазкур қарор Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 11 ноябрдаги 140-сонли қарорига мувофиқ ўз кучини йўқотган) билан 1992 йил 1 июлдан бошлаб табиий муҳитга ифлослантирувчи моддаларни нормативдан ортиқча чиқарганлик (ташлаганлик) ва чиқиндиларни жойлаштирганлик учун тўловлар жорий қилиш белгиланди. Мазкур қарорга мувофиқ, тўловларни ундириб олиш тартиби ўрнатилди ва табиатни муҳофаза қилишнинг бюджетдан ташқари маҳаллий ва республика жамғармалари ташкил этилди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 24 майдаги 246-сонли қарори билан “Табиатни муҳофаза қилиш жамғармалари тўғрисида”ги Низом тасдиқланди, уларни шакллантириш манбалари ва фойдаланиш тартиби белгиланган.

Иккинчи босқичда, атроф-табиий муҳитни тўла ифлослантирилганлик учун тўловлар киритиш кўзда тутилган эди. Табиатдан фойдаланишда иқтисодий механизмни босқичма-босқич жорий этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 1 майдаги 199-сонли “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида атроф-табиий муҳит ифлослантирилганлиги ва чиқиндилар жойлаштирилганлиги учун тўловлар тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги Қарори билан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида атроф-табиий муҳит ифлослантирилганлиги ва чиқиндилар жойлаштирилганлиги учун 2003 йил 1 майдан бошлаб компенсация тўловлари жорий этилган.

Учинчи босқичда, табиий ресурслардан оқилона ва комплекс фойдаланилмаганлик учун тўловлар тизимини жорий этиш ва табиатдан махсус фойдаланганлик учун тўловлар олиш механизмининг янада такомиллаштириш кўзда тутилган<sup>10</sup>. Ушбу босқичлар Табиатни муҳофаза қилиш, Давлат статистика қўмиталари томонидан биргаликда ишлаб чиқилган ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан маъқулланган “Ўзбекистон Республикасида табиатдан фойдаланишнинг илмий асосланган иқтисодий ва ҳуқуқий механизмларини жорий қилиш” концепцияси орқали амалга ошириш белгиланган эди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан маъқулланган табиатдан фойдаланишга босқичма-босқич ўтиш Дастури ва “Ўзбекистон Республикасида табиатдан фойдаланишнинг илмий

асосланган иқтисодий ва ҳуқуқий механизмларини жорий қилиш” концепциясига биноан атроф-табиий муҳит тўла ифлосланганлиги, яъни умумий чиқиндилар, ифлослантирувчи моддаларни табиат муҳитига чиқарилгани ва чиқиндиларнинг жойлаштирилгани учун тўловларни босқичма-босқич киритиш амалга оширилади. Шунингдек, ушбу босқичда Ўзбекистон Республикасида табиатдан фойдаланишда иқтисодий механизмни босқичма-босқич жорий этишни таъминлаш, табиатдан фойдаланишни бошқаришнинг иқтисодий усулларини янада такомиллаштириш, шунингдек, экология хавфсизлиги масалалари бўйича комплекс ёндашувни таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2006 йил 6 февралда 15-сонли “Табиатдан махсус фойдаланганлик учун тўловлар тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги Қарор қабул қилинган.

Юридик адабиётларда кўрсатилганидек, экологик тўловларни ҳуқуқий тартибга солишни моҳияти, фаолияти табиат ҳолатига таъсир қилувчи жисмоний ва юридик шахсларга ижтимоий-иқтисодий усулларни қўллашда намоён бўлади ҳамда атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш бўйича қонунчилик талабларини бажаришга ундайди<sup>11</sup>.

Экологик тўловларни ҳуқуқий тартибга солиш ҳақида гапирар эканмиз, унинг тушунчаси, аҳамияти ҳамда ўзига хос хусусиятларига алоҳида тўхталиб ўтиш ўринлидир. Экологик тўловларни ҳуқуқий тартибга солиш механизмнинг ҳуқуқий жиҳатлари асосан, сўнгги йилларда алоҳида тадқиқот объекти сифатида ўрганила бошланди. Илмий-ҳуқуқий адабиётларда ушбу тушунча мазмунини очиб бериш учун турли атамалардан фойдаланила бошланди.<sup>12</sup>

Масалан, сўнгги йилларда юридик адабиётларда “табиатдан фойдаланиш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш иқтисодий-ҳуқуқий механизми”<sup>13</sup>, “атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш иқтисодий механизмининг ҳуқуқий тартибга солиш”<sup>14</sup>, каби тушунчаларни учратишимиз мумкин. Баъзан эса ушбу тушунча “иқтисодиётни экологизациялашнинг иқтисодий механизми”<sup>15</sup> каби атамалар билан ҳам тенглаштирилади.

Фикримизча “экологик тўловларни ҳуқуқий тартибга солиш” атамаси мазмунан ўзига хос алоҳида аҳамият касб этиб, атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва экологик хавфсизликни таъминлаш соҳасидаги ижтимоий ва иқтисодий муносабатларни ифодалашда айнан ушбу атаманинг қўлланилиши мақсадга мувофиқдир.

Таъкидлаш жоизки, экологик тўловларни ҳуқуқий тартибга солиш тушунчасининг таърифи алоҳида эканмиз, юридик адабиётларда унинг бир қатор таърифлари келтириб ўтилган.

Жумладан, Б.В.Ерофеев фикрича, экологик тўловларни ҳуқуқий тартибга солишнинг иқтисодий механизми деганда, “Табиатни муҳофаза қилиш чора-тадбирларини режалаштириш ва молиялаштиришни таъминлаш, табиий ресурслардан фойдаланганлик, атроф табиий муҳитга ифлослантирувчи чиқинди ва ахлатларни чиқарганлик, унга чиқинди ва бошқа ифлослантирувчи моддаларни жойлаштирганлик учун ҳақ тўлашни ҳуқуқий тартибга солиш, атроф табиий муҳитни самаралроқ муҳофаза қилиш мақсадида табиатдан фойдаланувчиларга солиқ, кредит ва бошқа имтиёзлар бериш тушунилади”<sup>16</sup>.

Бу масалада В.В.Гучковнинг фикри эътиборга молик бўлиб, у “Экологик тўловларни ҳуқуқий тартибга солишнинг иқтисодий-ҳуқуқий механизми – экологик талабларга риоя этувчи субъектлар хўжалик фаолиятини рағбатлантириш, шунингдек, экологик қонунчиликда табиатдан фойдаланиш ҳамда атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш бўйича мустаҳкамланган иқтисодий чоралар мажмуидир, деб ёзади”<sup>17</sup>.

Т.В.Петрова эса, кенг маънодаги экологик тўловларни ҳуқуқий тартибга солиш механизми бу авваламбор, тизим, инфраструктура (ҳуқуқий, ташкилий, институционал) бўлиб, у кўрсатилган иқтисодий фактлар ҳаракатларини жамиятнинг иқтисодий ва экологик мувозонатиغا эришиш мақсадларига йўналтириш учун зарур<sup>18</sup>, деб изоҳлайди.

М.М. Бринчук экологик тўловларни ҳуқуқий тартибга солишнинг иқтисодий механизми ҳақида тўхталиб ўтар экан, унга “Табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ҳамда атроф табиий муҳитни муҳофаза қилишга оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда кўзда тутилган иқтисодий чоралар мажмуи”<sup>19</sup>, деб таъриф беради.

О.И. Крассов экологик тўловларни ҳуқуқий тартибга солишнинг тавсифига тўхталиб, шундай ёзади: “Атроф табиий муҳит иқтисодий механизми – атроф табиий муҳитни ифлослантирганлик ва бошқа зарарли таъсир кўрсатганлик учун тўловлардан иборат пул маблағларини тўплаш тартиби ва шартларини, хўжалик субъектларини солиқ ёки бошқа имтиёзлар ёрдамида экологик рағбатлантиришни ҳамда табиатни муҳофаза қилувчи чора-тадбирларни молиялаштиришни тартибга солувчи ҳуқуқ нормаларидан иборат бўлган ҳуқуқий институт”<sup>20</sup>.

О.В.Дубовик эса, “Атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш ҳамда табиатдан фойдаланишнинг иқтисодий-ҳуқуқий механизми ўзида табиатни муҳофаза қилувчи чораларни молиялаштириш, хўжалик субъектлари фаолиятини солиқ ва бошқа имтиёзлар орқали рағбатлантириш, атроф табиий муҳитни ифлослантирганлик ҳамда унга бошқача зарарли таъсир кўрсатганлик учун тўланадиган пул воситалари сарфланиши шартлари ва

усулларини тартибга солувчи ҳуқуқий меъёрлар мажмуини қамраб олган ҳуқуқий институтни ифодалайди”<sup>21</sup>, деб ҳисоблайди.

Мамлакатимизда экология соҳасидаги бошқарувни такомиллаштириш кўпроқ экологик-иқтисодий методларни амалга ошириш билан боғлиқлигини ўз вақтида Ж.Т.Холмўминов<sup>22</sup> ҳам таъкидлаб ўтиб, уларга экологик тўловлар, экологик солиқ, экологик суғурта, табиатни муҳофаза қилиш тизимидаги рағбатлантириш кабиларни киритади. Биз Ж.Т.Холмўминов фикрига қўшилган ҳолда, ҳозирги давр экологик муносабатларининг ривожланишини инobatга олиб, ушбу механизмга экологик жамғармаларни киритиш ҳам мақсадга мувофиқдир, деб ўйлаймиз. Бундай фикрни ўз вақтида М.М.Нурматов ҳам номзодлик диссертациясида қўллаб-қувватлайди.<sup>23</sup>

Юқоридаги фикрларга асосланган ҳолда экологик тўловларни ҳуқуқий тартибга солиш тушунчасига қуйидагича таъриф бериш мақсадга мувофиқдир: Экологик тўловларни ҳуқуқий тартибга солиш механизми деганда, атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва экологик хавфсизликни таъминлаш чора-тадбирларини режалаштириш ва молиялаштириш; табиий ресурслардан махсус фойдаланганлик, атроф табиий муҳитни ифлослантирганлик, чиқиндиларни жойлаштирганлик ва атроф табиий муҳитга бошқача тарзда зарарли таъсир кўрсатганлик учун тўловлар ундириш ҳамда атроф табиий муҳитга салбий таъсирни камайтирганлик ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланганлик учун иқтисодий рағбатлантириш чораларини қўллаш, шунингдек, табиий ресурслардан оқилона фойдаланмаганлик учун табиатдан фойдаланувчиларга нисбатан қўшимча солиқ ва тўловларни жорий этиш билан боғлиқ чора-тадбирлар тизими тушунилади.

Эндиликда, биз экологик тўловларни ҳуқуқий тартибга солишни ҳуқуқий таъминлаш масаласига тўхталадиган бўлсак, унга қуйидагича таъриф бериш мумкин.

Экологик тўловларни ҳуқуқий тартибга солишни ҳуқуқий таъминлаш бу экологик тўловларни ҳуқуқий тартибга солишга оид масалаларнинг, яъни атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва экологик хавфсизликни таъминлаш чора-тадбирларини режалаштириш, молиялаштириш, табиий ресурслардан махсус фойдаланганлик, атроф табиий муҳитни ифлослантирганлик, чиқиндиларни жойлаштирганлик ва атроф табиий муҳитга бошқача тарзда зарарли таъсир кўрсатганлик учун тўловлар ундириш, иқтисодий рағбатлантириш, иқтисодий жазо чораларини қўллаш билан боғлиқ қоида-талабларнинг қонун ҳужжатларида мустаҳкамланиб, ўз ифодасининг топишидир.

Фикримизча, экологик тўловларни ҳуқуқий тар-

тибга солиш тушунчаси, унинг ҳуқуқий таъминланиш масалалари ҳақида юқорида билдирилган фикрларни умумлаштирган ҳолда, ушбу механизмнинг айрим хусусиятларини ҳам кўрсатиш мумкин:

— экологик тўловларни ҳуқуқий тартибга солишнинг айрим турларида давлат мажбурлов чораларидан фойдаланилиши (масалан, табиий ресурслардан оқилона фойдаланмаганлик ҳамда қонунларда белгиланган талабларни бузганлик учун иқтисодий жазо чоралари қўллашда, табиий ресурслардан фойдаланганлик учун солиқ ва тўловлар ундиришда);

— экологик тўловларни ҳуқуқий тартибга солиш механизмида маъмурий-ҳуқуқий воситаларнинг иқтисодий рабатлантириш усуллари билан ўзаро уйғунлашганлиги;

— табиий ресурслардан фойдаланиш ва атроф табиий муҳитни муҳофаза қилишда иқтисодий манфаатдорлик экологик талабларга асосланган ҳолда таъминланиши;

— экологик тўловларни ҳуқуқий тартибга солишнинг табиий ресурслардан оқилона, тежамли ҳамда самарали фойдаланишни таъминловчи восита сифатида намоён бўлиши;

— экологик тўловларни ҳуқуқий тартибга солиш механизмнинг ҳуқуқий институт сифатида бир қатор восита ва усуллар мажмуидан (табиий ресурслардан махсус фойдаланганлик учун тўлов, иқтисодий рабатлантириш, иқтисодий жазо чораларини қўллаш, экологик сўғурта, экологик жамғармалар) ташкил топиши ва бошқалар.

Ҳуллас, юқоридаги хусусиятларни юридик табиатини таҳлил қилган ҳолда таъкидлаш лозимки, экологик тўловларни ҳуқуқий тартибга солишнинг ҳуқуқий такомиллаштириш, илмий-назарий ўрганиш мамлакатимизнинг барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ва тараққий этишини белгилаб берувчи омил сифатида хизмат қилиб, табиий ресурслардан оқилона фойдаланишнинг иқтисодий-ҳуқуқий асосларини белгилаб беради ҳамда инсон, табиат ва жамият ўртасидаги муносабатлар уйғунлигини таъминлашга ёрдам беради.

Юқоридагилар шуни кўрсатмоқдаки, фикримизча, келажакда “Экологик тўловлар тўғрисида”ги Қонун қабул қилиш ва уни шакллантирилишига доир асослантирилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилиши алоҳида аҳамиятга эга бўлади, деб ўйлаймиз.



<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Тошкент, Ўзбекистон, 2014.

<sup>2</sup>Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2008, № 37-38, 382-модда

<sup>3</sup>Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, -2013 й., 22-сон, 282-модда

<sup>4</sup>Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси. – 1993. – № 1. – 37-модда

<sup>5</sup>Ўзбекистон Республикаси кодекслари, Тошкент, Адолат, 2014

<sup>6</sup>Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси. – 2003. – №1. – 5-модда.

<sup>7</sup>Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Ахборотномаси. – 1993. – № 5. – 221-модда

<sup>8</sup>Ўзбекистон Республикаси Кодекслари, Тошкент, Адолат, 2014.

<sup>9</sup>Нурматов М.М. Атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш иқтисодий механизмини ҳуқуқий таъминлаш масалалари. Юрид. фан. номз. ... дисс.Автореферати –Т.:2008.

<sup>10</sup>Ўзбекистон Республикасида атроф табиий муҳит муҳофазаси ва табиий ресурслардан фойдаланишнинг ҳолати тўғрисида Миллий маъруза (2002-2004 йиллар). – Т.: Chinor ENK, 2006. – 103 б.

<sup>11</sup>Крассов О.И. Экологическое право: Учебник. – М.: Дело, 2001. – 241 с.

<sup>12</sup>Нурматов М.М. Атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш иқтисодий механизмини ҳуқуқий таъминлаш масалалари. ю.ф.н. дисс. Автореферати –Т.:2008. Холмўминов Ж.Т. Даминов А.А. Экологик сўғурта тўғрисидаги қонунни қабул қилиш истикболлари хусусида.//Тадбиркорлик фаолиятида ресурслардан фойдаланиш ва муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий тартибга солиш мавзусидаги илмий-амалий конференция материаллар тўплами. Тошкент. 2011, 200-205 бет

<sup>13</sup>Бринчук М.М. Экологическое право: Учебник. – 2-е изд., перераб. и доп. – М.: Юристъ, 2004. – С. 305-334.

<sup>14</sup>Боголюбов С.А. Экологическое право. М.: Норма-Инфра, 1998. – С. 158-164.

<sup>15</sup>Бобылев С.Н.,Ходжаев А.Ш.Экономика природопользования /Под ред.Э.В.Гирусова.М.,1998.— С.252-254.

<sup>16</sup>Ерофеев Б.В. Экологическое право России. М.: МЦУПЛ, 1999. – С. 242-243.

<sup>17</sup>Экологическое право: Учебник для вузов / Н.Д. Эриашвили, Ю.В. Трунцевский, В.В. Гучков и др.; Под ред. В.В. Гучкова. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, Закон и право, 2000. – 149 с.

<sup>18</sup>Петрова Т.В. Правовые проблемы экономического механизма охраны окружающей среды. – М.: Зерцало, 2000. – 5 с.

<sup>19</sup>Бринчук М.М. Экологическое право: Учебник. – 2-е изд., перераб. и доп. – М.: Юристъ, 2004. – 306 с.

<sup>20</sup>Крассов О.И. Экологическое право: Учебник. – М.: Дело, 2001. – 246 с.

<sup>21</sup>Дубовик О.В. Экологическое право, изд. Юрист / Москва/ 2002. – 128 с.

<sup>22</sup>Холмўминов Ж.Т. Ўзбекистон Республикасининг экология ҳуқуқи: Дарслик / Масъул муҳаррир ю.ф.д., проф. У.Таджихонов. Тошкент.Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2003.— 43 б.

<sup>23</sup>Нурматов М.М. Атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш иқтисодий механизмини ҳуқуқий таъминлаш масалалари. Юрид. фан. номз. ... дисс.Автореферати –Т.:2008.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ҚОНУН  
ҲУЖЖАТЛАРИ ТИЛИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

✦ Мақолада Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида қонун тилига қўйилган талаблар, қоидалар таҳлил қилинган. Муаллиф қонун ижодкорлиги соҳасида ҳуқуқшунос ва тилшуносларнинг ҳамкорлик қилиши юзасидан ўз таклифларини илгари сурган.

✦ В данной статье проанализированы правила и требования, предъявляемые к языку закона в законодательных актах Республики Узбекистан. Автор выдвинул предложения относительно сотрудничества правоведов и языковедов в сфере законотворчества.

✦ In this paper were analyzed the rules and requirements for the language of law in the legislative acts of the Republic of Uzbekistan. The author, after studying the legal basis of language of legislative acts, put forward proposals concerning lawyers and linguists cooperation in the field of lawmaking.

**Таянч сўзлар:** қонун ҳужжатлари тили, давлат тили, ҳуқуқий ҳужжат матни, қонун ижодкорлиги, оддий ва раво жумла, ҳуқуқий нормани баён этиш.

**Ключевые слова:** язык законодательных актов, государственный язык, текст правового документа, законотворчество, простое и понятное предложение, изложение правовой нормы.

**Key words:** language of legislative acts, state language, text of a legislative act, lawmaking, simple and clear proposal, legal norm statement.

Мустақиллик даврида барча соҳаларда юз берганидек, қонун ижодкорлигида ҳам кўплаб ислохотлар амалга оширилди. Бу ислохотлар тил тараққиёти билан бевосита боғлиқки, бу жиҳатдан қонун ва тилни айри ҳолда тасаввур қилиб бўлмайди. Мустақиллик арафасида, яъни 1989 йил 21 октябрда ўзбек тилига давлат тили мақомининг берилиши миллий давлатчилигимиз юксалишида тилнинг қанчалик аҳамияти, ўрни борлигини кўрсатиб турибди. Совет давлати ҳали ўзининг ҳукмрон кучини йўқотмаган бир пайтда Ўзбекистон Республикаси раҳбари Ислам Каримов 1989 йил 25 октябрда Ўзбекистон ССР Олий Советининг ўн биринчи сессиясида нутқ сўзлаб, унда **“...ўз она тилини билмаган одам ўзининг шажарасини, ўзининг илдизини билмайдиган, келажаги йўқ одам, киши тилини билмайдиган унинг дилини ҳам билмайди”**, деб таъкидлаганлар<sup>1</sup>.

1992 йил 8 декабрда Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қабул қилинди. Конституциянинг 4-моддаси биринчи қисмида: **“Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ўзбек тилидир”<sup>2</sup>**, деб белгилаб қўйилди. Бу эса ўзбек тилининг давлат сиёсати, қонун ижодкорлигида, иш юритишда ҳуқуқий асосини таъминлади.

Ўзбекистон Республикасининг 1989 йил 21 октябрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ҳақида»ги Қонунига<sup>3</sup> ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиб, 1995 йил 21 декабрда **“Давлат тили ҳақида”**ги Қонуннинг янги таҳрири тасдиқланди.<sup>4</sup>

**“Давлат тили ҳақида”**ги Қонуннинг 8-моддасида: **“Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг бошқа**

ҳужжатлари давлат тилида қабул қилинади ва эълон этилади. Бу ҳужжатларнинг таржималари бошқа тилларда ҳам эълон қилинади.

Маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органларининг ҳужжатлари давлат тилида қабул қилинади ва эълон этилади. Муайян миллат вакиллари зич яшайдиган жойларда маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органларининг ҳужжатлари республика давлат тилида ҳамда мазкур миллат тилида қабул қилинади ва эълон этилади”.

Ушбу Қонун 9-моддасининг биринчи қисмида эса: **“Давлат ҳокимияти ва бошқарув органларида иш давлат тилида юритилади ва заруриятга қараб бошқа тилларга таржима қилиниши таъминланади”<sup>5</sup>**, деб белгилаб қўйилди.

Мамлакатимизда барча соҳалардаги жадал тараққиёт, хусусан, одамларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятининг юксалиши, шу билан бирга, тобора глобаллашиб бораётган ҳозирги замон қонун ижодкорлигини тизимли равишда такомиллаштириб боришни тақозо этмоқда.

Айниқса, ҳуқуқий нормаларга одамларнинг бир хилда ва оғишмай риоя қилиши, аввало, ушбу ҳуқуқий нормани одамлар учун тушунарли ва аниқ баён этилишига узвий боғлиқ.

Булардан келиб чиқиб, 2000 йил 14 декабрда **“Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”**ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни қабул қилинган ва 2012 йил 24 декабрда Қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиб, янги таҳрирда қабул қилинди. Мазкур Қонунга кўра, норматив-ҳуқуқий ҳужжат мазмунига қўйиладиган талаблар қаторида Қонуннинг 24-моддасининг биринчи қисмида **“Нор-**

матив-ҳуқуқий ҳужжатнинг матни лўнда, оддий ва равон тилда баён этилади. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатда фойдаланиладиган тушунчалар ва атамалар турлича изоҳлаш имкониятини истисно этадиган, уларнинг қонун ҳужжатларида қабул қилинган маъносига мувофиқ ягона шаклда қўлланилади. Эскирган ҳамда кўп маънони англатадиган сўзлар ва иборалар, мажозий таққослашлар, сифатлашлар, киноялар қўлланилишига йўл қўйилмайди.<sup>1</sup>, деб аниқ белгиланган.

Адлия вазирининг буйруғи билан “Давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритилладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш, юридик-техник жиҳатдан расмийлаштириш ва ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш тартиби тўғрисида Услубий кўрсатмалар” тасдиқланди.<sup>2</sup> Мазкур Услубий кўрсатмаларнинг IV боби бевосита қонуности ҳужжатлари лойиҳаларининг матни ва тузилмасига бўлган умумий талабларга қаратилган. Хусусан, мазкур бобнинг 18-бандида: “Лойиҳанинг матни лўнда, оддий ва равон тилда баён этилган бўлиши лозим. Лойиҳанинг матни турлича шарҳлаш ва талқин қилинишларга олиб келмаслиги керак. Лойиҳанинг жумлалари расмий тил услубидан ва юридик атамашуносликдан фойдаланилган ҳолда умум-эътироф этилган грамматик, орфографик ва пунктуация қоидалари асосида тузилади.”<sup>3</sup>, 20-бандида “Лойиҳада қуйидагиларнинг қўлланилишига йўл қўйилмайди:

оғзаки нутқ шакллари;

хорижий тилларнинг атамалари, давлат тилида тенг маъноли сўзлар ва тушунчалар бўлган тақдирда;

эскирган ҳамда кўп маънони англатадиган сўзлар ва иборалар, мажозий таққослашлар, сифатлашлар, киноялар;

аббревиатура ва қисқартмалар (умумий қабул қилинган аббревиатура ва қисқартмалар, шунингдек қонуности ҳужжатларининг иловаларидаги ташкилотларнинг қисқартирилган номлари бундан мустасно)<sup>4</sup>, деган талабларни кўриш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари Миллий базасида<sup>5</sup> 2015 йил 3 июнь ҳолатига кўра 34 410 та ҳужжат мавжудлиги кўрсатилган. Бу кўрсаткич кўн сайин ўзгариб, ортиб боришини инобатга олсақ, қонун ҳужжатларининг сони тобора кўпайиб бораётганини кўриш мумкин.

Бироқ қонун ҳужжатлари матнининг айримлари ўзбек тили қоидаларига риоя қилинмагани, оддий

ва равон баён этилмагани, кўп маъноли сўз ва иборалар учрашини кузатишимиз мумкин. Улар ҳақида кейинги ишларимизда баён этамиз.

Шу билан бирга, қонун ҳужжатларида сўзларнинг туб луғавий маъноси қонун ҳужжатида баён этилган ҳуқуқий нормага мос келмаслиги ҳолати, шунингдек, аҳоли ўртасида кўп фойдаланиётган сўзлар ўрнига маълум тоифадаги шахслар (тор доира мутахассислари) тушунадиган сўзлардан фойдаланиш мазкур ҳуқуқий нормаларни ҳаётга тўла татбиқ этишда, рўёбга чиқарилишида муаммоларни юзага келтирмоқда. Бу эса бевосита аҳоли ҳуқуқий маданиятига салбий таъсир кўрсатиши мумкин, чунки тушунарсиз, ғализ ёзилган қоидаларнинг тўғри идрок қилинишига халақит беради. Бу эса мавжуд ҳуқуқларнинг англанишида муаммоларни келтириб чиқариши мумкин.

Президентимиз «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»да: “Жамиятнинг демократия йўлидан жадал ривожланиши ва бу борада амалга ошириладиган ислохотларнинг муваффақияти, кўп жиҳатдан, одамларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданияти даражасига боғлиқдир”<sup>6</sup>, -деб бежиз таъкидламаганлар.

Шулардан келиб чиқиб, қуйидаги таклифларни илгари сурмоқдамиз:

1) қонун ижодкорлигининг тил хусусиятларини янада чуқурроқ ўрганиш, тадқиқ этиш лозим;

2) қонун ҳужжатлари норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар матнига қўйилладиган талаблар даражасида яратилиши белгилаб қўйилган экан, бизнинг назаримизда тилшунослар ҳам бу ишга жалб қилиниши мақсадга мувофиқ;

3) ҳуқуқий нормаларнинг ўзбек тилида ифодаланиши масалалари юзасидан олиб борилган илмий-тадқиқот ишларини таҳлил қилиб, уларни янада такомиллаштириш;

4) қонун ҳужжатлари тилида сўз танлаш қоидаларига риоя қилиш ҳолатининг долзарб масалаларини тадқиқ қилиб, ҳуқуқшунослар билан тилшунослар ҳамкорликда қонун ҳужжатлари тилини янада такомиллаштириш;

5) қонун ҳужжатлари тилининг услубий хусусиятлари ва сўз танлаш муаммоларини ўрганиб, ёзилладиган қонун ҳужжатлари тил нуктаи назаридан мазкур қонундан фойдаланувчилар манфаатидан келиб чиқиб ҳуқуқшунос ва тилшунослар ҳамкорлигида ёзилса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Шунда қонун ҳужжатларининг янада тушунарли, равон ва аниқ бўлишига эришиш мумкин.

<sup>1</sup> И.Каримов. Ўзбекистон Мустақилликка эришиш остонасида. “Ўзбекистон” 2011. Б- 69

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. “Ўзбекистон” НМИУ, 2014. Б- 4

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Советининг Ведомостлари, 1989 йил, № 26-28, 453-модда

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 й., 12-сон, 257-модда;

<sup>5</sup> “Давлат тили ҳақида”ги Қонун. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 й., 12-сон, 257-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 51-сон, 514-модда; 2010 й., 37-сон, 313-модда; 2011 й., 41-сон, 449-модда

<sup>6</sup> Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг 2012 йил 9 апрелдаги 83-мх-сон буйруғи. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 15-сон, 173-модда)

<sup>7</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 15-сон, 173-модда

<sup>8</sup> Lex.uz

<sup>9</sup> Каримов Ислоҳ Абдуғаниевич. Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш – мамлакатимиз тараққиётининг асосий мезонидир. Ўзбекистон. 2011 йил. Б – 69.



**2015 йил 29 апрель кuni Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Тошкент давлат юридик университети билан ҳамкорликда "Ёшларни ахборот хуружларидан ҳимоя қилиш масалалари" мавзусида илмий-амалий конференция ўтказилди.**

Тадбирда Бош прокуратуранинг Олий ўқув курслари профессор-ўқитувчилари ва тингловчилари, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши, Олий ва ўрта махсус таълим, Адлия, Ички ишлар, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш вазирликлари, Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, Ўзбекистон "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, Республика маънавият тарғибот маркази, Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, оммавий ахборот воситалари вакиллари ҳамда Тошкент давлат юридик, Ислон, Ўзбекистон Миллий университети, Жаҳон иқтисодий ва дипломатия, Тошкент

ахборот технологиялари университети профессор-ўқитувчилари ва талабалари ҳамда бошқа ташкилотларнинг вакиллари иштирок этдилар.

Таъкидланганидек, глобаллашув жараёнлари фуқароларнинг ахборот олиш имкониятларини кенгайтирмоқда. Шу билан бир қаторда, бу жараён фуқароларни ахборот хуружларидан ҳимоя қилиш тизими такомиллашувини тақозо этмоқда. Айниқса, мамлакатимиз аҳолисининг 60 фоизидан ортигини ташкил этувчи ёшларни ахборот хуружларидан ҳимоя қилиш чораларини амалга ошириш долзарб вазифа ҳисобланади.

Ёшларни онгига ва дунёқарашига салбий таъсир кўрсатадиган ахборотлардан ҳимоя қилишда давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтларининг масъулиятини кучайтириш ҳамда ахборот олиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижроси самардорлигини юксалтириш, бу борада қонунларнинг аниқ ва бир хилда ижро этилиши устидан прокурор назоратини янада кучайтириш муҳим масаладир.

Конференцияда сўзга чиққанлар ёшларни маънавий таҳдидлар ва ахборот хуружларидан ҳимоя қилишда "оммавий маданият" шакллари, интернет тармоқлари ва оммавий ахборот воситаларининг салбий таъсирларини бартараф этишга қаратилган ҳуқуқий, ташкилий-техник ва иқтисодий услубларни комплекс равишда қўллаб бориш лозимлигини таъкидлашди.

Ёшларнинг дунёқарашини юксалтириш, турли маънавий таҳдидларга нисбатан мафкуравий иммунитетни шакллантириш ишларини амалга ошириш билан уларни ахборот хуружларидан ҳимоя қилишда давлат органлари, фуқаролик жамияти институтлари ва оммавий ахборот воситалари самарали ҳамкорлик олиб бориши зарурлиги эътироф этилди.

**2015 йил 27 май кuni Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси томонидан судлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳамда фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорликда "Фуқароларнинг ҳуқуқий фаоллигини оширишда суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлиги" мавзусида илмий-амалий конференция ташкил этилди.**

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Олий суди, Олий хўжалик суди, Адлия, Ички ишлар вазирликлари, Давлат божхона ва Солиқ қўмиталари, Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти, Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси, "Ижтимоий фикр" жамоатчилик маркази, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги ходимлари, таълим муассасаларининг ўқитувчилари, талабалари ҳамда бошқа ташкилотларнинг ходимлари ва оммавий ахборот восита-



лари вакиллари иштирок этишди.

Жамиятнинг демократия йўлидан жадал ривожланиши ва бу борада амалга оширилаётган ислохотларнинг муваффақияти кўп жиҳатдан одамларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданият даражасига боғлиқ. Ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданият ўз навбатида ҳуқуқий фаолликка асос бўлади.

Тадбир иштирокчилари томонидан нафақат фуқа-

роларнинг ҳуқуқий билимлари ва ундан фойдалана олишлари, балки уларнинг ҳуқуқбузарликка қарши курашишда иштирок этишлари ҳуқуқий фаолликнинг муҳим белгиси эканлиги қайд этилди.

Анжуманда таъкидланганидек, аҳолининг кенг қатламлари билан суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг вакиллари, адвокатлар ва ҳуқуқшунос олимларнинг учрашувларини ташкил этиш, ҳуқуқий адабиётларнинг оммабоплигини таъминлаш фуқароларнинг ҳуқуқий фаол бўлишига кўмак беради.

Конференцияда фуқароларнинг ҳуқуқий фаоллигини ошириш, ҳуқуқий онг ва маданиятини юксалтириш демократик ҳуқуқий давлат қуришнинг муҳим белгиси эканлиги таъкидланди.

Тадбир якунида аҳолининг ҳуқуқий онги, маданияти ва ҳуқуқий фаоллигини оширишда суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан фуқаролик жамияти институтлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик самарадорлигини янада оширишга ҳамда мазкур соҳадаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштиришга доир тавсиялар ишлаб чиқилди.

### **2015 йил 4 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясида "Сайлов қонунчилиги: миллий ва хорижий тажриба" мавзусида давра сўхбати ташкил этилди.**

Тадбирда Бош прокуратуранинг Олий ўқув курслари профессор-ўқитувчилари ва тингловчилари, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси вакиллари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти ходимлари иштирок этишди.

Тадбирни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси М.Абдусаломов олиб борди. Давра сўхбатида "Марказий сайлов комиссиясининг эркин демократик сайловларни ташкил этиш ва ўтказишдаги роли", "Сайлов қонунчилиги: назария ва амалиёт", "Сайлов қонунчилигининг ўзига хос хусусиятлари: халқаро тажриба", "Сайлов жараёни ошқоралигини таъминлашда оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва аҳамияти: миллий тажриба" каби мавзуларда маърузалар қилинди.

Тадбирда демократик ҳуқуқий давлатни барпо этиш ва фуқаролик жамиятини шакллантиришда сайлов жараёнларининг аҳамияти беқиёслиги, мамлакатимиз мустақиллигининг дастлабки кунлариданоқ демократик принципларга асосланган сайлов тизими ва қонунчилигини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилганлиги, Ўзбекистон Республикаси сайлов қонунчилиги халқимизнинг бой миллий қадриятлари ва тарихий давлатчилик анъаналари асосида сайловга оид халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган тамойиллари ва ривожланган давлатларнинг илғор тажрибаларини инobatга олган ҳолда яратилганлиги қайд этилди.

Анжуманда сайлов участкаларида сайловчилар учун қулай имкониятлар яратилганлиги, хусусан, болали ота-оналарга болаларига қараб туриш учун,



қария ва ногиронларга тиббий хизмат кўрсатиш учун алоҳида хоналар ажратилганлиги, давлатнинг фуқароларига нисбатан бўлган ғамхўрлиги халқаро эксперт ва кузатувчиларнинг катта ижобий қизиқишларига сабаб бўлганлиги эътироф этилди.

Тадбир иштирокчилари томонидан 2014 йилнинг 21 декабрь куни бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси парламенти сайлови ҳамда 2015 йилнинг 29 март куни бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Президентлигига сайловнинг жаҳонда эътироф этилган очиклик, ошқоралик, муқобиллик ва кўппартиявийлик тамойиллари асосида ўтказилганлиги айтиб ўтилди.

Давра сўхбати якунида Олий ўқув курслари тингловчилари амалиётда вазифаларини бажариш учун хизмат ўташ жойларига қайтганларида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, айниқса, сиёсий ҳуқуқларини аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни амалга оширишда такомиллаштирилиб борилаётган қонунларимизни халқимизга хусусан, марказдан олисда бўлган узоқ қишлоқ ва овулларда янада чуқурроқ тарғиб этишга эътибор қаратишлари лозимлиги таъкидланди.



**2015 йилнинг 11 июнь кuni Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги Юристар малакасини ошириш маркази билан ҳамкорлигида "Суд-ҳуқуқ тизимини демократлаштириш шароитида фуқаролик процессуал қонунчиликни такомиллаштиришнинг назарий ва амалий масалалари" мавзусида илмий-амалий конференция ўтказилди.**

Тадбирда Олий ўқув курслари ва Юристар малакасини ошириш маркази профессор-ўқитувчилари ҳамда тингловчилари, Тошкент вилоят прокуратураси, Олий суд Тадқиқот маркази, Адвокатлар палатаси вакиллари ҳамда Тошкент давлат юридик университети профессор-ўқитувчилари иштирок этдилар.

Конференцияда фуқаролик суд ишларини юритишга оид қонунчиликни такомиллаштириш масалалари, хусусан, фуқаролик суд ишларини юритишни оптималлаштириш, фуқаролик процессида адвокат иштирокига оид қонунчиликни ривожлантириш, айрим тоифадаги фуқаролик ишларининг кўрилишида прокурор иштирокининг самарадорлигини ошириш ҳамда назорат инстанциясида иш юритишга оид миллий амалиёт ва хорижий тажриба каби масалалар чуқур муҳокама қилинди.

Илмий-амалий конференция ишида фуқаролик судларида иш юритишни такомиллаштиришнинг назарий ва амалий масалалари ҳуқуқшунос олимлар ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиёти ходимлари ўртасида


қизғин муҳокама қилиниб, унда фуқаро ва ташкилотларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини суд орқали ҳимоя қилиш учун қулай шароитлар яратиш, процесс иштирокчилари ва манфаатдор шахсларнинг одил судлов ҳимоясига бўлган кафолатларини кучайтириш, суд тартиб-таомилларини соддалаштирилган процессуал шакллари ишлаб чиқиш, суд ишларини тўғри ва ўз вақтида кўриб чиқишнинг процессуал механизмларни таъминловчи нормаларни фуқаролик процессуал қонунчиликка киритиш, мамлакатимиз Фуқаролик процессуал кодекс билан боғлиқ қондаларни халқаро стандартларга мослаштириш мақсадида фуқаролик процессуал қонунчилигини такомиллаштиришнинг концептуал асосларини ишлаб чиқиш юзасидан аниқ таклиф ва тавсиялар билдирилди.

Тадбирда хорижий давлатларнинг бу борадаги илғор тажрибасига тўхталиб, АҚШ, Англия, Австрия, ГФР, Япония, Корея ва бошқа давлатларда низоларни судга қадар ҳал этиш, судда иш юритишни янада соддалаштириш тартиб-таомилларини ривожлантириш, фуқаролик процессида электрон ҳужжат алмашинуви ҳамда ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш орқали суд процесси иштирокчиларининг одил судловга бўлган ҳуқуқлари кафолатини кучайтириш долзарб масала эканлиги таъкидланди.

Айни пайтда мамлакатимизда фуқаролик процессуал қонунчиликни янада такомиллаштиришга қаратилган ислохотлар изчил амалга оширилаётганлиги, жорий йилнинг 9 июнида Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиши натижасида фуқаролик судларига электрон муружаат қилиш, суд чақирув қоғозлари, суд қарорларининг нусхалари ва бошқа ҳужжатларни электрон шаклда юбориш механизми жорий этилганлиги, бу ўз навбатида одил судловнинг тезкорлиги ва қулайлигини таъминлаш борасида муайян ютуқларга эришиш имконини бериши алоҳида таъкидланди.

Конференцияда шунингдек, ишда иштирок этувчи шахсларнинг, хусусан, адвокат билан прокурорнинг процессуал ҳуқуқий мақомини такомиллаштириш, суд қарорларини назорат тартибида қайта кўриш босқичида мавжуд бўлган айрим муаммоларни ҳал этиш масалаларига ҳам тўхталиб ўтилди.

## ЯНГИ КИТОБЛАР



Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари катта ўқитувчиси, юридик фанлар доктори Ф.Х.Раҳимов ва Олий ўқув курслари ўқитувчиси, юридик фанлар номзоди А.У.Эргашевлар томонидан "Жиноятчиликка қарши курашда жиноят қонунчилигини такомиллаштириш масалалари" мавзусида илмий-амалий мақолалар тўплами тайёрланди. (Тақризчилар: ю.ф.д., профессор Б.Х.Пўлатов, ю.ф.н. М.А.Мусаев. — Тошкент, 2015.)

Мазкур тўплам Олий ўқув курслари профессор-ўқитувчилари, раҳбар кадрларни қайта тайёрлаш курслари тингловчиларининг мақолалари асосида шакллантирилган. Тўплам "Жиноятларни тергов қилишда суриштирув, тергов ва тезкор-қидирув органларининг фаолиятини ташкил этиш" ва "Коррупцияга қарши курашиш ва трансмилий жиноятлар" модуллари доирасида тайёрланди.


Тўпламда муаллифлар тўплам мавзусига оид илмий-назарий, амалий муаммолар, уларнинг ечими, олимлар ва мутахассисларнинг бу масалалар юзасидан қарашлари ва фикрлари хусусида ўз тақлифларини, мулоҳазаларини баён этишга ҳаракат қилганлар.

Тўпламда эълон қилинган мақолаларда суд-ҳуқуқ ислохотларининг йўналишлари, такомиллашуви, ривожланиш истикболлари ҳақида атрофлича фикрлар билдирилган.



Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари катта ўқитувчиси, юридик фанлар доктори, профессор Б.Х.Пўлатов, Прокуратура органлари тергов тармоқлари фаолияти устидан назорат бошқармаси бошлиғи О.Х.Набиев, Ички ишлар вазирлиги органлари суриштирув, тергов ва тезкор-қидирув фаолияти устидан назорат бошқармаси бошлиғи в.б. Б.Б.Бабажановлар томонидан "Суриштирув ва дастлабки тергов органларида қонунлар ижроси устидан прокурор назорати" мавзусида илмий-амалий қўлланма тайёрланди (Тақризчилар: ю.ф.д., Ф.Х.Раҳимов, ТДЮУ "Жиноят процесси" кафедраси катта ўқитувчиси, ю.ф.н. Ш.Ф.Файзиев. — Тошкент, 2015.)

Мазкур қўлланмада суриштирув ва дастлабки тергов органлари томонидан қонунларнинг ижро этилиши устидан прокурор назорати ва уни амалга оширишда прокурор ваколатларини англаш, кўп воқеали жиноят ишлари бўйича прокурорнинг ваколатлари, айблов хулосаси билан келган жиноят иши юзасидан прокурор ҳал этиши лозим бўлган масалалар, айблов хулосаси билан келган жиноят иши юзасидан прокурор қарори, эҳтиёт чораси тўғрисидаги қарорни тузиш, суд мажлисига чақирилиши лозим бўлган шахсларнинг рўйхатини ўзгартириш, жиноят ишини судга юбориш тартиб-қоидалари, жиноятчилик, шу жумладан рецидив жиноятчиликни ўрганиш, уларнинг олдини олиш масалалари ва кўриб чиқиладиган соҳада прокурорлик назорати самарадорлигини ошириш юзасидан алоҳида эътибор берилиши лозим бўлган масалалар ва тавсиялар таҳлил қилинган.



«Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари Ахборотномаси»да нашр этиладиган мақолага қуйидаги талаблар қўйилади:

- мақолада жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизациялаш ва ислоҳ этишнинг умумназарий, ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий масалалари, мазкур соҳаларда амалга оширилган ишларнинг тизимли таҳлили ҳамда аниқ янги назарий ва амалий тақлифлар акс этиши;
- матн такрорларсиз, мантиқий изчил, баён қилинган фикрлар аниқ, қисқа ва лўнда бўлиши;
- келтириладиган маълумотлар ишончли ва тўғри бўлиши;
- мақолага журналда нашр қилиш мумкинлиги ҳақида шу соҳадаги етакчи ҳуқуқшунос олим ва мутахассиснинг, муаллиф ишлайдиган ёки тадқиқотчи ҳисобланадиган олий ўқув муассасаси кафедраси ёки институти раҳбари тақризи;
- матн ўзбек ва рус тилида, шунингдек, имкониятга қараб инглиз тилидаги таржимаси ҳам тақдим этилиши;
- матн компьютерда Wordнинг "Times New Roman"ида 14 шрифтда 1,5 интервалда А4 форматли стандарт оқ қоғознинг бир томонида ёзилиши, электрон нусхада тақдим этилиши ҳамда матннинг чап қисми 3 см, ўнг қисми 1,5 см, тепа ва пастки қисмлари 2 см бўлиши;
- мақолада илмий баҳс-мунозара, иқтибосларнинг мавжуд бўлиши; иқтибослар 12 шрифтда 1,0 интервалда ёзилиши;
- мақоланинг ҳажми 8 бетдан 10 бетгача бўлиши;
- мақоланинг сўнгги саҳифасида муаллифнинг исм-шарифи, илмий даражаси ва унвони, иш жойи ва лавозими, яшаш ва хизмат манзили, телефон рақамлари ёзилган бўлиши лозим.
- ўзбек, рус ва инглиз тилидаги қисқа аннотация ҳамда таянч сўзлар
- мақолаларни қуйидаги электрон манзилга юборинг: [axborotnoma@vuk.uz](mailto:axborotnoma@vuk.uz)

Требования к статьям, публикуемым в «Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари Ахборотномаси»:

- статья должна содержать анализ общетеоретических, общественно-политических, правовых вопросов демократизации и обновления общества, реформирования и модернизации страны с отражением положения дел в данной сфере, а также теоретические и практические предложения;
- исключение повторов в тексте, логическая последовательность, точность, краткость и ясность изложенных идей;
- достоверность и корректность приводимой в статье информации;
- к статье должны прилагаться отзыв ученого-правоведа или специалиста в этой области о возможности публикации статьи в журнале, а также отзыв кафедры высшего учебного заведения или отделения научно-исследовательского института, где автор работает или является соискателем;
- представление статьи на узбекском и русском языках, по мере возможности на английском языке;
- статья представляется вместе с ее электронной копией, подготовленной с помощью текстового редактора "Word", где текст должен быть отпечатан через 1,5 компьютерных интервала 14 шрифтом "Times New Roman" (сноски 12 шрифтом) на одной стороне стандартной белой бумаги формата А 4. Поля страницы должны составлять: левое — 3 см, правое — 1,5 см, верхняя и нижняя части — 2 см; — наличие в статье научной полемики, сносок;
- объем статьи должен быть от 8 до 10 печатных страниц;
- на последней странице статьи должны быть указаны имя, фамилия и отчество, ученая степень и ученое звание, место работы и должность, домашний и служебный адреса, телефоны автора.
- ключевые слова и краткая аннотация статьи на узбекском, русском и английском языке
- статьи нужно направлять по адресу: [axborotnoma@vuk.uz](mailto:axborotnoma@vuk.uz)



**Навоий вилоят  
прокуратураси**



**Навоий шаҳар  
прокуратураси**



**Навбахор туман  
прокуратураси**

